

У31
Н14


Аншеуъ Рабоуи
МЪЖУАОМ



Алишер Навоий

МУҲШАБОТ

(мактублар)



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2001

Муҳтарам китобхон!

Қулиягизга олиб, уқий бошлагангиз мазкур китобни маънолар хазинасидаги бир жавҳар деб атасак ҳам булар. Ажабки, бизнинг бу кунларимизда илм-фан ғоят тараққий этиб, одамлар бир-бирларига мактуб ёзмай қўйдилар. Инсон учун ҳузурбахш бўлган бу юмушни телефон, телеграф ва факс, ва инҳоят; интернет деган воситалар бажаряпти. Қадимда дунё мунавварлари, ҳусу-сан шарқ алломалари мактубот тарзига алоҳида эътибор берганлар. Алишер Навоий ҳазратларининг «Муншаот» (яъни ившо) деб аталмиш китоблари фикримиз далили. Китобга жамланган бир юз етти мактуб шунчаки хабарлар баёни эмас, балки нафис адабиётнинг юксак намунасидир. Бу мактубларда гузал табиатнинг латиф тасвири ҳам, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам, тарих ҳам, назм муаммолари ҳам уз аксини топган. Туркий халқлар адабиёти орасида дастлабки мукамал намуна саналган бу мактубот Спз, азияларга асл ҳолча эмас, балки ҳозирги адабий тилимиздаги изоҳли баёни тарзида ҳавола этиляпти. Албатта ҳар нарсанинг асли яхши, асли тотлироқ. Аммо мактублар мазмунини тезроқ англашда енгиллик бўлсин учун муҳтарам олимларимиздан бири Юсуф Турсунов томонидан бу иш амалга оширилди. Маълумингизким, Алишер Навоий ҳазратларининг бир қанча дostonларнинг насрий изоҳли баёнлари нашр этилган эди. «Муншаот» баёни уша ҳаракатларнинг давоми сифатида юзага келди.

► «Муншаот»нинг асл кўриниши кўп жилдди тапланган асарларда аввал нашр этилгани сабабли бу китобга киритилмади.

Изоҳли баён муаллифи, нашрга тайёрловчи — филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов.

Тақризчи: — филология фанлари доктори, академик Азиз Каюмов.

АДАБИЁТ МУҲИБЛАРИГА

Маълумки, қадимдан ёзишмалар инсонлар ўртасидагина эмас, балки давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши ва мустақамланишида муҳим вазифасини ўтаб келган. Хатто, ўрта аср Шарқда ёзишмалар такомил топиб бориб, иншо санъати деб аталувчи санъатга айланган. Хусусан, ижод аҳли ўртасидаги ёзишмалар ўзига хос бадийят намунаси сифатида юзага келган. Иншо санъатининг гузал намунаси сифатида қадрланган бундай мактублар муаллифларнинг узлари томонидан еки уларнинг мухлислари томонидан жамланиб бир тўплам ҳолига ҳам келтирилган.

Ана шундай мактублар Шарқда асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Бадий адабиётнинг ҳар қандай турида ҳам форс адабиёти намуналари билан тенглаша оладиган асарлар яратишни ўз олдига ижодий мақсад қилиб олган Алишер Навоийда ўзбек тилида ҳам мана шундай бадий куркам ва дилга ёқимли мактублар ёзиш фикри туғилади. Шу тариқа ёзган мактублари оз вақт ичида анчагина йиғилиб қолгач, уларни «Муншаот» номи билан тўплам ҳолига келтиради.

Тўпламдаги мактублар мазмун-эътибори билан ҳам ғоятда қимматли. Чунки, уларнинг аксарияти Навоийнинг ҳаёти, ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритувчи бадий лавҳалардир. Бир қатор мактубларда давлат ишлари ва юрт осойишталиги йўлида жон куйдираётган давлат арбобининг сиймоси намоён бўлса, баъзи мактубларда шонрнинг ижод жараёни акс этди; бир туркум хатлар давлатни идора этишга доир муҳим ҳужжатлар бўлса, яна бир бошқаларни табрик ва таъзия мазмунидаги номалардир. Бинобарин, «Муншаот»даги мактубларнинг ифода услуби ҳам турличадир. Баъзи мактублар содда ва раво услубда ёзилган бўлиб, мазмуни тушунарли ва муаллиф мақсади аниқ бўлгани ҳолда айрим мактублар ғоятда бадий сержило ва жимжимадор услубда ёзилгандир. Ҳукмдор шахслар ёки юқори мартаба эгаларига ёзилган мактуб-

лар кўпроқ ана шундай шаклда бўлиб, улар асосан хат йулланаётган шахснинг таъриф-тавсифи, унинг ҳақиқа килинган дуолардан иборатдир. Кўркем сўз ва иборалар билан зийнатланган бу мактублар мазмунини тушуниб етиш, уларга жило бериб турган бадий санъатлар остига яширинган нозик маъноларни идрок этиш бугунги кун ўқувчиси учун анчайин мушкул.

«Муншаот»даги мактубларга парда бўлиб турувчи яна бир жиҳат уларда хат йулланаётган шахс номи, манзили ва сананинг кўрсатилмаганлигидир. Бу ҳолатни ҳам Шарқ иншо санъатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб изоҳлаш керак. Зеро, мактублар уша даврда бирон бир хабар, мақсад ёки янгилликни элтувчи восита — ҳужжатдан кура бадий адабиётнинг ўзига хос бир тури сифатида битилган ва қабул килинган. Шундай булгач, мактублар бошига қайси манзилга ва кимга ёзилаётганлигини ҳамда охирида битилган санасини кўрсатиш иншо санъати услубига мувофиқ келмайдигандек кўринган. Қолаверса, бунга деярли эҳтиёж ҳам булмаган, чунки мактуб ишончли ва тайинли кишилар орқали жўнатилган. Бундай кишиларни «қосид», «ҳомил» ва яна «даранда» деб аташган — зарур ҳолларда мактубнинг ёзилган вақти, муаллифи, жунатилаётган ери ва шунингдек ута махфийлиги туфайли хатда ёзиш мувофиқ топилмаган гапларни оғзаки тарзда баён этишни ўз зиммасига олган.

Алишер Навоий туркона либос кийдирган бу иншо келинчаклари юзидан ана шундай пардаларни кутариш ва улардаги яширин маъно-мақсадларни замондошларимизга мумкин қадар намоён этиш мақсадида биз асарни ҳозирги адабий тилимизга яқин матнини тайёрлашга ҳаракат қилдик. Бу ният бизда асарнинг энг тулиқ нусхасини нашр эттириш режаси асносида туғилган эди. Бироқ, ишга киришгач шунга амин бўлдикки, бу иш биз ўйлаганчалик осон эмас экан. Гап шундаки, асар матнини кенг оммага, хусусан оддий китобхон ва мактаб ўқувчилари савиясига мўлжаллаб ҳозирги тилимизда баён этилса, уни ниҳоятда соддалаштириб юборган ва яма ҳам ёмони ундаги бадий кўркем таъмоман йўқолишига олиб келинган бўлар экан. Башарти, матндаги бадий воситалар сақлаб қолинса, асосий мақсадга тулиқ эришиб булмас экан. Шундай булса-да, бошлаган ишимизни хайрли билиб, уни охирига етказишга ҳаракат қилдик. Асосий матндаги, яъни аслиятдаги баъзи кўҳна арабча, форсча сўзлар, тасаввуфга

Доир жумлалар ва шунингдек, бадий санъатлар қўланган ўринларнинг бугунги тилимиздаги муқобилини бериш ёки ифодалаш имкони бўлмаганида уларни изоҳлаш билан қаноатландик. Мактублардаги рубоий, қитъа, фард каби шеър турлари ёки байтлари мумкин қадар бадий оҳорини йўқотмасликка ҳаракат қилдик, баъзи ўринларда уларнинг матнини айнақ қолдириб, тушунилиши кийин бўлган сўз ёки мисрани изоҳлаш билан кифояландик.

Бир неча оғиз сўз «Муншаот»нинг сўнгги, тўлиқ қуриниши ва уни нашр этиш масаласи ҳақида. Биз асарнинг қўлёзма нусхаларини ўрганганимизда улар таркибидаги мактублар миқдорига кўра ўзаро тафовутга эга эканлиги маълум бўлган эди. Чунончи, ҳижрий 1004—1007, милодий 1595/96—1598/99 йилларда Эрон Озарбайжонининг Қизилоғоч шаҳрида кучирилган «Муншаот» қўлёзмаси (бу қўлёзма Санкт-Петербургдаги Давлат Халқ кутубхонасида 558-тартиб рақами билан сақланади) таркибида олтиш мактуб, бошқа купгина нусхаларда тўқсон атрофида, умрининг сўнгги йилларида Навоийнинг ўзи томонидан тузилган «Куллиёт»даги «Муншаот»да эса бир юз тўртта мактуб мавжуд. Бу ҳолни шундай тушуниш керак: Навоий дастлаб мактубларини тўплам ҳолига келтирганида у олтиш олти хатдан иборат бўлган. Шундан кейинги 2—3 йил давомида яна ёзилган мактублар йиғилиб қолган. Навоий уларни ҳам тўпламга киритган ва натижада «Муншаот»нинг иккинчи ҳолати юзага келган. Ниҳоят, умр бўйи барча асарларини жамлаб, бир китоб — «Куллиёт» ҳолига келтирар экан, Навоий энг сўнгги йилларда ёзилган мактубларини ҳам «Муншаот»га киритган ва шу тариқа асарнинг сўнгги, учинчи шакли юзага келган.

1966 йилда нашр этилган Алишер Навоий асарлари ун беш томлигининг ўн учинчи томидаги «Муншаот» тўпламининг иккинчи ҳолати нусхалари асосида нашр этилгандир. Албатта, шоирнинг бошқа асарлари нашридаги каби бу нашрда ҳам собиқ Шўро тузуми мафкураси тақозоси билан мактублар матнидаги диний мазмундаги жумлалар, ояти карима ва ҳадиси шарифлар, хаттоки, баъзи мактублар тушириб қолдирилган. Баъзи мактублар матни ғайриихтиёрий равишда қўшиб юборилган. Ана шу ҳолатларга кўра «Муншаот» асарини унинг сўнгги шакли асосида тўлиқ ҳолда нашр этиш навоийшунослигимизнинг бугунги кундаги муҳим

вазифаларидан бири эканлиги аён бўлади. Шунга биноан биз «Муншаот»нинг энг тўлиқ ва мукамал нусхаси булган Навоий куллиёти (бу куллиёт Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тупқопи сарой кутубхонасида 808-тартиб рақами билан сақланади) таркибидаги нусха асосида бу ишни амалга оширдик.

Албатта, ҳар бир иш камчилик ва нуқсонсиз булмаганидек бизнинг бу ишмизда, хусусан асар матнининг ҳозирги тилимидаги баёнида ҳам хато ва камчиликлар, эътирозли уринларнинг бўлиши табиий. Ана шундай айб-нуқсонлар учун биз аввалдан китобхонлардан уэр сураган ҳолда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

ЮСУФ ТУРСУНОВ

Ҳаддан зиёд мақтовлар булсин у Яратгувчигаким, илмий котибни ўзининг қудратли яратувчан қалами билан шарафли сузлар тизмасини коинот дарақларига рақам қилди, токи дунёга келганлар унинг ҳукми билан иш кўргайлар ва яхшини ёмондан, қилар ишни қилмас ишдан фарқлай билгайлар.

Рубоий:

У шундай ҳокимки, эҳсони барчага баробардир,
Фармони шоҳлар бошида барқарордир,
Ҳукмида Қуръони карим суралари битилгандир,
Унда ёзилганларда фақат мўъжиза намоёндыр.

«(Унинг) улуғлиги юксак ва неъматлари умумийдир».

Ва чексиз таҳсини тасаннолар¹ булсин у юксалтирувчи зотгаким, шарият муфтисининг қалами амри билан мақтовли шарият ҳукмлари замон саҳифаларига ёзилди, токи даврон эли унинг яхши ишларга буюрганлари ва ёмон ишлардан қайтаришларига риоя қилган ҳолда хато ишлар содир этишдан ўзларини тийиб савоб ишлар қилиш йўлида барқарор булгайлар.

Рубоий:

У шоҳ сузлари ёқимли ҳам қоидалидыр,
Ҳар бир нуктаси унинг балоғат² намунасыдыр,
Аллоҳ буюрган иши оламга элчилик қилишдыр,
Бу элчиликда юксак даража топиш адолат
натижасидыр.

Шундан сўнг хурматли ҳамсуҳбатлар ва азиз дўстларга шуни баён қилинадикки, туркий халқлар ёзиш-маларида ва бу халқнинг идрокли кишилари ўзларининг мақсад, тплак ёки хабарларини баён қилмоқчи бўлиб бировдан бировга хат ёзилса ёки бир киши ўзига келган мактубга жавоб ёзиб, хат келтирган кишидан қайтарса, ёзган мактубининг сузлари (бадий) нозикликлардан йироқ, сатр ва мисралари³ (бадий) гўзалликлардан узоқ эди. Ва ифодасида чиройли шеърый

парчалар кўринмас, мазмуни эса ранго-ранг байтлар билан безалмас эди. Ва (бу жиҳатдан) қиёсланганда форс тилидаги ёзишмалар⁴ дилга ёқимли, мактублари ва имлолари беҳисоб ва юксак даражада эди. Хаёлимга шундай фикр келдики, туркий тилдаги мактубларни ҳам шу тарзда битгайман ва бу тилдаги номаларни ҳам уша тартибда ёзгайман⁵. Оз вақт ичида шу тариқа ёзилган хатлар тупланиб ва номалар йиғилиб қолган эди, ушбу саҳифаларда қайд этилди.

Р у б о и й:

Ҳар кимки уни уқишни одат этгай,
Ва ёзганни агар дуо билан ёд этгай,
Тенгри уни ҳар балодан озод этгай,
Хотирини ғамдан халосу шод этгай.

1

Тоғ-тоғ утинч адо этилгач¹, қоф-қоф² ихлос юзасидан шуни баён қилинадикки, бу фаслдаким, ёқимли ислар таратувчи навруз шабадаси лола бошини телба³ ва баҳор салқинининг муаттар хидлар таратишидан булут табиатини беқарор қилипти — лоладек телбаликдан тоғ сафарини ҳавас қилиб, булутдек беқарорликдан тоғ савдоси бошга тушди. Чунки, у буюк мартабадаги юксаклик ва у олий даражадаги мажлисни қизитиш боис бунга муяссар бўлиди, шунга кура айтилган манзилга жўнаш сахийлар ҳимматидан ҳам кура баландроқ ва у ерда жойлашишни зукко кишилар хаёлидан ҳам кўра ажойibroқ деб топилди.

М а с н а в и й:

Ер юзи яшиллиги бориб кукка туташган,
У кўкда юлдузлар майда тошлардек сочылган.

Авжи фалакка етиб унинг куйини қамраб олган,
Ой эса қоплондан низо қилиш расмини олган⁴,

Ҳам тонгда таралувчи хушбўйлик суманга⁵ ухшар,
Ҳам шомда эсувчи шабада сунбулга⁶ ўхшар.

Бундай юксак даражали манзарани сабза «Осмон қандай чузилди»⁷ деса, бир жойда муқим туришини эса садо «Тоғлар қандай тизилди»⁸ дея баён этади. Бундай кўнгилочар масканда баҳор булутининг томчилари лола жомига⁹ тушганлиги май шишаси булутидан¹⁰

бода селини лоларанг жомга¹¹ қуймоққа сабаб бўлди ва бундай руҳлантирувчи осойишта жойда чақмоқ ёлқинидек қора тошларда санг кабоб пишириш учун чақмоқ чақишга зарурат туғилди¹². Ва лекин ҳар бир лола ҳаёт баҳори ҳақидаги суҳбатлардан айрилган биздек дўстлар жонини куйдирувчи бир шуъла ва ҳар бир қатра томчи биз каби ҳамсуҳбатлар ҳаёти шамини ўчирувчи бир Дажла¹³ эди — «одобсизлик»¹⁴ қилиб фалончини¹⁵ қулликка юборилди.

Агар тоғ ошувчи от¹⁶ чуққи сари интилса ва унинг тошларни янчувчи туёғидан чақнаган ўт бамисоли чақмоқ шуъласи бўлиб мунтазир¹⁷ дўстлар кўзларини ёрптса, тоғ ортидан қуёш чиққандек бўлади ва баҳор чоғи гул очилгандек кўринади.

Р у б о н й:

То баҳор фасли оламнинг чиройи бўлгай,
Бу зеб билан боғларда яшиллингу шодлик бўлгай,
Марҳамат кўрсатишинг ҳар бир элга давомли бўлгай,
Бу марҳаматинг гоҳ-гоҳ биз томонга ҳам бўлгай.

2

Қуёшнинг ўтли ҳароратидан саратон¹ самандар² бўлди,
Жаҳон гулзорлари ёниб, мисли оташкада³ бўлди,
Бундай қуёш тафтида ташқари чиқмоқ имкони йўқ,
Соя-салқин жойи борга қанчалар яхши бўлди.

Осмон заргарининг омбири учидан бир булак олтин учиб сувга тушди, яъни чарх корхонасида⁴ жавзонинг⁵ икки пайкари⁶ орасидан қуёш кулчаси саратон оғи ҳоругизга бош қўйди; осмон гумбази заргар кўрасидек қуёш тафтидан шундай қизидики, фалак қозонидан турғун юлдузлар⁷ қозондаги қалай томчилари каби эриб тома бошлагудек ва айланувчи фалак пидишларидан кукда кезувчи кумушранг юлдузлар сув бўлиб ер ости кинига симоб каби оқиб тушгудек эди. Дарёлар сувидан жаҳон жисми терга ботган ва буғнинг ҳароратидан хаёл пайкари⁸ куядиган даражада эди.

М а с н а в и й:

Иссиқ ҳаво солган ҳарорат туфайли
Дарё уз-ўзидан гирдоб бўлиб тулғанади.

Тоққа кўз ташлаган киши
Уни бир туп қизил гул деб фаҳмлайди.

Куёш хароратидан қочиб юлдузлар
Ер куррасининг ортига яширинади.

Осмон табиатида ҳам харорат ошиб,
Жисмида қизиган шафақдан ўт туташади.

Кунгулга хуш ёқувчи майин шабода ҳавонинг хароратидан жонин куйдирувчи ҳалокатли шамолга айланган ва баданга хуш ёқувчи совуқ зилол сув хароратининг зурлигидан қайнаб турган шўрвага айланган.

Н а з м:

Каттиқ совуқ юқорига чиқиб, худди,
Осмон юқори қавати қуни тушгандек.
Қуёш эса у билан бирлашиб,
Ҳавони ҳам ёнишга олиб келгандек.

Ҳавонинг ёндургудек иссиқлигидан уйдан бош чиқариш қийин ва ернинг куйдургудек қизиганлигидан эшикдан⁹ ташқарига оёқ босиш мушкул, хусусан бу заифнинг табиатидаги бир неча кундан бери май туфайли алангаланиш таъсиридан табиатда ҳам шуълаланиш юзага келган.

Б а й т:

Оҳ, майнинг ва унинг ҳолати,
Қалбимни ёндирар кучли харорати.

Ш е ъ р:

Гоҳо тунги мастлик ҳолати шу даражадики,
Тонгда сабухий¹⁰ қилсанг ҳам тарқалиши қийин.
Гоҳо ана шундай мастлигу сулфинлик,
Гоҳо майдангина эмас, жопдан ҳам кечгулик.

Май ути жисмимга туташиб, у ўт тутуни, балки шуъласи бошимдан ошганлиги учун «Муҳтарам зотлар қошида узр қабул қилинур» калимаси мазмунини асос қилиб, ушбу ўтиниш (мазмундаги) мактубни ёзишдек «одобсизликка» қўл урдик. Ҳамсуҳбатларнинг саломатликлари барқарорлик саҳифасида «алиф»дек¹¹ турғун ва дўстлар табиати муътадиллик гулшанида сарвдек турғри бўлсин, омин, ё раббил оламин.

3

М а с н а в и й:

Хазон барги ўз ҳуснини намоён эта бошлади,
Юзни ўзига қаратди, нозини ошкор эта бошлади.

Рубоий:

Кузнинг сариқ яфроқлари чиройга тўлди,
Нозини кўз-кўз этиб ҳар ён тукилди,
Лекин юзининг сариқ рангга айланиши
Унга зангор фалакнинг зулмидан бўлди.

Пасткаш фалакнинг товламачилик ва ўзгарувчанликдан бошқа нарса эмаслиги ва бевафо қисматнинг иккиюзламачилик ва ҳийлакорликдан бошқа нарса эмаслиги туфайли, албатта унисидан ёки фалакдан гоҳо бисот бўстони¹ ранго-ранг гуллар билан чирой очгандир ва бунисидан (ёки қисматдан) гоҳо бўстон бисоти² яфроқлар билан жилваланади. Бироқ, баҳор тонгининг ҳар бир гули қуёш гулидек фалакнинг гулшодасидан намоён бўлса, оқибатда куз офтобининг сарғайишига айланади ва йигитликнинг ҳар бир чечаги юлдуз чечакларидек сипехр³ гулбунида очилса охири сап-сариқ хазонга айланади.

Маснавий:

На умрнинг баҳорида шодон бўласан —
Гул қилиб узингни хандон куласан.

На ҳаётнинг хазонида яфроқчалик уйнаб куласан
Юзинг узра фақат заъфарон⁴ рангни курасан.

Аммо, (яна) қайтиб айтиладиган гапнинг сўнги қисми ва белгиланган муддатнинг сўнгига етилди.

Ҳар қалай мансабда уни юксагу мартабада аъло деса бўлади. Бунинг сабаби шундаки ва бунинг боисини шундай деса бўладики, фалак савдогари ёки қисмат орзу манзилининг экинзоридан қуёш юсуфининг истак тарозуси палласига киритди ва унинг саодат кундузи(нинг) оппоқ жисми кечанинг баҳога келтирган мушк савдоси билан ўлчовда тенг чиқди⁵. Чамақнинг чеҳраси Юсуф ишқида ўртанган Зўлайҳо юзидек сариғ ва куз шамоли ҳам унинг (яъни Зўлайҳонинг) тинимсиз совуқ охи каби чексиз бўлди. Қора тусли дарахтнинг сариқ (тусли) барглариини шамол учирishi худди тутун орасидан учқунлар учиб чиқишидек ва кизил толнинг шоҳларида ора-чора тўқилмай қолган сариқ рангдаги яфроқларнинг кўриниши қизил сиёҳда битилган хат сатрлари узра сариқ ранг сочилгандек⁶ намоён бўлар эди. Баланд-баланд шоҳлар узра тукилмай қолган, шам шуъласидек барглар шакли шарҳига бўстон ваъзхонлари «Дунё осмонини ёритгичлар билан беа-

дик»⁷ деган сўзларни зикр этиб юрадилар ва у шуъла-симон баргларнинг акси ҳалаб шишасида Чиний ойна каби тиник сув ичига тушган ҳолатни кўриб чаман қушлари «Ойнада акс этган нур мисоли»⁸ куйини тара-раннум этиб учадилар.

М а с н а в и й:

Қаҳрабо⁹ рангдаги қуёш ишини қаранг,
Дарахтлар баргини қилди қаҳрабо ранг.

Бутоқлар яфроғи булди қаҳрабо янглиғ,
Қаҳрабо дема, балки само қуёши янглиғ.

Тонг эса сув узра зарлар пуркади,
Сув юзини заррин тусга буркади.

Барглар бутоқлардан ўт бўлиб ўчти,
Мисоли тиллақошдан ёқутлар кўчти.

Сариқ яфроқ устида ўлтиради зоғ,
Бўлиб худди лолалининг кўксига доғ.

Куз наққоши олтиндан бериб тартиб,
Боғнинг варақларини олтиндан битиб.

Бу ишда қўймайин хатоликка йўл,
Барглар узра зар ичра зарни қнлиб мул.

Бу шундай фаслки, узга ҳеч бир фасл бунчалик шодланишга лойиқ эмас ва бу шундай вақтки ҳеч бир вақт айш-нишратга бундан мослигини киши билмас. Ҳар қалай у юксаклик қуёши¹⁰ олтин қадаҳ ичра асфар май билан сархуш ва унинг кайфияти ҳароратидан олам элига зар сочувчилиги хазина каби, балки қуёш кабудурким, унинг муттасил бўлиб турадиган айши давомли бўлсин.

Ва лекин агар гоҳо умидининг бустони куз баргрез-лигига қолганлар ва ҳаётининг гулистони жирмон барг-резидан хазонга учраганларни¹¹ бир қултум май билан ёд этса, камолати қуёшдан бир зарра ҳам кам бўлма-гай ва қатра бода билан шод этса жамоли машъали-дан бир учқун ҳам кам бўлмагай.

Б а й т:

Гўлини ранги асфарнишон¹² бўлмасин,
Баҳорингда ҳаргиз хазон бўлмасин.

Қишнинг қоқ уртасида, қишнинг тескариси булган
оташдан¹ ҳам кура дилни куйдирувчанроқ дуо ва айни
қиш пайтидаги қуёшдан ҳам кура ёқимлироқ ўтинч²
баён этилади.

Б а й т:

Унинг (оташнинг) ҳар учқуни кип-қизил ёқут,
Бунинг (қишнинг) ҳар зарраси³ ялтироқ юлдуз.

Шундан сунг маълум булсинки, кунгилга ёт бегона-
лардан холи ва дилга яқин ёронлар ҳозир булган вақт-
чалик дилкаш дустлар бир-бирининг дийдоридан баҳ-
раманд бўла оладиган ва садоқатли улфатлар билан
май базмини туза оладиган мақбул пайт булмайди.

Б а й т:

Ёр билан биргаликда висол базми тузилса,
Валекин бу базм ётлардан холи булса.

Ва бундай давлат ҳеч қачон қиш фаслидагичалик
муяссар булмайди ва бундай мақсад ҳеч вақт қишда-
гичалик дилга ёқимли булмайди. Айниқса, кечалари
совуқнинг зўрлигидан сезгиларниг ишламай қолганда.
Хусусан, булут қоронғи хавода майда-майда кумуш
қорларни ёғдуради ва қиш подшоҳининг тусатдан қил-
ган ҳужумидан ут зардуштининг⁴ навкарлари манқал⁵
қурғонида камалиб қолган ва бахман⁶ қушини ҳамла-
сидан аланга маздакнинг⁷ аскарлари тош билан те-
мирдан иборат қалъада яшириган, осмон гумбазида
юлдузлар йиғини туннинг қора тусли кундуз пўстини
ичида беркинган ва қисмат нарасида қуёш булутнинг
кулранг пўстинида пинҳон, осмон чодир мисоли ўтов-
да базм аҳли жам булган. Шундайки, осмон чодирда
сурайё⁸ соқийларга⁹ гоҳида ишрат қилувчилар май
истагида бу байтни айтадилар:

Б а й т:

Эй соқий, қаттиқ совуқдан ақлу ҳис бетобдир,
Чораси биллур қадаҳ ичра қизил шаробдир.

Ва аёқчиларга¹⁰ гоҳо ашулачи созандалар май ил-
тимосида бу назмни қўшиқ қилиб айтадилар.

Б а й т:

Ҳар дамда эл жонига қиш совуғи қасд этади
Соқий, тарёқу¹¹ май тут, шулар хаво захрини кесади.

Олов чўғларининг шуъласи лаъл¹² конидек ва анор
доналарининг кўриниши қип-қизил ёқутдек.

М а с н а в и й:

Кандай яхши киш чоғи базмда ўту май бўлса;
Май ўт каби бўлса-ю ўт май каби бўлса¹³.

Ўтнинг манқали хонтахта¹⁴ устини безайди
Майнинг қиздирши эса манқалга ўхшайди.

Ўрдак шаклидаги шиша қадах ичида шароб.
Манқал устида семиз ўрдак гуштидан кабоб.

Майнинг шуъласи кўзни равшан қилиб,
Манқал шуъласи уйни гулшан қилиб.

Юз кишилик оқ уй утов ичида базм шундай кизиган.
Оқ уй усти эса тун мушкидек¹⁵ қорайган.

Қоронғулнк узра булут оппоқ қорни элайди.
Ер юзини барча кутган оппоқ қорга белайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ажралишнинг қан-
чалик имкони була туриб у амалга ошмайди ва бир
жойга тупланиб, жамъ бўлишнинг қанчалик имкони бор
(Аллоҳ насиб этганлигидан) у амалга ошади ва бу
ҳол шундайки:

Б а й т:

Хар бир иш тақдирда бўлса, тўласича албатта, вужуд
топади,
Бироқ, сен йўқсан¹⁶ юз минг ишни айтган қайдан им-
кон топади.

Меҳр ваъдаси гуё меҳри гиёҳдек йўқолди¹⁷. ёки
ярим кечада қуёшдек ер тубидан жой олди. У ёлкинли
лаъл¹⁸ ҳажрида на лаъл мисол ўт чўғида ҳарорат бор
ва на ички қизитувчи майда сифат бор ва у пешонаси
қуёш мисол (зот)дан¹⁹ маҳрумлик туфайли на шамъ
шуъласи ёруқ ва на куз шамъи йиғидан очиқ²⁰. Хар
соя ҳаракатидан танда ҳарорат ва ҳар қадах товуши-
дан кунгилда бетоқатлик. Чунки, ҳалок этадиган дара-
жадаги йнтизорликдан жон оғизга келди ва сабр-тоқат
ихтиёри қулдан беихтиёрларча кетди. Айтмоқчи бўлган
тарқоқ сўзлар тугади. Агар қора тусдаги йўрға от мин-

...гувчи қора кунларни бошидан кечираётган
...и совуқ шамолга ухшаганлар²¹ суҳбатига етишса
...рим кечада қуёш чиққандек ва киш уртасида гул очил-
гандек булади.

Рубоий:

То қишда совуқ табъга мос бўлгай,
То айш совуқ вақтида ёқимли бўлгай,
То булар қиш тунда севимли бўлгай,
Варчаси сенинг ҳолингга мансуб бўлгай.

5

саодат буржининг қуёши¹ бир ой камонхонада²
отишни машқ қилганидан сўнгра тоғ эчкиси овна-
ганидек, фалак турки, яъни қуёш қавс³ (бур-
чўққисига ўтиб, унисида (яъни қавс ойида)
а эриша олмай, фироқ зиндониди тутқин бул-
қиёмат кунининг тунича кўринганидек, бунин-
(жадй ойида) ҳам аввалги оқшом гузаллар
инг узунлигидек узун кўриниб⁴, унисида
тутуни оламини қоронғилаштириб ҳамда у
овуқлигидан кўз ёшлари дулга айланган-
га ҳам мушк каби қоп-қора булутлардан
бурканган ва совуқ шамолнинг зўрлиги-
эфур ёғдирувчига⁵ айланпти.

1 оташкада ути даф қилолмайди, аммо
даф эта олади ва бу зулмати қуёш
ни, лекин у юз⁶ жилваси ёрита олади.
1, аввалгиси (яъни мой) димоғларни
инчиси⁷ ҳам кўзлар (имиз) ни ёрит-
рса тилган булур эди.

...мади совуқликдан асар
...ни қоронғуликни ҳам кетказар⁹.

6

1 дурларини бил
(шеърлар)

ҳар-

Олов чуғларининг шуъласи лаъл¹² конидек ва аној доналарининг кўриниши қип-қизил ёқутдек:

М а с н а в и й:

Кандай яхши қиш чоғи базмда ўту май бўлса,
Май ўт каби бўлса-ю ўт май каби бўлса¹³.

Ўтнинг манқали хонтахта¹⁴ устини безайди
Майнинг қиздириши эса манқалга ухшайди.

Ўрдак шаклидаги шиша қадах ичида шароб,
Манқал устида семиз ўрдак гўштидан кабоб.

Майнинг шуъласи кўзни равшан қилиб,
Манқал шуъласи уйни гулшан қилиб.

Юз кишилик оқ уй ўтов ичида базм шундай қизиган.
Оқ уй усти эса тун мушкидек¹⁵ қорайган.

Қоронғулнк узра булут оппоқ қорни элайди.
Ер юзини барча кутган оппоқ қорга белейди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ажралишнинг қанчаллик имкони була туриб у амалга ошмайди ва бир жойга тупланиб, жамъ бўлишнинг қанчаллик имкони бор (Аллоҳ насиб этганлигидан) у амалга ошади ва бу ҳол шундайки:

Б а й т:

Ҳар бир иш тақдирда булса, туласича албатта, вужуд
топади,
Бироқ, сен йўқсан¹⁶ юз минг ишни айтган қайдан им-
кон топади.

Меҳр ваъдаси гуё меҳри гиёҳдек йўқолди¹⁷. ёки ярим кечада қуёшдек ер тубидан жой олди. У ёлқинли лаъл¹⁸ ҳажрида на лаъл мисол ўт чуғида ҳарорат бор ва на ички қизитувчи майда сифат бор ва у пешонаси қуёш мисол (зот)дан¹⁹ маҳрумлик туфайли на шамъ шуъласи ёруқ ва на кўз шамъи йиғидан очиқ²⁰. Ҳар соя ҳаракатидан танда ҳарорат ва ҳар қадах товушидан кўнгилда бетоқатлик. Чунки, ҳалок этадиган даражадаги ўнтизорликдан жон оғизга келди ва сабр-тоқат ихтиёри кўлдан бехтиёрларча кетди. Айтмоқчи бўлган тарқоқ сузлар тугади. Агар қора тусдаги йўрға от мин-

ган хат элтувчи қора кунларни бошидан кечяраётган ва охи совуқ шамолга ухшаганлар²¹ суҳбатига етишса ярим кечада қуёш чикқандек ва қиш уртасида гул очилгандек бўлади.

Р у б о и й:

То қишда совуқ табъга мос булгай,
То айш совуқ вақтида ёкимли булгай,
То булар қиш тунда севимли бўлгай,
Варчаси сенинг ҳолингга мансуб бўлгай.

5

У саодат буржининг қуёши¹ бир он камонхонада² камон отишни машқ қилганидан сунгра тоғ эчкиси овига жунаганидек, фалак турки, яъни қуёш қавс³ (буржининг) чуққисига утиб, унисида (яъни қавс ойида) утган кеча эриша олмай, фироқ зиндонда тутқин булганларга қиёмат кунининг туинча кўринганидек, бунисида (яъни жадй ойида) ҳам аввалги оқшом гузаллар қора сочининг узунлигидек узун кўриниб⁴, унисида ошиқлар охи тутуни оламни қоронғилаштириб ҳамда у ох элининг совуқлигидан кўз ёшлари дўлга айланганидек, бунисида ҳам мушк каби қоп-қора булутлардан олам зулматга бурканган ва совуқ шамолнинг зўрлигидан у қоралик кофур ёғдирувчига⁵ айланипти.

Бу совуқликни оташкада ути даф қилолмайди, аммо майхона шароби даф эта олади ва бу зулматни қуёш нури ёрита олмайди, лекин у юз⁶ жилваси ёрита олади. Илтимос қиламизки, аввалгиси (яъни мой) димоғларни қизитибди, агар иккинчиси⁷ ҳам кўзлар(имиз)ни ёритса, ғоятда илтифот кўрсатилган бўлур эди.

Б а й т:

Май утидан⁸ базмда қолмадя совуқликдан асар
Келсанг чехранг сруғлиги қоронғуликни ҳам кетказар⁹.

6

Талаб денгизидан мақсад дурларини бир кимса қўлга киритмоқчи экан, муроди (шеърлар) китобининг дебодасини у яратгувчининг гавҳарлар мисол ҳамди биланбездаса, ҳар (қандай) умидсизликдан иборат қуруқликда турган бўлса ҳам у (яратгувчи)нинг тирилтириш(дек) эҳсони юз курсатса уни (яъни қуруқликни) нажот денгизи қилгай ва мурод денгизидан орзу кемасини бир

одам соҳилга келтирмоқчи экан, мақсади шеърлар тўплами муқаддимасини у қудрати намоён бўлиб турувчи зотга шукроналар айтиш билан ранг-баранг этса, ҳар қандай дард косасига у зотнинг шавқ майи томса уни¹ ҳаёт денгизи қилгай.

М а с н а в и й:

Ҳамд у зотгаки, эҳсони унинг денгизчадир,
Денгиздаги тизилган бехисоб дурларчадир.

Бу денгизда кема — янги ой бўлиб
Қайиқ каби денгизда аста сузиб.

Бу қайиққа юлдузларни гулмих² қилиб қоқиб,
Устига тоғ чойшабини елкан қилиб ёпиб.

Фазлу карам денгизи оламшумул, инъомининг гавхарлари давомли булгай.

Тангри ҳамдини шу тариқа рақам қилай
Сунг наът дарёсига қайиқни сурай.

Чунки денгиз яқинидан (энди) узоқлашди,
Чарх тўққиз денгиздан ошди.

Юксакликдир унинг сифоти³,
Поклик денгизи дейишга лойикдир зоти.

Бир жуфт эски ковушдек аммо нимаси
Нуҳ тўфони⁴ дафъига шайдур кемаси.

Кўнгил денгиздан махфий дурларни олий мажлисга шундай сочиладиким, бу нотавон бечора⁵ ва бу саргардону оворанинг⁶ зиммасига тушган сафарки, ҳаёл қуши йиллар қанот қоқиб охирига етиш бир ҳаёл бўлган даражадаги кенг ва юриш ниҳоятда қийинчиликдан иборат дашт ва назар хабарчиси узоқ йиллар қадам босиб чўққисига етиши қийин бўлган баланд тоғликдан иборат босиб утилган пул ҳақида аввалги хатимизда ёзган эдик.

Б а й т:

Ҳар нимаки ёзилган булса варақда,
Маълум булғусидир уқилган чоғда.

Аллоҳ ҳидояти ва инояти билан дашт ва тоғ босиб ўтилгач, бир дарёга дуч келинди — унинг чуқурлиги

орзулар каби тубсиз ва сатҳи хаёл денгизидан кенг эди. Ундан сузиб утиш учун кемага киришдан бошқа чора йуқ эди. Руҳсиз жасад гурда ётгандек, ва нурсиз қорачиғ кўзда жойлашгандек, у қорачиғи йуқ кўзлар каби қоронғи уйларга кирилди ва у хираланган янги ойларнинг (яъни кемаларни) сузиш суръати бир ойгача шундай эдики, ҳар бир кун минг йилчалик йул эди, дейилса мингдан бирини дейилмаган бўлади ва у осмон каби денгизнинг юзаси кенглиги шу даражада эдики, осмон денгизига уни ўхшатиб, дарёдан бир томчи дейилмаган бўлади. Денгиз жониворларидан (нборат) ажойиб тасвир ғоятда гузал ва денгиз кўринишидан (нборат) ғаройиб манзара ниҳоятда чиройли эди.

М а с н а в и й:

Сув ичида юз турли ғаройиб кўриниш намоён эди,
У юз турлиги ғойиб бўлса яна минг хили пайдо буларди.

Сувга боққан кишига у мовий осмонга ўхшаб
кўринарди,
Атрофи эса, осмон этағи билан туташиб кетарди.

Юз турли балиқлар ҳар тарафга сузиб юради,
Бунинг моҳиятини тушунмай ақл хайрон қолади,

Шундай қўрқинчли манзара намоён эди,
Кўрган кишининг хушидан ажралиши бегумон эди.

Денгизда юзлаб тоғлар тебраниб турарди,
Уларнинг тузилиши балиқни эслатарди.

Балиқларнинг орқаси тоғ чўққисига ўхшарди,
Танасидаги нақшлар⁷ сув юзидаги мавжларга ўхшарди.

Сувдаги тошбақаларни кўрганни ваҳм босарди,
Улар уз танаси билан сувда гумбаз ясарди,

Бу ерда қудрат меъмор⁸ бинно яратган,
Уни сувдан хароб бўлмайдиган қилиб яратган.

Ҳар тарафда наҳанг⁹ майда балиқларни овлаб юрарди,
Бамисоли қоплон тоғ эчкисини овлаб юрарди.

Тани бир хоро¹⁰ тепалигига ўхшар эди,
Тиши ва чангали темирдек кўрнар эди.

Денгизда сой-саҳоқсиз жонворларнинг сузиб юриши,
Бамсолл даштда турли ҳайвонларнинг кезиб юриши.

Денгиз узра мавжлар бир зум тиним билмайди,
Улар устига тонг овчиси аста тузоқ ташлайди.

Ва гоҳо қаттиқ совуқ шамол туфайли денгизнинг
кучли чайқалишидан «Денгизлар тулқинланиб тош-
ганда» оятини ёзгудек ва гоҳо тулқин шиддатидек мавж-
лар босиб келиши туфайли сувнинг ҳайқириқли овози-
дан «Денгизлар тулқинлантирилиб қузгатиладанда» оя-
тини тилга келтиргудек эди. Ва ҳар нафасда булиб
турадиган юзларча офатдан кунгил сув булиб, жондан
умид узилиб ва ҳар дамда мингларча хатардан жон
оғизга келиб, ўлимни бўйинга олиниб, кузга (қуруқлик-
даги) туфроқ қадри Исфаҳон сурмасича¹¹ кўриниб,
лекин у (яъни қуруқлик туфроғи) кўринмай; кўнгилга
қуруқликдаги тош қиммати руммоний ёқути¹² булиб
туюлиб, аммо у (яъни қуруқликдаги тош) топилмай шу
тариқа машаққатлар билан ҳалокатга яқин қолганда ва
шу тарзда таҳлика билан ўлдим деганда денгиздан оёқ
узилди ва тупроққа етишмоқ насиб бўлди; ерга юз қў-
йилиб ва туфроққа куз суртилиб шукроналик бажо
келтирилди ва иштиёқ туфайли бошдан қадам қили-
ниб, мақсад каъбаси¹³ томон қадам қўйилди. Шундай
қилиб висол водийси босиб ўтилди, умид қиламизки,
ҳижрон саҳролари ҳам босиб ўтилгай. Ва лекин жо-
нажон дустлардан умидимиз шуки, дуо шамоли билан
гоҳо мен ялангоёқ босиб ўтган бу поёнсиз даштдан боло-
қазолар хас-хашагини супургайлар¹⁴ ва бир умрлик
дўстлардан илтимос шуки утинч¹⁵ ёшлари билан мен
йўлбошловчисиз кирган бу равон кучаси булмаган бие-
бондаги офатлар чанг-ғуборларига сув ургаилар¹⁶.

Р у б о и й:

Қайтсам бошқа мусофирликни ҳавас қилмагайман,
Айрилиқ утида танамни хас қилмагайман,
Висол майидан бошқа нарсани илтимос

қилмагайман,

Аллоҳга шукрлар айтишни бас қилмагайман.

7

Фано¹ урмонзори аро висол дарахтининг мевасидан
баҳраманд бўлганлар бошига тақдирнинг зид ишлари-
дан ҳар жафо арраси келса уларнинг сўзга чечан тил-

лари якка-ю ягона яратувчига ҳамд айтишдан бошқа сўзни тилга олишдан ва вафо дарахти соясида мақсад мевасига эришганлар оёғига чархнинг кетма-кет тушган зарбаларидан ҳар жафо тешаси тегса равон пуққини бутун борлиқни яратганга шукрлар айтишдан бошқа сўзларга бурмайди.

Рубоий:

Бир ниҳолки розилик соҳили манзилдур унга,
Илдизи томир отган фано туфроғи маскандур унга,
Ҳар лаҳза юз теша тегса унинг оёғига,
Бошидан кечган экан энди не хавф-хатар унга.

Рубоий:

Ким айтса унинг фано урмонида борлигини,
Ҳар бир шохга қўл уришдан не фойда борлигини,
Истагн етишмоқ кўнглида нимаики борлигига,
Иуқ деб билмоқ керак унинг йўқу борлигини.

Ҳақиқатдан ҳам бу йусинда бир сарвдек озода сифат одатдурки, тез югурувчи осмоннинг жафоси ҳароратидан юзага келувчи иснма таъсиридан чинордек жисмига ут тушса у одам Аллоҳ розилигини сурашдан бошқа илтижога ҳовучини очмагай² ва бу тариқа саваббардек нола чекувчи бир расмдурки, енгил югурувчи чархнинг ҳаракатлари совуқлигидан оқ теракдек танасига титроқ етса барқарорлик тупроғидан қадам узолмагай ва сабр қилишдан бош тортмагай.

Аллоҳ ва унинг берган неъматларига ҳамдлар бўлсинким, айланувчи осмон ҳодисалари саргардонликларидан бу турмуши беқарор³ ожиз бир хизматчилиги сабаб Мозондарон чангалига қадам қўйилдики⁴, бу чангалзор дарахтларининг қалинлигидан шамол оралаб уларни тавоф қила олмайди ва шох-бутоқларнинг баландлигидан осмон ҳар лаҳза юз минг бор койинишда. Ўфрокларнинг беҳад қалинлигидан ерга тангадек ҳам қуёш нурн тушмаган ва баланд дарахтларнинг беҳисоблигидан танасига гавҳар сочувчи булут дурларидан бир дона ҳам етишмаган. Осмонупар дарахтларга чирмашиб чиққан чирмовуқ гулдан бир дона хира юлдуз⁵ ва сидра⁶ дарахти шоҳида тулғаниб бош қўйган токидан бир туп сурайё намоён. Ер билан осмонни туташтириб турувчи беҳисоб дарахтларига «илдизи ерда-ю шохлари самода» ояти қаримаси тўғри келади ва учганда осмон юзини ёпиб қўядиган даражадаги сон-са-

Ноқсиз қушларига «улар ҳам булутлар юргандек юрдилар» ояти каримаси мувофиқ келади.

М а с н а в и й:

Ахраманнинг⁷ боғи булмиш бир туқайзор,
Унинг на авжи-ю на қирғоғи бор.

Дарахтлар уети яшилликка бурканган,
Кўкка буй чузиб, осмондан бош чиқарган.

Кекса дарахтлар ҳар ёнга шох таратган.
Ҳар бирининг боши фалакдан ўтган.

Ҳайкалга ухшаш дарахтлар ҳайбатли эди,
Ажойиб куриниш, фаройиб сувратли эди.

Тизилган тоғлари девларга маскан,
Қуюндек шамоли эгани эган.

Ҳар бир барг васваса ойнаси бўлиб,
Кўрган ақл эгасининг ҳуши йўқолиб,

Ҳар бир ариқ сувининг шарқироқ овози
Юз шайтону девларнинг можароси.

Шарқираган товуши ғамли фиғонлар қилар,
Қирган мотамли кишининг қайғусига соя солар.

Ҳар эски дарахтини қупоришга фалак фили субҳ ҳартуми билан ожизлик қилиб ва бордию қўпорса у дарахт танасини ташишга осмон аравази у юк остида янчилиб, ҳашаротлари ҳайбатидан ўзгариб турувчи дунёнинг олачипор илони бир олачипор арқондек ва йиртқич ҳайвонлари салобатидан тескари айланувчи фалак шери ясама шерча ҳисоб ва ваҳшийлари тудасининг оёқлари кўп босилганидан ер жисмида юз минг жароҳат ва қушлари ғалаёнининг фиғон ва фарёдидан фалак димоғининг пардасида ўн минг яра. Кундузи офтоб алангасидан куйиб ҳосил булган боғ шакли порлаган қуёш ва тунда алдамчи шуълалардан ёриган ялтироқ қуртларининг ялтираши чақнаган юлдузлар кабидир. Дарахтининг меваси кўнгилнинг юки ва мевасининг таъми ўлдирувчи заҳар. Ана шундай фаройиб ҳолатлар ва турли ажойиботлардан иборат вилоятда бўлиш рўзгорим пешонасига қазо қалами билан ёзилган ва пешонам саҳифасига тақдир ҳомаси⁸ билан нақш-

ланган экан унинг ҳар тиконидан танамга бир гулча осойиш етади ва ҳар тошидан қалбимга бир дурча оро-йиш фаҳм бўлиб туюлади. Ҳалок этувчи ҳавоси — Ма-сиҳ⁹ нафаси ва қатл этувчи суви — Хизр чашмасининг¹⁰ нами; дузахдек майдонида бало селидек «ариқ тагидан анхорлар оқади» оятидан нишона, бемаза мевалари билан номақбул дарахтлар «ва мевалару хурмолару анор»дан намунадир.

Б а й т:

Ўзини ошиқ агар дустига фидо этар,
Дустидан не келса ҳам руҳига осойиш етар.

Ва агар ватадан айрилиқда юрган кезларда зару-рат бўлиб, фироқ тўқайзоридан висол даштига юз қў-йилса ва бу айрилиқ чангалидан яқинлик саҳросига қадам қўйилса ҳам тақдир йулбошловчиси ўз йўлига етаклайди, шундай экан чақмоқдай сакрашдан ўзга, булутдек елишдан бошқа чора бўлмас ва бирорта даво топилмас экан ҳақ субҳонаху ва таоло барча йироқлик тиканаклари аро саргардонларни яқинлик Қаъбасини тавоф этишга мушарраф қилгай, омин.

8

Ҳамду сано бўлоин у Яратгувчигаким, олам бусто-нида салтанат гулбунини (яъни гул бутасини) адолат дарёсининг суви билан яшнатди, натижада бу сувдан сероб бўлиб, у гулбунда барқарорлик ва давомийлик сууллари очилди. Ва давлат биносига завол етказувчи офат ёғинларини зулм булути орасига яширди, оқибат-да у ёғин селларидан бу давлат биносига вайронлик тди¹. Бир донишмандки, ҳар ҳокимни ҳукумат тахтида арқарор туришини истади, кунглига ўз қарорлари иж-росини ёқимли курсатди ва ҳар фармон берувчининг авлати асосини кучсиз бўлишини истади — кунгил манзоридан саййид ул-мурсалин² шариати издошлик лларини узди. Бир одил кимсаки, ҳар нек аҳдлик³ рахтига мурод мевасини берди, у дарахтни эккан ши бу мевани терди. Бир сабрли кишики, мақсадлар рини тааммул⁴ денгизига ташлади, кимки у денгизга нғиди — бу дурни олди.

М а с н а в и й:

Тангри таоло қанчалар ҳам покдир!
Ҳар қандай шоҳу гадодан у бебоқдир⁵.

Гадони шоҳ этиш унга ҳеч гапмас,
Шоҳни гадо қилиш ҳам асло қийинмас.

У асло ўлмайди, абадий тирик, унинг шаъни муқаддас ва олийдир.

Ҳақ субҳонаху ва таоло у билим гулзорининг юзини ходисалар хазони шамоли хатаридан ва у билимдонлик гулзори нурини мусибатларнинг ёмон кўзи (етказадиган) зараридан асрасин. Барчанинг муборак хотираларида унга қилган дуолари амалга ошиб, икки дунёсига наф етсин ва барча одам ўзининг) покиза кўнглини у томон тутсинки, у ишдан мусулмонлар рози ва Аллоҳ хушнуд бўлсин, омин, ё раббил оламин.

9

Бу вақтда пасткаш фалакнинг тақозоси билан у ҳазратнинг кундан кунга ортиб бораётган давлатлари ва муборак зотларига бир озгина ғашлик ва ночорлик юзланди, бу ҳодиса сабабли мен — нотавон ҳолу парижон аҳвол учун эса бир қиёмат ва катта ғавғо юзланди; қалам у ҳақда бир озгина бўлсин нима ҳам ёза оладн, тил у борада заррача бўлсин нима ҳам дея олади. Аммо, Ҳақ таоло у офату балодан соғ-саломат халос қилганлигини суриштириб билгач бу машаққат ва изтироб чекишлар бартараф бўлди.

Гарчи содир бўлган бу ишларда давлатингизга хайрихоҳ, (ўзингизга) меҳрибон қуллар¹ баъзи ҳолларда бирор таънали ва кинояли сўзларни ниҳоятда жонлари куйгандан ва сабрлари чидамагандан айтадилар. Аммо, юз берган бу воқеадан у ҳазратнинг муборак хотираларида ўзларига (нисбатан) танбеҳ ва эътибор ҳамда ҳаётий тажриба ҳосил бўлган бўлиши аниқ. Энди илтимос шуки, инсон бўлган ишларни унуттишдан холи эмас ва инсонлик талаб-истаги ўзини билатуриб билмасликка олиш ва нуқсонун хатоликларга йўл қўйишдан бошқа натижа бермас, шундай экан ўзингизнинг хулқатворингиз ҳақида яхшироқ уйлагайсиз, Тангри таоло олдида бўлиб ўтган барча ишларда ўзингизни айбдор билгайсиз, қила олганча Аллоҳ буйруғи билан саййид ал-мурсалин шарийъатига² зид ишлардан тамоман ўзингизни тортиб, мақсадга мувофиқ ишларга жиддий киришгайсиз. Давлат, мулк, куп сонли қўшин ҳимоятдан эмас, Тангри таоло иноятдан ва маслаҳатчиларингиз тадбиридан эмас, Яратувчи тақдирдан эканлигини

билиб, ўзингизни Аллоҳ фазлу карамн ҳимоятига ол-
гайсиз. Ва «Қим Тангрига булса, Тангри ҳам ул киши-
га булур»³ мазмунича маҳбуби ҳақиқий⁴ билан ҳамсуҳ-
батлик лофини урғайсиз, булиб ўтган ишлари азал
қисматидан. деб билиб, ортиқча ғам чекмагайсиз. Аммо,
нимаки содир булса уни азал қисматидан⁵ деб билиб,
ўзингизни буюрилган ишлардан маъзур тутмагайсиз.

Султонлар Сиз томондан кўпроқ мағлуб этилган-
ларида Тангри таоло паноҳига сифиниб, уларнинг нажот
сўрашларига эътибор бермагайсиз. Салтанат ишлари-
да иш ҳайронликка тақалиб, барча мулоҳаза йуллари-
ни тўсилган кўриб, таваккал кўчасига киришни хато
билиб, иккиланиб қолмагайсиз.

10

Ҳар саҳарда қуёш чавандози Хутан қўшнининг¹
муҳофазаси учун тонг ариғидан хандақ² қилиб зулмат
лашкарини дафъ этгай ва ҳар кун то у хандақдан чи-
қиб, хабашистон шоҳининг³ гулчехра қизлар сочидек
тўзғинган навкарларини тор-мор қилиб, осмон қалъаси-
ни забт этгай. У очиқ юзли, қуёш чехрали чавандозлар
шоҳи⁴ учун Тангри таоло ўзининг меҳрибонлик ариғини
хандақ қилиб, душман лашкарларини тарқатиб юбор-
син ва хушёрлик билан эҳтиёт хандағи ариғидан тонг
елидек ўтказиб, енгилган ёвнинг туфроғини кукка со-
вуриб, мамлақату давлат қалъасини эгаллашни насиб
қилсин⁵.

М а с н а в и й:

Ун икки буржлик осмон қалъаси,
Ходисалар тошидан то бўлса холи,

Қушунинг кук лашкари узра булса ҳоким,
Ҳисори Шодмондан⁶ кам деяр ким.

Жаҳонгирлик сенга насиб этсин,
Давлат қалъаси узра шодлик булсин.

Шуни маълум қиламизки, бу ҳақирни⁷ баъзи масла-
ҳатлар⁸ учун, дарвоқеъ, у ҳазратнинг⁹ маслаҳати ҳам
унинг зиммасидадир, иккаласи бир маслаҳатнинг ўзи-
дир. Хуросон вилоятига¹⁰ юборилди. Тангри таоло ка-
рамидан умидим шуки, у ҳазратнинг қутлуғ дил ойна-
сида доим соғлом чехраси жилва кўрсатсин ва муборақ
хотира қаршисида барча мақсадлар гузали чехра очсин¹¹.
Аммо, илтимос ҳам қилинурким, гоҳо «өдобензлик»

юзасидан ҳузурингизга юборилган байтларга¹² сузловчисини паст кўрмасдан назар ташлаб унда ёзилганларни мулоҳаза қилгайсиз.

М а с н а в и й:

Хазина ичра бўлса қанча гавҳару дур,
Кўргин, унинг калити темирдадур.

Қимки мақсад хазинасидан умид қилур,
Унга бу насихатлар калид бўлур,

Қулфни очишда гадоёу соҳиб тож¹³,
Баробар булурлар калитга муҳтож.

Яна бир гап, талаб бустонида мақсад гули кечроқ очилганидан кўнгил ғунчасини маломат тикани билан тилиб жароҳатлаш уринли иш эмас¹⁴. Негаки, тақдир чаманидан марҳамат насми эсиб, машаққат хазонини ишрат баҳорига узгартирмагунча мақсад гули очилишининг имкони йўқдир. Шундай бўлгач шошилиш фойда бермайди ва маломатдан бошқа иш содир бўлмайди.

М а с н а в и й:

Агар булбул юз бора фиғонлар чексин,
Баҳор келмасдан бурун гул қандай очилсин.

Агар оламини қоп-қоронғу тун эгаллар,
Тонг отмасдан кун чиқариш кимнинг қулидан келар.

Бу бобда у ҳазратнинг (яъни шаҳзоданинг) муборақ таъбларида катта ишонч бор, аммо бу сузларни айтишнинг ҳам нуқсони йўқ. Бу заифнинг хаёлида шундай фикрки, ўзимнинг дуо ва тилакларимни у ҳазрат атрофига истехком қилгайман. Аммо зулм тоши у истехком томига зарар етказишдан ва шарият қондаларига зид ишлар нақби¹⁵ билан қалъасининг девори йиқилишидан Тангри таоло иноятига сиғиниб, ўзингизни мажбуриятли деб билгайсиз.

Илтимос шуки, қачон юқорига¹⁶ элчи юборилса, одатдагидек бирор иноят мактуби ҳам юборилса ва дўстлар уни қандай бўлмасин бу хоксорга етказиш ҳаракатини қилсалар. Бизнинг ҳузуримизга у ердан келадиган элчилар иши бор бўлса, ҳар қанақа ишга бу фақир киришган эдим, уларни баён қилиб хатни олиб бориб топшириш ёри азиз фалончи зиммасига юклатилди.

М а с н а в и й:

Сузни дуо билан бошлаган эдим,
Уни яна дуо билан тугатай дедим.

Шоҳ борки улуғ мақсадлар қилмоқдир иши,
Жаҳон мулки тахтига ултирмоқдир хоҳиши.

У мақсаднинг бошланиши машаққат тортмоқ,
Ниҳояси эса унинг муродга етмоқ.

Муроднинг биносига етмасин зарару офат,
Заҳматларнинг ўрнини эгалласин айшу фароғат,

Қунглингда қанча кўп мақсаднинг бўлсин,
Фалак у мақсаднингга етишга имкон берсин.

II

Р у б о и й:

Тақдир қалами азалда нимани ёзган бўлса,
Мумкин эмас уни узгартириш то қиёматгача.

Ақл юз минг тadbирни уйлаган бўлса,
Бефойдадир агар тақдир ёзмишига мувофиқ келмаса.

Бутун борлиққа пардоз берувчи зот мақсадлар гў-
зали жамолнини ғайб пардасига унақанги ҳам яширмай-
дики, ақлнинг зийрак кузи ундан қандай баҳра топа
олсин ва тақдир ғаввоси истаклар денгизлари дурла-
рини махфийлик қутчасида унақанги (ҳам) беркит-
майдики, ақл гавҳаршиноси билағонлиги билан у ҳақда
(қандай) маълумот айта олсин. Ҳар қалай шу нарса
равшанки анбиёйи мурсални¹ биринчи бор орзу саволига
кура «Ҳеч бир жон эртага нима булишини билмайди»²
жавоби билан ноумид буладилар ва авлиёйи акмал
(яъни комил валийлар) «Аллоҳни танишлик буюк мақ-
садларни очиш билан булур»³ (деган) гузал сўзни тил-
га келтирадилар.

Б а й т:

Аллоҳга ҳамдким, илмининг шак-шубҳасизлиги
маълумдир,

Ҳам у илм билан сирли оламни билувчи олимдир.
У пок ва улуғдир ва зоти буюқдир.

Бас, шундай экан бу ҳолда ҳеч кимга ҳеч бир ишда
хабардорлик эшиги очилмайди, то ихтиёр билан нима-

га ҳам етишларди ва идрок йўли топилмайди, то қодирлик (имкони) билан нимага ҳам эришиларди. Тақдир амрининг юки оғирлигидан фалак қадди букилган ва қисмат панжасининг зўрлигидан фалакдек юксак даражали зотлар нотавону ожиздир.

Б а й т:

Юксак фалак туфроққа айланар экан,
Туфроқнинг аҳволи нима буларкин?!

Бу сўзларим билан демоқчи бўлганим ва сўзимни бу тариқа бошлашимдан мақсадим, бу фақир хоксор ушбу давлатли сарой⁴ остонасида туфроқдек тушган эдим, хаёлимда шундай фикр эдики, ажал шамоли туфрогимни бу остонадан учирармикин ва ўлим сели хашакдек танамни бу саройдан суриб кетармикин. Ва лекин бу хаёллар беҳуда ва у муддао бекорчи экан.

Бу пайтда бу фақир хизматига (доир) бир фармон ёзилди ва қуллиги (яъни, ҳукумат хизматчиси эканлиги) юзасидан, буйруқ битилдики, жавоби тасдиқдан ва хитоби туғрилиқдан бошқа нарса билинмади.

Хуллас, шаввол ойнининг йигирма олтисида, душанба кун⁵ ижозат бўлиб, Марвдан Астрободга йўл олдик. Энди гарчи Сизга ҳеч бир ишда насиҳат қилишга зарурат йўқ деб билсак-да, лекин бир-икки сўз айтмай иложимиз ҳам йўқ. Оламда ҳеч вақт дўстлик киши душмансиз бўлмайди ва дўстлари бўлгани ҳолда душмани йўқ одам (ҳаётда) топилмайди. Мақсадга мувофиқ равишда иш кўрмоқчи бўлган одам шундай иш тутиши керакки, дўстлар тили душманлар қошида қисқа бўлмасин ва дўстлар боши ғанимлар олдида қуйи тушмасин ва бу иш икки нарсага боғлиқдир: бири Аллоҳ таоло буйруқларига амал қилиш ва яна бири Аллоҳ қайтарган ишлардан сақланиш. Аммо, шуниси ҳам борки, инсонликнинг қоронғулик пардалари мақсад нури юзини тўсувчидир⁶, оддий халқнинг тақдири билан боғлиқ барча ишнинг уддасидан чиқиш қийиндир.

Аммо бир одамни Тангри таоло бир тўда одамлар устига ҳоким қилган бўлса унга Аллоҳ буйруғига бўйсунуш адолатчалик бўлмас ва ҳеч бир Аллоҳ қайтарган ишдан ўзини сақлаш ичкиликни тарк этишча бўлмас, чунки «Аллоҳ адл ва эҳсонга буюради»⁷ ва ҳазрат рисолат⁸ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) буюрганларки, «Бир соатлик адолат (инсонлар ва жинлар дунёси бўлмиш) икки дунё ибодатидан яхшироқдир». Ва чоғирни⁹ «ёмонликлар онаси» дейдилар. Ҳамма ёмонлик ундан

ҳосил буладикки, барча яхшилик ва ёмонлик ана шу икки нарсадандир. Ва илтимосимиз шуки, агар муяссар булинса умуман ва агар муяссар бўлмаса имкон қадар бу икки ишда қатъий ҳаракат қилгайсиз. Яна гарчи бу фақир ҳеч ҳисобда бўлмасам-да, саройдалигим билан йироқда эканимга бир ҳукм берманг¹⁰ ва мумкин қадар Мирзонинг¹¹ ҳукмларини бажаришда ҳаракат қилиб, у давлат ишларидаги нозик масалаларни ҳеч вақт эътибордан четда қўймапг. Шунинг билан бирга эътиборли ва улуғ зотлар, балки яна бошқа ноиблар ва ходимлар билан (баҳамжиҳат) хизмат қилиш йўлини тутинг.

Сўзини қисқа қилиб, бир рубойи билан тугатаман.
Ҳақининг буюрганию қайтарганини яхши келтиргин бажо,
Шарийати набий¹² қондаларидан четга қадам қўймагин
асло,

Тўғрилиқ билан шоҳ¹³ хизматини айлагин адо,
То икки жаҳонда мақсадингга етказгай худо.

12

Б а й т:

Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавопим ўртади,
Нотавон жисминга тушган шуъла жоним ўртади.
Кўпдан кўп дуо ва саломдан сўнгра айтмоқчимизки,
Хуросонда эканлигимда ҳам Сиздан айрилиқда эдим,
энди эса Астрободдаман — фироқ жиҳатидан иккаласи
бирдир, чулки,

Б а й т:

Дўстидан жудо кимса — айрилиқ асирдир,
Орада йўл бўлсин яқин ёки йироқ — барибирдир.

Аммо, бу ерда эканман танамда фироқ ўтининг харорати ва кўнглимда иштиёқ шиддати туфайли бетоқатлик кўпроқдир. Бунинг сабаби шундаки, у ерда эканлигимда васлингизга етишиш давлатига эришмоқ ва сиз билан учрашиб туриш бахтига етишмоқ мумкинроқ экан. Аммо, бундай ҳисоб қилиш узоқни кура олувчи ва узоқни уйловчи ақл улчовига тўғри келмайди¹.

М а с н а в и й:

Яна бир ҳисобли иш ҳам бордир,
Ақлу идрок унинг олдида почордир.

Барча оқил бу иш сиридан бохабарлар
Ким, унинг отини қазойу қадар² дерлар.

Ҳар қанча беҳаду имконсиз ишлар
Бўлса ҳам у ҳисоб ичра осон ҳал булар.

Умид қиламанки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло кўнгилга келмаган восита билан ва хаёлдан кечмаган сабаб билан учрашиш ҳузури ва яна қайта топишиш сурурини насиб эткай.

Юборган хатингизда ёзибсизки, бирор кишини биз томонга юбормадингиз деб, бунга сабаб шу бўлдики, юборган кишимиз шу вақтгача (қайтиб) келмаган эди ва олиб борган хатига жавоб мактубини келтирмаган эди.

Яна шуни ҳам илтимос қиламизки, уз аҳволингизга яхши эътибор берингким, саломатликни ҳеч бир неъматга алмашиб бўлмайди ва иц юритишда эҳтиёткорликни яхшироқ қилинг, чунки нохуш иш юз бергудек бўлса кейин пушаймонликдан фойда йўқдир. Ҳеч вақт кўнгулни Тангри таолони ёд этишдан холи ва мусулмонлар³ арзи ҳолини тинглашдан четда қолдирманг. Дўстлар фикрига ва душманлар макрига бепарво бўлиш уринли эмас ва бу иш афсусланишдан бошқа натижа бермас. Подшоҳ⁴ давлати ишларига доир масалаларни ҳамма вақт биринчи ўринга қўйиш шарт. Тангри таоло буюрган ишларни ундан ҳам юқори деб билиш фарздир.

Сизга бу сўзларни айтишга эҳтиёж бўлмаса-да, айтмоқликнинг зарари ҳам йўқлиги сабабли шунча сўзлар билан «бошингизни оғритишга» жазм этдик⁵.

Б а й т:

Мени фироқ юртига мусофир қилган зот,
Яна висол давлатига етказса шояд⁶.

Вассалом.

13

Б а й т:

Шоҳдан келган бу нишон (мактуб) танимга жон
бағишлади,
Улар ҳолга келган эдим (танимда) тирикликдан белги
берди.

Қуллуқона арзимиз шуки, сафар оғининг бошида¹ шанба кўни тонг отарда Нишопурдан Сабзавор томон бир манзил масофада, Абушужоъ Ансорий мазори ёнида юқоридан² пиёда йўл босиб келган хабарчи бу қўлингизни беҳад хурсандчилигига сабаб бўлган муборақ мактубни келтириб топширди.

Б а й т:

Ер упиб, бармоғимни қошим узра қўйдим,
Мактубни ҳам ўптимда бошим узра қўйдим³.

Б а й т:

Ҳижрон кунларида келиб теккан чирмалган
мактубини жонимга қўйдим,
Билмадим, у мактубни ёки «жон» сузидаги алифми?⁴

Бу ердаги аҳволни мактубингиз келган куннинг ав-
валги куни хат орқали баён этиб Мавлоно Гиёсиддин
Жалолийдан юборган эдик, бориб етган бўлса топширар,
деб ушбу қуллик арзадошти якшанба куни ёзилди.

Б а й т:

Жамолингни кўнглимда тасаввур этиб юравераман,
Тақдир узингни кўришни насиб этмаса на илож.

14

Р у б о и й:

Номанг менга жон бағишловчи хабарчи эди,
Ҳижрон ғамидан (халос этувчи) омонлик хати эди,
Қора туслилиги зулматдан нишона эди,
Мазмуни ҳаёт суви каби ҳаётбахш эди.

Қуллуқона¹ дуодан сунг шуни маълум қиламизки,
сафар ойининг биринчисида, шанба куни² тонг пайтида
(сиз) июнат қилиб юборган ва бу хокисорнинг фахрла-
нишига сабаб бўлган номангиз қулимизга келиб тегди.
Қай тариқа ва қай тил билан унга жавобан хат ёзса
булади.

Р у б о и й:

Куёш туфроққа қанчалар нур ёғдирмасин
Туфроқ унга узрини айтишга қандай куч топсин³,
Қамолинг қуёшдек чархдан ҳам юксалсин,
Асло узинг фалакдан завол кўрмагин.

15

Р у б о и й:

Олам узра фалак айланиб турар экан,
Фалак узра юлдузлар порлаб турар экан,
Юлдузлар хоҳи барқарор турсин, хоҳи сайр этсин,
Буларнинг барчаси сенинг фармонингга итоат этсин.

Мухлисона дуодан сунгра бу қулингиз шуни арз қилмоқчики, аввалги бор тахт эгалланганда салтанатнинг уша қуёши олам кузини уз нуридан бахраманд этди ва уша халифалик тахтининг вориси салтанат тахтини уз қадами билан юксалтирди¹. Бу қулингизга бир олий нишон юборилиб, ўша бажарилиши муқаррар бўлган фармон билан кунглимиз беҳад кутарилган эди. Мазмуни шундайки: «Тарқоқ ҳолда бўлган шеърларингнни жамлаб, Мавлоно Султонали Машҳадийга кўчиртириб бизнинг ҳузуримизга юборгин»².

У китобат ишининг шукронасига нотик тили «уз қулига китоб юборган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсун» сўзларини тилга келтирди ва унинг мазмуни жавобнда «қул ва унинг қулидаги нарса эгасиники³ эди» куйини хиргойи қилди. Аммо, у хизматнинг амалга ошиши бир оз кечикди ва у фармонни бажариш ботроқ амалга ошмади⁴. Бунинг сабабини адо этиш ва боисини баён қилиш учун дўстимиз Мавлоно Мир Хусайнниким ул даргоҳ туфроғини ўпувчи юзи қуёшга етишган⁵ эди ва ул шоҳ қабулхонасига сажда қилиш билан боши осмонга етган эди — ундан илтимос қилидиким, (Сизнинг ҳузурингизда) қабул қилиниш саодатига эришгай ва (Сиздан) бу қулингиз гуноҳини кечишни сурагай. Умидимиз шуки, узр суровчи (дўстимиз) мақбул кўришиб, узри маъқул тушгай.

Р у б о и й:

Бу ўткинчи дунё боқий қолса,
Инсонга яшашлик имкони бўлса,
Бу элга султон бўлмоқликни
Тангри санга мақбулу муносиб курсин.

16

Ҳар йилнинг бошланишида қуёшнинг уйноқи кийиклар мисол заррин нурлари ҳамал ойи ўтлоғида лозазор узра жилваланар экан, у салтанат осмонининг қуёшига¹ шараф баҳори лозазори узра оҳулардек гўзаллар билан базм тузиш насиб этсин. Ва ҳар йил гуллар мавсумида пардозчи сабо янги тушган райҳон келинчаклар қулоғига шудринг гавҳарлари тақиш билан зийнат берар экан, у ворислик бустонида² ёш сарв ниҳолига чаманзор узра яшнаб ўсишни насиб этсин³.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, июят қилиб юборилган номада ёзилибдиким: «бир неча муддатдан бери мактуб ёзмайсан». Бу паришон ҳолнинг тузғингай

хаёлида у олий ҳажлис⁴ мулозимларига муносиб буларли ва у ердаги кишилар эътиборига мувофиқ тушарли бирор фикр келмаган ва бпрор нима ёзилмаган эди.

Заруратан ғойибона дуо қилиш билан кифояланамиз: Ҳаёт боғи мусаффо булсин ва у боғда мақсад райхонлари беҳисоб очилсин.

Р у б о и й:

Баҳор фасли дашт турли рангда товланар экан,
Гулзор Чин сувратхоналари куринишини олар экан,
Дашт узра санга салтанат насиб этар экан,
Гулзор ичра тахтингга барқарорлик булсин.

17

Р у б о и й:

Эй тонг ели, у томонга йулиниг тушса,
Сенга жоним билан кунглимни топширай — олиб бор;

Кунглимни ёр итига емиш қилиб бер,
Жонимни эса оёғи остига сочиб ташла.

Айланувчи осмон қалқонига қуёш нурларидан иборат нақш қубба булар экан ва камалак кемасига¹ осмон булутларидан елкан ясалар экан, у нақшинкор қалқон шарафли чодирингга яшил парда² булсин ва бу ранг-баранг тусдаги камалакдек ҳилолий жоминг³ юлдузлар жавҳари билан безак топсин.

Шуни маълум қиламизки, бу ердаги ҳолат гузалининг ҳусни эзгулик пардозчиси⁴ томонидан оройиш топган ва бу ердаги ишлар нозанини юзидаги (хотиржамлик) осойишталик кузгуси юзида намоёнди⁵, аммо:

Б а й т:

Богни на қилсин киши у ерда сарв қомат булмаса,
Осмон тоқи қорадир кук узра қуёш кезмаса.

Р у б о и й:

Аллоҳ васлинигга етмоқликни муяссар қилсин,
Чехранг кўзларимни мунаввар қилсин,
Нутқинг базм аро гавҳарлар сочсин,
Ё раб, тилакларимни ижобат этгин.

Рубоий:

Қаро булут ичра ойнм яшринди,
Ох тортиб кукни титратмоқ дилим истаги,
Қуёшдек шохим қаро туфроққа кирди,
Нечун оҳим фалакни қаро қилмасин энди.

Жигарларни ўртовчи ҳодисаким, эшитилишидан кузларга қон ёшлари тукгудек ва ғам қузғовчи воқеаким, хабаридан жонларга азоб хосил булгудек эди — хабарни етиб келди.

Қузлар баҳорнинг ғам сели каби қонли ёшлар оқизиб, жон ғусса фиғонидан баҳор булутидек укиришга бошлади.

Байт:

Ўртанур эл фурқатингдан пола бунёд айласам,
Қузғалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Аммо, «ҳар бир жон муқаррар улим шарбатини ичишдек»¹ ходисадан ҳеч бир жонзот четда қолмайди ва «ҳар бир кимса уткинчидир»² либосини кийишдан ҳеч ким четда қолмайди. Шундай булгач (бошга ўлим тушганда) сабр қилишдан бошқа чора йўқдир.

Рубоий:

Гул сулган бўлса-да, чаман хушбўй (ҳид)

таратаверсин,

Шам учган бўлса-да, қуёш порлаб тураверсин,

Шаҳзодага жаннат муяссар бўлган бўлса,

Жаҳон мулкига Султон ҳукмрон бўлсин³.

19

Гулнинг айрилиқ тиконидан ғунчадек қалби жароҳатланган булбул қай аҳволда дoston уқиш билан тараннум қилсин ва маҳрумлик доғидан кўнгул ойнаси хираланган тўти қандай қилиб ширин сўзлар билан гап қотсин.

Аммо «иш буюрилган одам узрлидир»¹ деган ҳукм билан утли охи тутунини ёш туқувчи куз суви билан аралаштириб, кўнгулнинг утли ҳарорати билан кузининг тиимай ёш тукишини шарҳловчи бир неча байт бятиб юборилди². Умндимиз шуки, улар уқилар экан, кўнгилга айш ва ҳузур ҳамда таҳлил қилинар экан, кузга сафо ва нур бағишласин, омин.

Мурод шамъи деб аталмиш мақсадлар ҳидоят нуридан¹ шуълаланади — (мамлакатингизнинг) ҳар бир бурчаги нурга тўлиб, унинг бир шуъласи қоронғи кунларни бошидан кечираётганининг² ҳам ҳаётини ёритсин ва мақсадлар қуёши деб аталмиш мурод илтифот кўзгусидан порланади — қоронғи тунларингиз зийнат топиб, унинг бир ёлқини бу хокисорнинг³ қоронғилашган мақсадлари чеҳрасини ёритсин.

Рубоий:

Мақсад жамоли жилвагар бўлсин,
Нури билан олам мунаввар бўлсин,
Бундай диёр сизга тобеъ бўлсин,
Назарингизда бўлмоқлик бизга муяссар бўлсин.

Тилагимиз шундайки, қалбимиз уйда мамлакатни фатҳ этиш истаги шамъи ёқилса, бу қора кунларни бошидан кечирувчи парвонадек у омонлик уйи атрофида учиб айлангай ва истагимиз шуки, жонингиз ирамида⁴ фалз шабиамидан севинч гули очилса, бу зори беқарор булбул каби у гулшан атрофида учиб-қуниб яйрагай — то у шамъ нуридан кўзи мунаввар бўлиб, бу гул ҳидидан димоғи муаттар бўлгай.

Маснавий:

Қуёш қаттиқ тошни суюқ лаъл қилур,
Денгиз қатрани қилур соф ва тоза дур.

Мен бечора бу иккисидан⁵ ҳам пастдурман,
Сен эса у иккисидан⁶ ҳам ортиқдурсан.

Қуёш тошни жавҳар этган каби,
Денгиз қатрани гавҳар этган каби.

Ишим химматинг билан топсин низом⁷,
Айтар гапим шу эди, сўз бўлди тамом.

21

Рубоий:

Бир чумоли сирдош бўлай, деб Сулаймонга,
Кўп уриниб қадам қўйди ўша томонга,

Сулаймон тахтига етиб қадами,
Ер ўпти-да арзин айтиб қайтти ошёнга¹

Бу қўлингиз шунй маълум қиладики, Каъба зиёрати каби улуг пшким истагимиз у саодатли қибла даражасидаги остонадир² ва қибла сафаридан мақсадимиз у тилаклар каъбасининг остонаси, мисоли бусағадир. Уни зиёрат қилишга отланиб³; яқинига етиб келинди. Аммо,

Рубоий:

Ҳар неча юзунг хаёлин этсам тасвир,
Наққоши қазо борига берди тағйир⁴,
Мен васл умидига кўп эттим тадбир,
Тадбир не суд, гар эмастур тақдир⁵.

Бу ёзганларимизнинг шарҳи малолликка сабаб бўлар ва ахволимизнинг баёни оғир ботар деган мулоҳаза билан бу тафсилотни баён этиш вазифаси мактубни олиб борувчига топширилди⁶ ҳамда ҳақингизга дуо қилишни хатни етказувчи зиммасига юкланди, деб сўзимизни тугатамиз.

22

То айрилиққа дучор булганнинг¹ аччиқ-аччиқ кўз ёшлари хижрон ўтининг лаҳза-лаҳза² алангасига таскин бергай ва висолга иштиёқманднинг³ қалбидан чиқаётган нафас-нафас истак шуъласи кўнгул вайронасига замон-замон ўт солгай.

Рубоий:

Кўнглингга айрилнқдан алам етмасин,
Дилинг висол иштиёқида озор чекмасин,
Тангри масофани яқин қилиб,
Икки товоннингни кўзга суртншни насиб этсин.

23

Рубоий:

Васлингга етай деб эй шахи фархунда сифот¹,
Кўнглим қуши сен томон ёзганди қанот,
Кўп ҳукм етиштиким, қайтиб келсин бот²,
Чун бўлди зарурат айладим азми Ҳнрот.

То фалак жафоси иштиёқ дарахти мевасини хижрон мевасига айлантиргай ва то қисмат зулмидан хижрон аҳлига истак ва эҳтирос гул бутасида умидсизлик гуллари очилгай, тақдир ул ҳазратнинг ҳукми чавгонига

гўйдек итоаткор³ ва фалак унинг улкан ва буюк соябонининг⁴ айланаси олдида тугма янглиғ булсин.

Куллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қилинадикки, бу банданинг бетоблиги туфайли қувватсизлиги ва овозининг буғилиб қолиши шу даражага етган эдики, табиблар уни аниқлашда ва ҳакимлар уни дағолашда чорасиз эдилар. «Сафар қилинг, саломат буласиз»⁵ деган сўзларга амал қилиб ҳазрати Имом равзасигача рухсат билан келинди, хаёлда остонани ўпиш орзуси гоётда кучли ва қўнғилда айрилиқдан сарғайган юзимизни бўсағангизга суртмоқ муддаоси ниҳоятда зур эди. Фалончиким⁶, нозик ва гузал табиати билан Масиҳ каби жон бағишловчи, назми эса равшан ва равонлиги билан Хизр сувининг хусусиятини беради — бу ҳолатдан воқифдир. Ҳукмингизга итоат этган ҳолда қайтдим.

Мазкур шахс доим мени ўз суҳбати билан мамнун этар эди — ўзимнинг ўрнимга (гарчи у бирор кишининг ўрнини эгаллаш ҳуқуқига эга булмаса ҳам) юбордим. Унинг номига ҳам «келсин», деган мазмунда бирикки марта олий нишон келгани учун бу ишга рози бўлди. Менинг илтимосим билан унинг муддаоси мувофиқ келгани учун қўллик эҳромини боғлаб, йўлга тушди. Умидим шулки, уни мақбул ва арз қилаётган сўзи ёқимли ва маъқул курингай. Бир нечта китобларни ёзишга ҳукм булган эди, ёзиб тамомлашга улгурилганларни ундан бериб юборилди. Қолганларини ҳам тезроқ ёзиб тугаллагач сизга етказилади, деган умиддаман.

Б а й т:

Чарх умридан зиёда сенинг даврон суришинг,
Олам аҳлини буйсундирар фармонбардор туришинг.

24

Токи, назаримда шахсуворим¹ йўқтур,
Хижронида жуз² нолау зорим йўқтур,
Бир ерда қуюн киби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур³.

Куллуқона дуодан сўнгра шуни арз қилинадиким, бу давлат жонкуяри журъат қилиб, Шайх Муҳаммад мирохурдан⁴ юборилган арзноманинг жавобини илтифот қилиб Султон Маҳмуд оғадан бизга юборилган эди, мазмунидан шу нарса маълум бўлдики, ҳар доимгидек

Маъқул тушипти⁵. Тангри таоло ўмру давлатингиздан бахраманд қилгай; дунё ва охират муроду мақсадларини насиб қилгай.

Умидим шулки; нимаинки давлат манфаати юзасидан ёзибман — мақбул тушган бўлса, уларга амал қилиб, натижа топмоқни Аллоҳ насиб этсин.

Яна Муҳаммад Аминбек билан Хожа Фахриддин битикчи хусусида ҳам фармонлар ёзилган эди — уларнинг ижроси ҳақида юқорига арз қилиб ҳаммасига жавоблар жўнатилди, борган ноиблар арз қилганларидан кейин маълум бўлгай, деб қуллуқона арзнома битилди:

25

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламиз-ким, илтифот этиб фалончидан юборган мактубингиз этиб келди ва мазмуни маълум бўлди. Унда шундай ишора бўлган эдики, ҳазрати хон хусусида икки сўзни Мирзо¹ ҳузурига арз қилиб, жавобини олиб (бизга) юборган: бири шу эдики, қайси тартибда уларни² одам юбориб сўрдирайлик³. Яна бири шу эдики, улар ҳузурига юбориладиган мактубни қай тарзда ёзиш муносиб булади; буйруқ йўсуни билан арзга етказилди⁴.

Сўроқ борасида шундай ҳукм қилдиларки, «Укалари ва бошқа улуғлар сўз бораётган хонни қай тарздаги қоида билан сўраганлари баёини келган киши айтсин⁵, барча фарзандларнинг оғаси ва оқили у азиз фарзанддир⁶. Хабар келтирган кишининг баёини мулоҳаза қилиб, шунга яраша иш тутиб, ҳол сўраш учун хон ҳузурига одам юборсин». Яна мактуб хусусида шундай буюрдиларки, «Гарчи ёш жиҳатдан ул фарзанд хондан каттароқдир, аммо у султонлик мартабасидан бу ерга келмаяпти⁷, балки хонлик тахтидан ҳодиса содир бўлгани учун бу ерга тушгандир, бу муддатда бизга бундай азиз меҳмон келган эмас эди, ёзилажак хатда «хон ҳузурига»⁸ деб ёзиб, мактубни охиригача таъзим билан (яъни таъзим оҳангида) ёзсин ва орқасида муҳр ёки исмини мактуб ўртасидан чеккаси томон яқинлаштириб муҳр боссин ёки исмини ёзсин», — деб ҳукм қилдилар. Ҳузурингизга этиб маълум бўлсин, деб қуллик дуосини баён қилинди.

Ҳақингизга дуо қилгандан сунгра шуни маълум қиламизким, илтифот қилиб йўллаган мактубингиз қўлимизга тегди, (ундаги) иноят сузлари маълум бўлди. Ҳар қалай, шундай бўладнки, қуёшдан заррани ўз нури билан баҳраманд этишдан бошқа иш келмайди¹ ва бу қуёшдан ҳам равшанроқдир. «Фироқнома»² ким, унга суврат ишлансин деб юборибсиз, унга тасвир ишлай оладиган киши устоз Беҳзоддир ва яқинда мазкур устозни Мирзо³ сураб олдилар: ўз қошларида боғда хужра курдириб, шу жойда иш топширганлар. У китобга муносиб расм чиза оладиган бошқа киши йўқ эди. Мабодо бу борада ҳукм бўлгудек бўлса, шунга яраша иш қилингусидир деб, арзнома ёзилди.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, бу қулингиз хизматкорлик эҳромини боғлаб¹ йўлга тушганида толеънинг пастлигидан бир ҳодиса юз бериб, бу мақсадимиз амалга ошмади. Аммо, Шайхимнинг² мен билан ораси ниҳоятда яқинлигидан уни уримга юбордим, бу ердаги аҳвол у орқали маълум бўлгусидир. Мухлис қулингизнинг берган давлат ишларига доир маслаҳатларини ҳам юборилган дустларга (яъни шайхим Сухайлийга) айтилгандир — баён қилсалар, у айтилган сузга илтифот бўлар, деган умид билан қуллик арзномаси битилди.

Тахт узра шоҳлик ишинг қанчалар яхши,
Тожинг зийнатидир Аллоҳнинг нақши,
Ҳам тахтинг юксаклиги фалакка етсин,
Ҳам қадринг тожи арши аълодан ошсин.

Қуллик дуосидан сунгра шуни маълум қиламизким, Мир Сайид Абу Исҳоқ келиб сиз юборган иноятнома билан (яна бошқа инъомларни бизга топширди. Биз қулингизни йўқлаб ёзган номангиз билан бошимни фалакдан оширдингиз ва юксаклик тимсоли бўлмиш зотдор от билан танимни туфроқдан кутардингиз ва иноят либослари билан эғнимдаги ошкор айбларим ёпилди ва бу иноятлар қўшини¹ билан бузилган кунг-

лим уйи обод бўлди. Бу илтифотларга жавобан дуо қилишдан бошқа қўлимдан яна нима келар эди ва мақтовдан бўлак не сўзлар тилимдан чиқар эди.

То жаҳон барқарор турар экан, ҳиммат отингиз чархни кезувчи ва то осмон айланиб турар экан, жаҳон аҳлига қиладиган инъомларингиз номингиз зийнатини орттирсин.

29

Қуллик арзимиз шулким, илтифот қилиб бизга ёзилган нома мазмунидан саодатли шахсиятингиз ва шарофатли табиатингизнинг саломат эканлиги маълум бўлди. Умидим шулки, Аллохнинг паноҳида бўлиб муддаога мувофиқ ва орзуга муносиб давлатга эришмоқлик муяссар бўлғай. Бир неча кун зиёратгоҳдалигим чоғида мирохур келипти. Шу сабабли мактубни келтирганда ҳозир эмас эдим. Буни хизмат юзасидан хатолликка йўйилмасин.

Жаҳон мулкини қўлга киритиш ва икки жаҳон муроди муяссар ўлмоқ насиб этсин, омин ё раббил оламин.

30

Қуллик арзимиз шулким, июят қилиб бизга юборилган нишонда Самарқанддан қочиб келган киши ҳақида сўзлар ёзилган эди. Арзадошда¹ ҳам уша сўзлар зикр этилган эди, ҳар иккисининг ҳам жавоби тафсилоти билан ёзиб жунатилади. Чунки қочиб келган киши ҳозирча қуринмаган эди, шу туфайли ҳануз у ҳақда ҳеч қанақа гап содир бўлганича йўқ. Иншоолло, у топилганидан кейин қандай гап бўлса тафсилоти билан Сизга баён қилинади.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсин².

31

Қуллик арзимиз шулким, Мирзонинг муборак табиатлари сиҳҳат топиб, тахти равон билан зулхижжа ойининг йигирма бешинчисида душанба куни¹ ташқари чиқтилар. Умид шулким, Мирзомнинг² ҳам шариф зотлари ҳамиша сиҳҳатда бўлиб, давлатлари кундан кунга ортаверсин.

Илтифот қилиб, доимгидек ваҳйосор³ мактублар

билан хурсанд қилинса бу фақирнинг икки дунёда ҳам бахтиёр бўлишига сабабчи булур эди. Тарқоқ шеърлардан⁴ бир қисм ҳузурингизга юборилди. Зеро, муборак назарингиздан ўтказсангиз — қилган тузатишларингиз билан шарафли булар.

Давлатингиз абадий ва барқарор булсин.

32

Қуллуқона шуни маълум қиламизким, ахтачидан¹ илтифот қилиб юборган оғзи мухрлик мактубни ўқиб, жавоб мактуби тайёрлангунча, ахтачи шошилиш равишида жунаб кетган эмиш. У мактуб хусусида бирор сўз бўлса бу банда сиз билан бирга булиш бахтига мушарраф булиш учун қуллик эҳромини боғлаб йўлга тушғусидир. Умидим шулки, етиб боргунимча яйловларда² бўлгайларким, танда бир оз ҳарорат бор. Астро-бод шаҳрига банданинг боришига ҳожат булмагай³. Чунки остонангизни ўпиш иштиёқи ҳаддан ташқари эди — шу сабабли хаёл қилиндиким, ана шу олий мақсадга етишилгай.

Шеър:

Қузим учар муборак юзингни кўрсам деб тезроқ,
Киприклари эса унга бўлиб (мисоли) икки қанот.

33

Қуллик дуосидан сўнгра шуни маълум қиламизким, Мирзонинг¹ муборак табиатларида бир оз хасталик бор эди — унинг ўрнини сиххатлик эгаллаб, парҳез ушаттилар. Бу пайтда у вилоятдан яна баъзи арзимас нарсалар учун Мавлоно Худойбердини хизматга юборилди. Машҳаддан² бу банда ўз ҳолимни хожа фалондан айтиб юборган эдим, ҳозирда ёнимдаги мулозимларнинг ҳиммат ва давлатлари туфайли бу банданинг касали ҳам тузала бошлади, аммо танамда бир ҳолсизлик бор. У ҳам дафъ булар, деган умид билан қуллик арзномаси ёзилди.

Бу матлаъ яқинда ёзилган эди. Сиз томонингиздан тузатилиш шарафига муяссар булар, деб умид қилман.

Шеър:

Рахшингки³ хиром ичра ўтар кабки дарпдин⁴
Истарман анинг наълини⁵ товус паридин.

лим уйи обод бўлди. Бу илтифотларга жавобан дуо қилишдан бошқа қўлимдан яна нима келар эди ва мақтовдан бўлак не сўзлар тилимдан чиқар эди.

То жаҳон барқарор турар экан, ҳиммат отингиз чархни кезувчи ва то осмон айланиб турар экан, жаҳон аҳлига қиладиган инъомларингиз номингиз зийнатини орттирсин.

29

Қуллик арзимиз шулким, илтифот қилиб бизга ёзилган нома мазмунидан саодатли шахсиятингиз ва ша-рофатли табиатингизнинг саломат эканлиги маълум бўлди. Умидим шулки, Аллоҳнинг паноҳида бўлиб муддаога мувофиқ ва орзуга муносиб давлатга эришмоқлик муяссар бўлмай. Бир неча кун зиёратгоҳдалигим чоғида мнрохур келипти. Шу сабабли мактубни келтирган-да ҳозир эмас эдим. Буни хизмат юзасидан хатоликка йўйилмасин.

Жаҳон мулкини қўлга киритиш ва икки жаҳон му-роди муяссар ўлмоқ насиб этсин, омин ё раббил ола-мин.

30

Қуллик арзимиз шулким, июнат қилиб бизга юбо-рилган нишонда Самарқанддан қочиб келган киши ҳа-қида сўзлар ёзилган эди. Арзадоштда¹ ҳам уша сўзлар зикр этилган эди, ҳар иккисининг ҳам жавоби тафси-лоти билан ёзиб жунатилади. Чунки қочиб келган киши ҳозирча куринмаган эди, шу туфайли хануз у ҳақда ҳеч қанақа гап содир бўлганича йўқ. Иншоолло, у то-пилганидан кейин қандай гап бўлса тафсилоти билан Сизга баён қилинади.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсин².

31

Қуллик арзимиз шулким, Мирзонинг муборак таби-атлари сиҳҳат топиб, тахти равон билан зулхижжа ойи-нинг йигирма бешинчисида душанба кунин¹ ташқари чиқтилар. Умид шулким, Мирзомининг² ҳам шариф зот-лари ҳамиша сиҳҳатда бўлиб, давлатлари кундан кун-га ортаверсин.

Илтифот қилиб, доимгидек ваҳйосор³ мактублар

билан хурсанд қилинса бу фақирнинг икки дунёда ҳам бахтиёр бўлишига сабабчи булур эди. Тарқоқ шеърлардан¹ бир қисм ҳузурингизга юборилди. Зеро, муборак назарингиздан ўтказсангиз — қилган тузатишларингиз билан шарафли булар.

Давлатингиз абадий ва барқарор булсин.

32

Қуллуқона шуни маълум қиламизким, ахтачидан¹ илтифот қилиб юборган оғзи мухрлик мактубни ўқиб, жавоб мактуби тайёрлангунча, ахтачи шошилиш равишида жунаб кетган эмиш. У мактуб хусусида бирор сўз булса бу банда сиз билан бирга бўлиш бахтига мушарраф бўлиш учун қуллик эҳромини боғлаб йўлга тушғусидир. Умидим шулки, етиб боргунимча яйловларда² бўлгайларким, танда бир оз харорат бор. Астро-бод шахрига банданинг боришига хожат булмагай³. Чунки остонангизни ўпиш иштиёқи ҳаддан ташқари эди — шу сабабли хаёл қилиндиким, ана шу олий мақсадга етишилгай.

Шеър:

Қузим учар муборак юзингни кўрсам деб тезроқ,
Қиприклари эса унга бўлиб (мясоли) икки қанот.

33

Қуллик дуосидан сўнгра шуни маълум қиламизким, Мирзонинг¹ муборак табиатларида бир оз хасталик бор эди — унинг ўрнини сихҳатлик эгаллаб, парҳез ушаттилар. Бу пайтда у вилоятдан яна баъзи арзимас нарсалар учун Мавлоно Худойбердини хизматга юборилди. Машҳаддан² бу банда ўз ҳолимни хожа фалондан айтиб юборган эдим, ҳозирда ёнимдаги мулозимларнинг ҳиммат ва давлатлари туфайли бу банданинг касали ҳам тузала бошлади, аммо танамда бир ҳолсизлик бор. У ҳам дафъ бўлар, деган умид билан қуллик арзномаси ёзилди.

Бу матлаъ яқинда ёзилган эди. Сиз томонингиздан тузатилиш шарафига муяссар булар, деб умид қилман.

Шеър:

Рахшингки³ хиром ичра ўтар кабки даридин⁴
Истарман анинг наълини⁵ товус паридин.

Қуллуқона арзимиз шуки, бу банда эрта билан даргоҳингизга отланганимнинг сабаби шу эдики, шоядки муборак дийдорингизни кўриб қолгайман. Хабар боргунча саломатлик билан сафарга жўнабсиз. Отланиб, йўлда учрашиш бахтига эришарман, деб хаёл қилгандим, бироқ ҳукм келдики: «Ғойиб бўлмасинким, сўз бор». Шунга кўра дийдорингизни кўришдан маҳрум қолинди. Буни камчиликка йўйилмаса ғоятда қарам қилинган бўлур эди.

Буйурнлган ғазаллардан тайёр бўлганларини юборилди¹. Яна қолганини тугатиб, ҳузурингизга борадиган кишидан юбораман.

Сиз томондан ҳукм бўлган эдики: «Хаёлингга келган давлат ишларига доир гапинг бўлса айт»².

Шуни айтмоқчиманки, иссиқ кунлар бошланди, чоғир ичишда иложи борича буни ҳисобга олиш керак. Бошқа сўзлар бўлса яна хат орқали маълум қиламиз.

Қуллик арзимиз шуки, Абдулкаримдан юборган номангизни Мирзонинг қўлига топширдик, (у киши томонидан) ҳукм бўлдимки, сиз давлат билан бирга бориб Мўғулбек¹ кумак тариқасида керак бўлса келгайлар, аммо шундай сузни ҳам айтдиларки: «Мўғул у ердаги ишларга ғоятда аҳамият билан қарар эди. Баднуззамон Мирзо ўшанчалик аҳамият берармикин?» Мен айтдимки, ундаи ҳам кўпроқ аҳамият беради. Энди ният қилиб, ўзингизнинг бор имкониятингизни ишга солган ҳолда ишга киришсангиз, хизмат юзасидан кунгилсиз вазиятлар содир бўлмаса яхшироқ бўлур эди. Илтифот қилиб шундай ёзиб юборсангизким: «Мен ўз хизматларим билан Сизнинг олдингизда мажбуриятлидирман». Борди-ю у ердаги ишларда Сиз томондан эътиборсизлик юз берса, Мирзо олдида бу қул уятли бўлиб қолади², деб қуллик арзномаси ёзилди.

Баъзи тарбият қилган қулларнинг³ хатоликлари туфайли хитоб ва мусодара⁴ содир бўлганлиги хусусида ёзибсиз.

Қуллардан хатолик ва султонлардан гоҳ авф қилиш ва гоҳ хитоб этиш юз бериб келган. Аммо, подшоҳнинг ўз давлат ишларидан доимо хабардор бўлиб, қўл остидаги хизматчиларига қатъий снѐсатда бўлишининг бир

улкан натижаси шуки, улардан гуноҳли ишлар кам содир булади. Яна бир гап, подшоҳга ҳам муомала қилишда ғазабга берилмаслик керак.

Ҳозирги пайтда ҳар қандай йул билан бўлса-да, қушин сақлаш зарурдир. Аммо уларнинг аҳволидан ҳам хабардор булиб туриш керак, токи бирор навкар томонидан қоидага зид иш содир булмасин ва умуман барча иш ҳушёрликка боғлиқдир.

«Май ичгину ҳушёр бўл».

36

Қуллик дуосидан сўнгра шуни арз қиламизким, Ваҳфада зиёрат қилиш муносабати билан Имом равзасига¹ келинган эди, давлатингиз дуоси қилингайким, Илдириим² келди. Яна бир дуо билан узни эслатмоқ лозим курилди.

Ҳар қаёнга юриш қилсангиз фатҳу зафар ёрингиз бўлсин ва барча офатлар ва балолардан ҳақ таоло посбонингиз, омин.

Бу матлаъ³ ёзилган эди:

Ишқ даштин ҳеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун,
Мен ғариб ул дашт аро кўрганни кофир кўрмасун.

Тузатиш киритиш учун ҳукмингизга ҳавола этилди.

37

Қуллик арзимиз шулким, лутф этиб юборган номангиздан дилларимиз хушнуд булиб, кўнгулларимиз кутарилди.

Ш е ъ р:

Не лутф этдики мени нома бирла ёд эттинг,
Не нома эрдики маҳзун¹ кўнгулни шод эттинг.

Давлат боқий ва саодат абадий булсин.

Ш е ъ р:

Кўксимда наъл² булди хадангинг³ нишонаси⁴,
Кўнглум уйи эрур анинг омочхонаси⁵.

Яқинда бу матлаъ ёзилганди, назарингизга ҳавола этиб «адабсизлик» қилдик.

Барча ҳолатдан азиз фарзанд Ҳайдар⁶ хабардордир, ундан суралса баён қилгусидир.

Давлат (ингиз) абадий булсин. Омин, ё раббил оламин.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, бу ердаги ишлар Тангри таолонинг инояти туфайли Мирзо¹ давлатидан кунгилдагидекдур. Бу вақтда Султон Маҳмуд Мирзо² хузуридан Маҳмуд барлос келиб тухфалар ва тўёна тортиқларни топшириб, қуллик хизматкорликларини бажо келтирди. Шунингдек, атроф ва бошқа ёқлардан келган хабарлар ҳам давлат манфаатларига мувофиқ ҳолдадир. «Адабсизлик» юзасидан бир неча сўзни ёзиб, нома ёзилган қогознинг бошини ёпиштириб юборилди. У ёзилганларга ҳам гоҳи-гоҳида назар ташлаб, уларга амал қилган ҳолда иш кўрилса бу давлат манфаатига мувофиқ бўлур эдп деб, қуллик арзномаси ёзилди.

Ш е ъ р:

Сафардин келган эрмиш ул мусофир¹ ойу мен махрум,
Сабо, олдида арз эт, чунки ҳолим айладинг маълум.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, сафардан соғсаломат қайтиб масканга тушилганлик ҳақидаги хабардан давлатхоҳ қуллар² шод бўлдилар. Умид шулки, хамиша давлатингиз билан биргаликда соғ ва саломат бўлиб, олам аҳлига ҳоқим бўлгайсиз. Мактубни олиб бораётган киши сиз томон йўл олганлиги учун ўзни муборак хотирингизга беришни лозим топилди, деб қуллик дуоси билан нома битилди.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, бу банданинг қувончи ва хурсандчилигига сабаб бўлган мактубингиз келиб тегди.

Ш е ъ р:

Упуб уни кўзу қошимга қўйдим,
Не қошу қайси кўз, бошимга қўйдим.

Марҳамат қилиб, бу ердаги аҳволни мактубни олиб борган кишидан сўралса, баён қилгусидир.

Боқий давлат ва абадий саодат Сизга ёр булсин.
Омин, ё раббил оламн.

Рубоий:

Қасринг узра чарх тоқи¹ намоён бўлсин,
 Базминг аро офтоб порлаб турсин,
 Етти улка узра жавлон ургин,
 Истаганинг барчаси санга муяссар бўлсин.

Қуллуқона шуни маълум қиламизки, Абулкарим Мирак буйурилган хизматларни гаплашиб, кунгилдагидек жавоб олиб жўнади — боргач маълум бўлгусидир. Умид қиламизки, айрилиқдаги қуллар² муборак хотирингиздан чиқмагайлар, деб хизматкорлик номаси ёзилди.

42

Рубоий:

Шодлик базмингга Зухра¹ бўлиб навосозинг,
 Биржисдан² юксакроқ ҳаё ҳамда одобинг,
 Олам эли ичра шоҳу хоқон лақабинг,
 Одам Атогачайин тақалгуси хонлик насабинг.

Рубоий:

Чарх бисоти сенинг айшингча эмас,
 Қуёш жамоли сенинг олам оройингча³ эмас,
 Ой даври⁴ сенинг фалак мисол чодирингча эмас,
 Осмон юксаклиги сенинг оёғинг ости гардича эмас.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизким, бу фақирнинг тарқоқ шеърлари ва байтларидан нима тартиб берилган бўлса уларнинг ҳаммаси муборак кутубхонага⁵ етиб борган эди ва у ердаги китоблар қаторидан жой олиш шарафига эришган эди.

Бу утган йилдаки⁶, бу банда бошига замона ходисаларидан юз хил бало ва бераҳм дўст ишқи туфайли юз турли жафо юзланди. Олдимга ҳар қандай қийинчилик келса баён этарга бир меҳрибон дўстим ва бошимга ҳар қандай қаттиқчилик етса изҳор қиларга бир сирдош рафиқим йўқ эди, ушандай қийинчилик ва оғирликлар мазмунидан бирор байт ё матлаъни хаёлга келтирардим ва кунглимни уша ғусса ва аламдан холи этардим, бу оз вақтда кўп назм айтилипти ва ҳар турли шеър ва ғазал йиғилиб қолипти. Уларни йўқолиб кетишига

Йул қўйишим мумкин эмас эди ва қолаверса буларни тартибга солишга буюрилган ҳам эдим.

Шу сабабли аввалги икки девон⁷ шеърлари билан кейинги юзага келганларини қўшган ҳолда тартиб билан тўрт булакка ажратилди ва уларнинг ҳар бирига ном қўйилди: болаликда юз берган ажойиб маъниларга «Ғаройиб ус-сиғар» — «Ёшлик ажойиботлари», йигитликда зоҳир бўлган нодир таркибларга «Наводир уш-шабоб» — «Йигитлик нодирликлари», умрнинг урталарида жилва қилган гўзалликларга «Бадоеъ ул-васат» — «Ўрта ёшлик гўзалликлари» ва умрнинг охирига яқин йилларда назмга кирган фойдаларга «Фавоид ул-кибар» — «Кексалик фойдалари» деб ном берилди.

Булар табъ⁸ хазинасидан ҳосил бўлган маънолар эканлигидан умумий номини «Хазойин ул-маоний» — «Маънолар хазинаси» дейилди. Уни муборак назарнигизга етказиш шарт эди.

Шу сабабдан суҳбатдошларнинг фахри бўлмиш Мавлоно Соҳибни ҳузурингизга юборилди ва бу қораламани олий мажлисга⁹ етказсин, дейилди. Журъат этган бу ишимизни афв этарсиз ва юзага келтирган у ишимизни (яъни девонни) ислоҳ қиларсиз, деган умиддаман.

43

Қуллик дуосидан сўнгра шуни маълум қиламизким, Илдириш¹ мирохур келди ва банданавозлик² нишонини топширди. Ундан заиф жисмимга қувват ва дардли кўнглимга сиҳҳат етишди.

Шеър:

Упуб кузумга қўйиб, жоним ичра ер бердим,
Алиф кибики бўлутур макони «жон» ичра³.

Гарчи дардимнинг ниҳоят даражада оғирлигидан улим хавфи туғилаётган бўлса-да, бу пажмурда танимга жон умиди, балки абадий ҳаёт хабари етишди.

Мактуб ёзган ул қаламгаким, ул варақ юзига сержило ва пурмаъно сўзлар ёзиб, замон нотавонини⁴ бе-ниҳоя шодлантирган экан — етти иқлим якқалам⁵ бўлсин ва ул қулгаким, ул қаламни ул саҳифага урипти, ҳақ субҳонаҳу ва таоло. ер юзи мамлакатларини унга тобеъ этсин.

Бу заиф ҳузурингизга борган беклардан айтиб юбор-

ган эдимки, бир неча кун Машҳадда туриб, ўз ҳолимга қарайман, аҳволимда яхши томонга узгариш сезсам қуллик эҳромини боғлагумдир, бироқ бу ниятим ҳосил бўлмади.

М и с р а :

Умид ила келдим, вале армон била бордим⁶:

Энди умидворлик Юсуф Алидан юборилган оғзи оирачлик мактубдадир. Тангри таъло инояти билан бу иш сизнинг ҳузурингизда осондир, деб қуллик арзномаси ёзилди.

Р у б о и й :

То давр турар экан давр санга ёр бўлсин,
То чарх турар экан чарх мададкор бўлсин.
Зотингга Хизр умридан нишона бўлсин,
Умринг миқдори мангулик бўлсин.

Дуомни ўзинг қабул эт, эй Аллоҳ.

44

Куллуқона дуодан сўнг шуни маълум қиламизки, қанча вақтдан бери муборак дийдорингизни кўришга мушарраф бўлмаганлигим сабабли сизни кўришга иштиёқ ғоятда кучлидир. Бу гал Машҳадга келишдан мақсад шу эдики, ўзимда шундай қувват сезсамки, ун, ўн беш-йигирма кунда даргоҳингизга етиб, остонангизни ўпиш бахтига мушарраф бўлиб қайтсам. Шу ишга аҳд қилганимни Шайх Алибек билан Ҳусайнқулибекка тушунтириб айтган эдим, шоядки сизга етказишган бўлса. Бу муддаога далил шуки, кейинги вақтда заҳмат тортиб ясаган мураққаъни¹ ва ҳар миқдор қийинчиликлар билан яратган китобларниким, булардан бошқа ҳеч нарсага кунгил берилмаган эди — олиб келган эдим, чунки баданга хасталик ёпишди; муборак дийдорингизга мушарраф бўлиб, қазо ҳам етса бу китобларнинг бариси сизнинг назоратингизда бўлса дегандим. Ўзимда бунга қувват топмадим², у китобларни Юсуф Алидан юбордим. Шу муносабат билан гоҳи-гоҳи бу бандангизни эслаб туришга ҳокимсиз, деб қуллик арзномаси битилди, вассалом.

Рубоий:

Тожу тахту мамлакат ярашган санга,
 Фаровонлик даврони насиб этсин санга.
 Ҳам дунё шоҳлари қул бўлсин санга,
 Ҳам бебошлар барчаси эгилсин санга.

Қуллуқона дуодан сунгра шуни маълум қиламизким, манзиллар сайридан қуёш уз манзилига, яъни Асад буржига¹ юзланганини ва қулон² овидан шер узининг тўқайзорига, яъни Журжон³ улкасининг юксак тахтига қайтгани эшитилди. У шарафли зотга бу ердаги доимги омонликнинг ғоятсиз эканлигини кўрсатиш зарур ва кундан кунга ортиб бораётган давлатга садоқатимиз ниҳоят даражада эканлигини билдириш лозим эди. Бу жиҳатдан:

Манга улким ходиму соҳибдур⁴,
 Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур.

Уни қулликка юборилдиким, кузим қорачиғини ул даргоҳ туфроғига етказсин ва кипригим супургиси супуришлик ваколлатидан ул сарой остонасига суртиб у ернинг хашағини супурсин. Умид шулки, у ана шундай давлатга мушарраф бўлиб, мени ҳам ушбу арзномамнинг жавобини олиш шарафига эриштирасин.

Маснавий:

То осмон доираси барқарор экан,
 Унда нуқта—қуёш сайр этар экан,
 Осмон юксаклигига тахтинг жойлашсин,
 Қуёш нуқтаси йўлинг хоки бўлсин.

Дуомни ўзинг қабул эт, эй Аллоҳ.

46

Қуллуқона дуодан сунг шуни маълум қиламизким, доим давлат эгаси бўлмиш улуғ даражали султонлар ҳукмронликлари даврида мамлакатларнинг таниқли кишиларидан биронтаси замон ҳодисалари ва мусибатлари зарбидан эзилиб, эътиборсизликка учраганида ўша султонлар у мажруҳ кишига илтифот ва шафқат курсатар эканлар, уларнинг мадад ва ҳиммати туфайли у бечора яна уз ҳолига келар экан.

Шу кунларда Хожа Ҳожи Маҳмуд Табризий ҳаётида ҳам шундай ҳол юз берипти. Агар ўша султонлар

одати билан унинг ҳолига шафқат ва илтифот курса-
тилса, унга ҳам аввалгидек моддий кенгчилик ва фа-
ровоилик насиб этади, деб умид қиламиз, вассалом.

47

Р у б о и й:

Ёр фироки жонимга куп қасд этди,
Айрилиқ ўқи танимни нишон этди,
Фалак менинг ҳукмимга бўйсунса эди,
Уша ойни менга ё мени унга етказса эди.

Куллуқона дуодан сўнг шуни маълум қиламизким,
заиф ва ожиз қулингизнинг¹ жисмига мадор ва каса-
лига снҳқат етиша бошлаган эди. Илтифот юзасидан
хол сураб ёзган мактубингиз қулимга келиб тегди, ай-
тиш мумкинки, баданимда харорат ўтидан бирорта уч-
қун ва кўнгулда бетоқатлик шиддатидан бирорта асар
ҳам қолмади.

Б а й т:

Мактубингиз, ёзувини куриб жон топтим,
Мисоли зулмат ичра тириклик чашмасини топтим.

Хаста қуллар² бахтига ҳақ таоло ул шарафли зот-
ни³ хасталиқдан асрасин ва қадимий бандалар⁴ учун
ул саодат эгасини⁵ бировга кўнгил беришдан⁶ ўз пано-
ҳида асрасин.

Бу вақтда Хожа Хофиз Гиёсиддин Муҳаммад Дех-
дар⁷ тархон қуллик эҳромини боғлаб, сиз томон йўлга
тушди. Рум⁸ подшоҳининг илтифот қилиб, ўз элчилари-
ни бизга юборганлиги ва бу хусусда қандай ҳукмга
келганлигимизни маълум қилмоқчи.

Р у б о и й:

Рум зебу зийнатлари қадаминг гарди бўлсин,
Рум тахти-ю тожлари зотингга насиб бўлсин,
Юзлаб Рум мамлақати мулкинг ичра дохил бўлсин,
Юзлаб Рум подшоҳи⁹ қўшунингга тобеъ бўлсин.

48

Р у б о и й:

Огоҳ бул кўнгилки, гул юзли ёрим келмоқда,
Жон гулшанида тоза баҳорим келмоқда,
Порлоқ юлдуз бўлиб шаҳсворим келмоқда,
Чехрасини ой дейишга орим келмоқда.

Рубонӣ:

Бу хабар билан вносол тонги отади,
Хижроннинг қаро шомига албатта завол етади,
Бошига иқбол қуёши ёғдусини сочади,
Кеч қолса уша қуёш холим нима кечади:

Рубонӣ:

Қосид¹ келди зоҳир этиб кўп таъжил²;
Қулида номаси — етишмоқ истагига далил,
Бу номани гуё осмондан тушган сўз бил³,
Ёинки юқоридан ваҳй келтирди Жабраил⁴.

Не нома эдиким, юксак даргоҳдан бизнинг қулимизга келиб тушдиким, унинг борасида «ал-ҳамду лилла-ҳил-лази анзала ʔала ʔабди-л-китаби»⁵ калимасидан бошқа нарса хотирга келмайди ва не саҳифа эдиким, юксаклиги фалакдан ҳам юқори турувчи қасрдан қулимизга келиб теккан эдиким, унинг баёнида «ал-ҳамду лиллаҳи-л-лази азҳаба ʔантал-л-хузна»⁶ калимасидан бошқа сўз тилда айланмайди. Умид шулким, зафар ифодаси бўлган байроқнинг муборақ соясидан фироқ даштида айрилиқнинг ҳалокатли иссиқ шамолидан қи-зиб, беҳол бўлганлар осойишта ва қутлуғ қадамли хабар етказувчиларнинг қувватбахш хабаридан ҳажр⁷ зиндонидан тутқун бўлганлар⁷ таскин топгайлар.

Қуллик арзимиз шулки, иноят қилиб бизга юборилган мактубда ёзилибдики, Мирзонинг хизматиға отланилди ва шу мақсадда йўлга тушилди. Шубҳа йўқким, бу хизмат дин ва дунё ишларига мувофиқ ва Мирзодек⁸ отага Сиздек уғилдан муносиб ва лойиқдир. Худо хоҳласа, ҳар юришингизда бир мамлакат ва ҳар онда бир жаҳон буйсундирилади ва ҳар дамда бир олам қўлга киритилади.

Мактубда ёзилибдики, «Панждеҳ ва Марвчоқ⁹ атрофларига келиб хизматкорлик давлатига мушарраф бўла олурсан». У холда бу мактуб қаерда қулингизга тегса, ҳукм қилсангизким, ўша ердан Панждеҳ ва Марвчоққача бўлган манзилларни ёзиб, қайси кун у жойларга етиб боришни мўлжал қилиб хат юборсангиз, мен ўшанга мувофиқ Худо хоҳласа, ҳеч иккиланмай кўрсатилган ерда хизматингизга етиб борсам. Бу ишга етишишни интизорлик билан кутиб, ушбу қуллик арзномасини битдик.

Рубоий:

Ё раб, қайси томон ранжида қилса қадаминг,
Зафарга чулғансин кўкка етгучи байроғинг,
Мағлуб бўлиб шум ниятли ёвларинг,
Кувончларга тулсин хуш ниятли хотиринг.

49

Номангки кунгил-истагига мувофиқ эди,
Топти кунгил ундан не талабда эди,
Йўқ, номаки, ёқимли ва севикли эди,
Хатида кунгил муроди битилган эди.

Давлат ва иқбол қуши, балки қутлуғ қадамли қосид улуғ ва қудратли бустондан ҳижронда қолганлар¹ ҳузурига ҳузурбахш ташриф етказди, қулида лаъл ва дурлар билан зийнатланган ҳуққа², қўйнида бошдан оёқ гўзал сузлар билан битилган ва маънолар гавҳаридан иборат бўлган нома; у ҳуққа оғзини муҳрлаб беркитилган ва у нома бошини бошқаларнинг кўзи тушмасин деб ёпиштирилган.

Бу банда у соф жавҳар қийматини билдим ва шунинг билан бирга у махфий сирлардан воқиф бўлдим. Махфий хитобга очиқ равишда жавоб ёзишни ва яширин масала баёнини ошкора тарзда битмоқни адабдан йироқ ва хизматкорлик одобидан узоқ кўрдим. Шунга кўра ўзим қуллик хизматига киришган ва бандалик (вазифасини бажариш)га жазм этган бўлганим учун хотиримга келган кам-кустли сузларни³ ҳам ўзим арз қилгайман ва бу узук-юлуқ маънини⁴ ўзим наввоб⁵ қулоғига етказгайман, деб қуллик арзномаси битилди.

Шеър:

Жаҳон тургунча жаҳонга ҳомий бўлгин,
Салтанат тахтида азизу сахий бўлгин.

50

Қуллуқона дуодан сунгра шуни маълум қиламизки:

Рубоий:

Олдим юз минг эҳсонга тенг номангни,
Фидо этдим унга кунглим билан жонимни,
Лутф айла бу хонумони вайронни,
Ед қил хон билан қадаҳ ичар замонни.

Абадий давлат Сизга ёр бўлсин, вассалом.

Агар ислом қознси Тангри раҳматига борган бўлса¹, подшоҳи исломни² Аллоҳ таоло куп йиллар ислом мамлакатини ва ислом аҳли бошида бардавом ва барқарор сақласин. Қозилик мансабига бирор кишини тайинлашда чуқур мулоҳаза қилиш керак, чунки бу тонфа кишиларни аҳволдан хабардор кишининг ва кўпчиликнинг фикрини эшитилгач, ислом подшоҳи давлатига³ ва ислом аҳли кунглига мое одам топилсагина уни бу лавозимга тайинланса, деб қуллик арзномаси битилди:

Б а й т:

Айбдорлар гуноҳини лутфунг билан кечгувчисан,
Авф этишинг бундай булгач гуноҳ этиш таажжуб
эмас.

Шуни маълум қиламизки, бу вақтда Ҳайдар кукалтошнинг¹ толеъ юлдузи шумлик зулматидан чиқиб, саодат буржигга юз бургани учун ва иқболнинг юлдузи ортга кетиш гуноҳидан қутулиб, барқарорлик осмонда чарақлай бошлагани учун қилган хатоликларидан шарманда ва курсатган гуноҳларидан пушаймонда булган ҳолда саодат юлдузлари порлаган фалак мисол юксак даргоҳингизга ва иқбол юлдузлари² жилваланган осмон янглиг сарой (ингиз)га йўл олди. Хаёли шундайки, бошини у даргоҳдагилар отининг оёғи остида ўйнаса ва мақсади шундайки, жонини у остонадаги итларга фидо қилса³.

Умидимиз шуки, ниятига кура илтифот назаридан⁴ бахраманд ва интилишига яраша шафқат асаридан сарбаланд булгай⁵.

Ҳамиша карамингиз гуноҳкорлар бошига паноҳ ва шармандаларга нисбатан кечиримли булсин, омин.

Р у б о й:

Бу не ҳолатки ёр ишқиди мубтало бўлган,
Ошиқнинг юрагига айрилиқ юзлаб азоб доғини
қуйган,

Бошига давлат қуши¹ соя солиб,
Ёрга етишмоқ умидидан хабар бергай.

Аллоҳ, Аллоҳ! Айрилиқ шомининг зимзиёлиги қанчалар дилни хуфтоу жонни саргардон этгувчи экан!

Воҳ, воҳ! Висол тонгининг равшанлиги қанчалар дилга ёқимлигу жонни қувонтирувчи экан; Тангри таоло унга² дучор булганларга узи нажот ато этгай. Ва бунинг³ ширинсузлигига ло илонихоё⁴ хабарини етказгай.

Куллик дуосидан сўнгра шуни маълум қиламизким, хизматкорликдан маҳрум бўлган бу банданинг умидвор кўнгли хаёл водийсида саргардон ва доим умидим кўзи интизорлик йўлида ҳайрон эдики, ҳар доимгидек бу томонга келадиган бирор кишидан хабар ва бирор нимадан асар булиб қолармикин, деб. Шунга кўра кўнгли хароб аҳволида-ю кўз хира ҳолда эди. Шундай бир вақтда Арслонбек ахтари фатҳ нишонлари билан сўз бораётган мактубни олиб келди. Бундан кўнглига осойиш ва кўзга равшанлик етишти. Худога шукрки, нимани Аллоҳдан тилаган бўлсам, тилаганларим ҳосил бўлди ва нимани кўнглим тусаган бўлса уша нарсага етишдим. Умидим шуки, энди яна бирор киши бу томонга келса одатдагидек нома билан бизни мумтоз⁵ ва унинг мазмунидаги илтифотли сўзлар билан сарафроз⁶ қилгайсиз.

Б а й т:

То жаҳон бор экан сенга итоат этсин,
Табъи гузаллар сенга хизмат этсин.

Р у б о н и:

Тонг элчиси — сабо келтирди ёрим хабарини,
Шарх айлади гул юзли сарвим хабарини,
Билмас энди кўнглим хорлик хабарини,
Чунки, элчи келтирди шахсуворим хабарини.

Айрилиқ шомидан висол тонгидан ноумидларга саҳар элчиси бўлмиш майин шамол келтирган хабаридан ёқимлироқ хабарнинг бўлиши мумкин эмас¹ ва иштиёқмандларга ёрнинг жамол қўёши фироқида кўзи хираланганларга висол қўёшининг балкиб чиқишидан бошқа ҳеч нарса ёруғлик бера олмас². Худога шукр, бурунги давлат³ муяссар бўлди, Худо хоҳласа кейинги саодатга⁴ ҳам эришишни насиб этар.

Куллик дуосидан сўнгра шуни маълум қиламизки, шотир⁵ фалоний фалон ойининг фалон куни, ҳафтанинг фалон⁶ кунда келиб, бу бандани ёд қилиб, илтифот ила ёзган номангизни келтирди. Беҳад қувонч ва шодлик

ҳосил булди. Энди яна бу томонга келадиган кишидан бирор илтифот номаси юбориш билан бизни узга хизматкорлардан мумтоз ва бошқа ходимлардан сарафроз қилишга ҳокимсиз. Абадий давлатингиз барқарор ва боқий саодатингиз доимий булсин, омин.

55

Муқаддас ҳадисда антиладики: «Ҳар бир киши Тангрига булса, тангри у кишига бўлур». Ва Тангрига бўлмоқнинг маъноси деб шуни айтадиларки, Тангри таолонинг буйруқларига амал қилинмай ва ман этган ишларидан сақланилмай. Тангри таолонинг бу одамга булшининг маъноси деб шуни айтадиларки, банданинг ҳар қандай муроду мақсади булса Тангри таоло уни ҳосил қилмай ва барча офату балодан сақлагай. Шундай экан, ҳар бир инсон шунга риоя қилса муроду мақсади ҳосил бўлиб, офату балоларга учрамайди. Аллоҳнинг буйруқлари билан иш тутиб, унинг қайтарган ишларидан ўзини тийиб юриши керак. Оламда ҳеч инсон йўқки, турли мақсади булмасин ва узини балоларга учрамаслигини тиламасин. Аммо, ҳар кишининг муроди қанча кўп бўлса, Худонинг буйурган ишларига кўпроқ итоат этса керак, айниқса султонлар. Бир гадоким, тилаги бир дирам кумуш танга, ё бир подшоҳким, мақсади бир икклимп қулга киритиш — иккаласининг Аллоҳга эҳтиёжлари бор, аммо орзу қилаётган нарсаларида тафовут кўпдир. Шундай бўлгач, Тангрига итоат қилишда ҳам тафовут бўлиши керак.

Гапни бу тарзда бошлашдан мақсадимиз шуки, султонлар Аллоҳнинг мумтозроқ ва азизроқ бандаларидир, эҳтиёжлари ва муддаолари (ҳам) бошқа одамларга қараганда кўпроқдир. Шундай бўлгач, уларнинг Тангри таолога эҳтиёж ва хокисорликлари ҳам, ишлари ва итоати ҳам кўпроқ бўлиши керак ва итоатда бўлишликнинг барчасини пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз шарият йўллари билан муқаррар этиб қўйибдилар. Ҳар бир киши шарият йўлида қатъий булса, Аллоҳ билан пайғамбар алайҳиссаломга тобеъроқ ва муроди ҳосилроқ ва балолардан омонроқ бўлади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам буйурибтиким, Тангри таоло розилиги ота розилиги билан боғлиқдир ва Тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазаби билан боғлиқдир. Шундай экан, инсон ота розилигини ҳам

хосил қилган бўлиши керак ва ота ғазабига учраса Аллоҳ ғазабига учраган бўлади. Шундоқ булгандан кейин одам нечук ота розилигини қайтаргай ё унга қарши қадам босгай. Ва шайхлар сузидурким, «Волидука — Раббука», яъни отанг — парвардигорингдир. Шу жиҳатданки, Тангри таоло сени йўқдан бор қилишида сабабчи у ва болаликдан йигитлик ёшигача парвариш қилгувчи у зот. Ва Ҳаким Сулаймон¹ сузидурким, ота — қодир қайғум², ано — розиқи марсум³. Ва Адиб Аҳмад⁴ раҳматиллоҳу дептурким:

Атодин хато келса курма хато,
Савоб бил хато қилса доғи ато,
Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қутғаргай худо.

Иброҳим Ҳалилнинг⁵ отаси бут йўнувчи уста Озари эди. Иброҳим Ҳалил отасига наспхат қилган вақтда нидо келдиким, таъзим ва мулойимлик билан насихат қил. Ва Юсуф алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломга хатолик билан одобсизлик қилгани⁶ учун бошқа пайғамбарлардан йитмиш йилдан кейин жаннатга киришга маҳкум этилди. Ва Хом — Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли отасига нисбатан одобсизлик қилди⁷, ул ҳазратнинг дуоси билан ранги қора бўлиб, пайғамбарлик унинг наслдан узилди.

Бу муқаддималардан мақсад шулки, бу банда доим Сизга давлат ишларига доир фойдали сўзларни айтиб келдим ва Сизни умру давлатдан баҳраманд бўлишингизни Аллоҳдан тилаб, дуолар қилдим ва бирор номуносиб иш Сиз томондан содир этилган ҳолларда узингизга буни айтдим, балки китобларимда насихатнома тарзидаги шеърлар ёзиб, Сизга етказдим.

Шу кунларда Сизнинг тарафингиздан бир неча иш қилинганлиги эшитилдиким, бу ишлар Мирзонинг⁸ ҳурмат-эътиборини унутаёзганлигингиздан бўлса керак. Шунга кура буни Сизга арз қилнш лозим топилди.

Бирн шулким, вилоят молини маслаҳатлашмасдан олаётганмишсиз ва бу одатга зиддир, агар сураганингизда йўқ дейилмас эди.

Яна шулким, ёзибсизки: «Астрободга одам юборманг, бермайман»⁹. Бу мазмунни ҳам мулойимроқ ёзингиз мумкин эди. Ва «Ироқ вилоятларини улашибман» деб ёзибсиз. Худо хоҳласа Ироқ қўлга киритилди¹⁰. Ҳали қўлга киритилмасдан, Мирзо билан бир-икки марта сўзлашмасдан бу иш қилинса, буни бошқа одам

томонидан қилинса ажабланмаса ҳам булар, аммо Сиз томондан қилиниши ажабланарлидир.

Булар ҳам ҳеч гапмас, аммо арқони давлатингизнинг¹¹ соқолини қирқтирганингиз қабохатини агар ўйлаб кўрсангиз, шоядки ажабланарли эканини тушунасиз. Шариятга риоя қилиб ўзингиз ҳам соқолни озиёки кўп қирқмаслигингиз лозим эди¹². Иш шунгача борганки, халқингизнинг ҳам соқолини қирқтиргансиз. Бу иш билан боғлиқ кўп гап бор, бироқ айтиш мумкин эмас.

Яна шулким, бир мактубингизни келтирдилар, туғросида¹³ Мирзонинг номини ёзмагансиз. Сиздек оқил, хуштабъ, мусулмонваш йигитдан бундай ишларнинг содир этилиши муносибми? Агар буни (ўринсиз) билад туриб қилибсиз, нимага асосланиб қилдингиз. Агар мунши¹⁴ ёки бошқа кишининг хатоси билан қилинган бўлса, қандай қилиб ҳар бир хатни ўзингиз бир кўрмасдан бирор ерга жунатиледи?

Ота билан ўғилдан ота билан ўғил ўртасида фарқлар бор. Бойсунғур Мирзо¹⁵ ўғлонларидан Бобир Мирзодек¹⁶ эмас эдингизки, кўп шафқат кўрмаган бўлсангиз; Улуғбек мирзо фарзандларидан Абдулатиф мирзодек ё Жаҳоншоҳ мирзо ўғлонларидан Ҳасаналидек — тенгрилик уртададир. Мен Сизнинг кўпгина ишларингизга аралашганман, уларнинг кўпидан хабардорман. Сиз доим шаҳзодаларнинг улуғи ва Мирзонинг суйуклиги ва кўз қорачиғи эдингиз. Ўзингиз биласизки, Мирзонинг Сизга кўнгли қандайлигини ҳеч ким мендан яхши билмаса керак. (Худо ҳаққи) ушбу ёзганларим ҳам буни кўрсатиб турипти.

Мирзо Астрободни Сизга бериб, яхши навкарларни қўшиб у ёққа юбордилар ва бу хабарлар Ироқдан келишини ва яна кўмаклар келишини орзу қилган эдилар. Ҳам шаҳзодалардан, ҳам беклар ва саройдаги мулозимлардан ва ҳамда бошқалар агар Ироқ вилояти қўлга киритилса Сиз янада улуғроқ хизматлар қиларсиз деб ўйлашарди. Ҳалигача ҳеч ерда ҳеч нима йўқ, бунақа ишларнинг бўлиши Сиздан хайфдир.

Мирзо Темурбекка тўртинчи авлоддир¹⁷. Мирзо хутбада унинг отига ва шариф руҳига ҳар жумада жомеъ масжидида дуо қилдирадилар. Бу ишда Мирзонинг ҳам қўлидан яна бошқа нима ҳам келарди. Сиз бўлсангиз мактубингизнинг туғросидан Мирзонинг муборак исмини чиқариб ўтирибсиз. Агар Мирзони заиф деб ҳаёл қилган бўлсангиз¹⁸, Тангри таоло қудратлидир.

Фарзанд отасининг заифлик чоғида хизмат вақтини топдим, деб жонкуярлик қилиши керак.

Биллоҳ Мирзонинг азиз боши ва Сизнинг азиз бошингиз омон бўлсинким, бу нома битилган вақтдан йигирма кунча аввалдан бери эртадан тушгача, пешиндан оқшомгача тахтда утириб, шунақа ишлар қиладиларки, неча девон, неча нависанда, неча бахши, неча парвоначилар¹⁹ улар ҳолатга етиб, юз хийла билан қутуладилар. Бу маънидан фарзанд Мавлоно Дарвеш Муҳаммад хабардордир. Шу ахволда ҳамма уз иши билан бўлиб, қиладиган юмушларини бошидан охиригача етказди. Агар илгаридан шундай бўлганда эди, нима ишлар бўлмаган буларди.

Сиздек сохиб давлат мендек салотини мушфиқ ва давлатхоҳ қулларининг беғараз маслаҳатларини амал қилиб келдилар. Ўзингиз биласизки, Мирзо хузурда (Сиз учун) қанақа илтимосларни қилмадим²⁰. Ўзингизнинг иштирокингизда ҳам бир неча бор шундай бўлган. Умрингиз узоқ бўлсин, меннинг сўзларимни камдан кам рад қилгансиз. Энди менинг жоним куйганда бошқаларнинг этаги ҳам куймайди. Мана шу гапларни Сизга айтишга жазм эттим, қабул этарсиз, деб умид қиламан. Қабул этмагудек бўлсангиз мен айтишим лозим бўлган гапларни бўйнимдан соқит этган бўламан.

Тангри таоло шоҳид — бу нома Мирзо буйруғи билан эмас, балки у кишининг хабарлари ҳам йўқ. Хаёлингизга келмасинки, ушбу мактуб буйруқ билан ёзилган²¹, деб. Чунки, Сизнинг хузурингизда давлат ишларига тегишли бўлган сўзларни айтишим буйурилган. Шунга қўра ушбу номани ёзишга жазм эттим.

56

Биз фақир қулнингиз шунини баён қилмоқчимизким, хаёлимизга бир неча сўз келган эди¹, уларни Сизга маълум қилишни лозим топдик. Аввало айтмоқчи бўлганимиз шуки, эрта уйғониб намоз ўқиш мажбуриятини ўз зиммангизга олсангиз, агар саройда масжид тайин этилиб, фарз намозни жамоат билан ўқилса, беш вақт намозни тарк қилинмаса аини мақсадга мувофиқ иш булур эди, барча масжидларда бунинг имкони топилмаган тақдирда баъзиларида шунга эришилса.

Яна бир сўз, эрта билан харамдан² чиққач, девонда ўлтириб арз қилиб келувчилар қабул қилинса, яна арздод этувчиларни эшитиб бир қарорга келишда фақат

Ўзингизнинг фикрингиз билан иш кўрсангиз. Агар бир одамга бир кимсадан зулм ўтган бўлса золимга шундай жазо берсангизки, бу бошқа зулм қилувчиларнинг ҳам кўзини очилишига сабаб бўлса.

Яна бир сўз, арз тинглаш иши тугагач, эрталабки нонушта ҳам бартараф булар, шундан сўнг махсус қабулхона тайин қилинса-да, у ерда ўлтириб сарой хизматчиларини чақиртириб, давлат ишлари ва мол-мулк масалалари ҳақида гаплашилса. Ўзингизнинг фикр ва режаларингизни бошқаларга ҳам билдирсангиз.

Яна бир сўз, саройдаги хизмат қилувчиларга иш топширилган экан, у иш бир кунда битадими, икки ё уч кунда битадими, уни имкон қадар тезроқ битказдириб, у ҳақда маълумотга эга бўлсангиз. Кечроқ битадиган ишни ҳам эртасига ё индинига ёки белгиланган муҳлатидан ўтказдирилмаса. Ҳар бир буюрилган ишнинг қанча миқдори битганлиги ҳақида Сизга маълумот бериб турсалар. Агар топширилган ишнинг битишини белгиланган муҳлатидан ўтказиб юбориб, бу ҳақда хабар бермасалар уларга шундай дашном берсангизки, токи зиммаларидаги ишларига бепарво бўлмасалар.

Яна бир сўз, Аллоҳ таоло ичкиликдан тийинишни ўзи насиб этсин деб, умид қиламиз. Агар, ичкилик истеъмол қилгандан сўнг ухламоқчи бўлинса, албатта пешиндан олдин бўлмаса. Икки намоз орасида шунини йўлга қўйилсаки, белгиланган вақтда ухланса, тонг намозини ўқиш вақти ўтиб кетмаса.

Яна бир сўз, мамлакат ва мол-мулк ишидан ва шунингдек арз-дод этиб келганларни қабул қилишдан холи бўлган вақтларда хорғинликни дафъ этиш учун китобхонага кирилса, кутубхона ходимлари билан бирга шуғулланилса. Муносиб кўрган ўринбосарингизга тарих китобларидан ўқишни буюрсангиз, хусусан «Зафарнома»⁴ни. Агар шайхлар сузи ё баъзи девонлар ҳақида гап боргудек бўлса, у муносиб эмасдир.

Яна бир сўз, судурга⁵ топширилсаки, саройда етук билимли имом билан қори тайинланса ва улар беш вақт намозни ўз вақтида адо этишни таъминласалар, яна муҳтасиб⁶ ҳам тайинланса ва у элни намозга тарғиб қилса.

Яна бир суз, ҳафтада икки кун улуғ даражали зотлар саройда жамъ бўладилар. Ҳофиз Муҳаммад Санонийга яхши эҳтиромлар курсатилса, балки буюрилсаки, ёнингизда ўлтириб шарият ишларини бажариб борса,

токи бу масалада ҳам хотирингизда мувофиқлик⁷ пайдо қилса.

Яна бир сўз, Ироқ мамлакатига фаҳмли ва яхши феълли кишиларни юбориб, доим хабар олиб турилса. Маълум қилиниши зарур бўлган хабарларни ёзма равишда юқорига юборилиб⁸ турилса, у ҳақда юқоридан топширик бўлса, ушанга кўра иш кўрилса.

Яна бир сўз, шаҳар эҳтисоби⁹ ишларига яхши эътибор берилса, ишратхона, фохншахона, қиморхона каби шариятга зид ишларни тамоман ман қилинса. Мухтасиблар ҳафтада икки марта бозорчиларнинг нархларини текшириб турсалар.

Яна бир сўз, судурларга топширилсаки, улар шаҳар масжидларини эҳтиёт қилиб, имом ва муаззиндан—азон чақирувчидан маҳалла аҳлини суриштириб, балки ҳатто одамлардан тилхат олиб намозга тарғиб қилсалар, агар фисқу фасодчилар туфайли улар амри маъруф¹⁰ қила олмасалар судурга бу ҳақда арз қилсалар, судур ўз навбатида шарият қондаси буйнча уларни тақиқласа.

Яна бир сўз масжид имомига тайинлансаки, масжид жойлашган маҳалла аҳлининг ўғил ва ёш болаларига мактаб очиб ўқитсалар.

Яна бир сўз, ушбу тартиб бўйича шаҳарда тайин қилинадиган гуруҳ катталаридан Хожа Фахриддин бошлиқ барчага шу тартибда тайинлансаки, вилоятларда ҳам қишлоқма-қишлоқ шу тариқа амал қилсалар.

Яна бир сўз судурга топширилсаки, у вилоят вақфларидан хабардор бўлиб турса, бузулганни тuzаттирса, зўравон кимсаларнинг қўлида бўлса тортиб олиб, ҳосилини сарфлашга тайёрланса. Бу ишлар судурга буюрилган экан, Хожа фалонга уларнинг (яъни судурларнинг) ишларидан хабардор бўлиб туриш топширилса, ўз навбатида уларга мадад бериб туришда камчиликка йўл қўймаса.

Яна бир сўз, Ҳофиз Муҳаммад Санойй ғаниматдир, унинг шарият масалалари бобидаги сўзлари қувватланиб турилса ва бу иш шарият ривожига сабаб бўлса, Жомеъ масжидига¹¹ бориш тарк бўлмаса. Юқорида айтилгандек, қонда билан жомеъ масжидида ҳам шарият масалалари устида сўзлашилса.

Яна бир сўз, девон бекларига буйрулсаки, ҳар кун девонда ултириб мусулмонлар¹² ишини ҳал қилсалар. Бугунги ишни эртага қўймасалар.

Шуниингдек, сорт девонлар¹³ ҳам халқ ишини ўзлари ҳал қила олганча қилиб, бажара олмайдиғанларини

Сизга маълум қилиб, тегишли кўрсатмалар олсалар.

Яна бир сўз, тавочи¹⁴ бекларига буйурилсаки, мол-мулк ишлари девонида муҳр босувчи беклар қондаси билан тартиб берилган ишга машғул бўлсалар, у ерда ҳам иш тўхтаб қолмаса.

Яна бир сўз, шаҳар доруғасидан¹⁵ беклар билан Хожа Фалон шундай хабардор бўлиб турсаларки, озгина ишдан кўп нарса талаб қилмасалар. Ҳар бир айбдордан қилган гуноҳига яраша журмона¹⁶ олсалар.

Яна бир сўз, бир муносиб киши тайин қилинсаки, Мирзам¹⁷ давлат ишлари билан девонда ўлтирганида содир бўлган ҳар қандай ишни кундалик ишлар қайд этиб бориладиган дафтарга ёзиб борилса ҳамда вақтини ёзиб, қачон у ишни билишга эҳтиёж туғилса мазмуни ва вақти маълум бўлса.

Яна бир сўз, беклар ва девонларга, шушнингдек, парвоначи ва муҳрдор ва муншига буйурилсаки, мусулмонларнинг арзномаларига жавоб қайтаришда тамаъ илинжида жавобни кечиктирмасалар. Шаръий ва қавлий арзномани бир тўртбурчак муҳр билан топширилган кунидек битказиб берсалар. Каттароқ арзномаларини ҳам ҳукмдан қўриқиб, тезроқ битказсалар.

Яна бир сўз, мажлис қуриб чоғир ичишга кўп берилмасангиз, агар аҳёнда зарурат туфайли ичишга тўғри келиб қолса, хизматчиларга тайинлаб қўйилсаки, даврага айтилмаган киши мутлақо иштирок этмаса, қисқаси мажлисда бир тартиб йўлга қўйилса.

Яна бир сўз, юқоридан ҳар қандай буйруқ бўлса, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин — файсалга солмасдан, бошқа ишга берилмасдан буйурилгандек қилиб бажарилса, бажаришнинг имкони бўлмагудек бўлса, унинг ҳам жавобини ёзиб юборилса.

Яна бир сўз, ҳар турли мактубларни юқорига ёзилганда «настаълиқ»¹⁸ хати билан шундай ёзилсаки, ўқинганда ўқувчига ташвиш етмаса, «туркча»¹⁹ хат билан мутлақо хат-ҳужжат ёзилмаса, чунки бу бобда яна бошқа гап бор. Мактубда битилган ҳар бир сўзни имкони борича шарҳлаб ёзилса, токи мактубни юборишдап кузланган мақсадни етказишда англашилмовчилик бўлмасин.

Яна бир сўз, вилоятнинг чекка ерларида яшовчи одамларнинг арзномалари келса иш тезлик билан битириб бериладиган кишиларни кўп куттириб қўйилмаса. Ҳар қайсинининг ўз ҳолига яраша илтифот кўрсатиб, ҳусусан Мир Зайнобиддин томонидан одамларга

бу ғоятда зарур, бу ердаги одат билан у одамларга доимо марҳамат кўрсатилса.

Яна бир сўз, у вилоятнинг бир катта иши даҳоналарнинг²⁰ эгаллаб туришидир. Ҳозирги пайтда кунгил ис-тамас бирорта иш йўқ, даҳоналарга шундай кишилар қўйлиб мустаҳкам муҳофаза қилинсаки, Аллоҳ сақла-син, агар бир иш содир бўлгудек бўлса шунга шай аҳ-волда турилса, умуман чегаралар масаласида бутунлай хотиржамлик бўлинса.

Яна бир сўз, хизмат билан шундай шуғуллансангиз-ки, талабчанлик билан иш юритиб, сарой хизматчи-ларнинг ҳар қайсисига иш буюрилса, улар бу ишни белгиланган муддатдан утказмасалар, ғофиллик билан ичкиликка берилиб бажаришлари керак бўлган иш ҳа-қида маълумот бермасликдан сақлансалар.

Яна бир сўз, отда сайр қилиш, қуш овига машғул бўлиш куп бўлмаса, бундай ишларда меъёрга риоя қи-линса, токи у ишлар туфайли зарурий давлат хизмат-лари четда қолиб кетмаса.

Яна бир сўз, Мирзо навкарлари у ерда хизмат қил-моқдалар, улар Мирзо навкарлари эканлигини ҳисоб-га олиб, уларга иноят ва ҳурмат кўрсатиш кам бўлма-са, аммо уларнинг бирортаси томонидан қонда бузиш содир этилса, текшириш ва жазодан маъзур тутилма-са.

Яна бир сўзимиз, тавочи бекарга топширилсаки, посбонларни қатъий равишда тайин қилиб, посбонлар назоратчиси ҳар кун уларнинг ўз зиммаларидаги жой-га келган-келмаганларини яхши тергаб борса, токи қуриқлаш ишида тартиб-интизом бушашмаса.

Яна бир сўзимиз, девонийларга топширилсаки, чет-атрофдан келган савдогарларга яхши эътибор берилса. У вилоятда «тамға» деган гап бўлмаса. Закотни тўлаш-дан улар озод этилсалар. Закотчилар ишидан заруран ойма-ой, балки ҳафтама-ҳафта текшириб, бу ҳақда маълумот бериб турсалар. Кичикроқ хато иш қилганга каттароқ жазо беришнинг зарари йўқдир, то бу овоза олам мамлакатларига ёйилса, савдогарларнинг яна қайтиб келиши купроқ бўлса.

Яна бир сўз, бундан ортук «арзимас» гапларни Сиз-га баён қилинса, уларни ўқишда малоллик бўлар. Аммо, барча ишда Аллоҳ таолони ёдда тутишни унутилмаса, шунингдек, Мирзонинг ҳам хотирингизда тутсангиз, бу икки иш дину дунё саодатига эришишингизга сабаб бўлса.

Илтимо с қиламизки, бу ёзилган номангизни Мавлоно Дарвеш Муҳаммадга²¹ топширилса, ҳар икки-уч кунда бир марта ҳузурингизга чақириб, ёзилганлар ҳақида мулоҳаза юритсангиз, яна тайинласангизки, мабодо хотирдан кўтарилиб, ҳузурингизга чақиришни унугсангиз, унинг ўзи ҳар икки-уч кунда олиб келиб эътиборингизга ҳавола қилса. Шунингдек, ушбу «ҳаддимдан ошиб» баён қилганларимдан қайси бир иш мен айтган йўсинда амалга ошгудек бўлса, уни шарҳ билан Мирзо ҳузурига ёзиб юборсангиз.

57

Қуллуқона дуодан сунг шуни маълум қиламизки, июнот ила ёзиб юборган номангизни олиб ғоятда мамнун бўлдим. Ҳамиша биз каби қўл остингиздагиларга эътиборда бўлгайсиз.

Шеър:

Етишти руқъанг овора қилди кўнглимни,
Не руқъа эдики, юз пора қилди кўнглимни.

Давлатингиз абадий бўлсин.

58

У қатор туяларки, айрилиқ кунда кузимдан тўккан қатра-қатра ёшларимдан намуна деса булади ва у оқ ўтовни¹, фироқ айёмида тўккан ёшларимдан ҳосил бўлган (кўлмак юзасидаги) пуфакчалардан нишопа деса булади — етиб келди. Унисн (яъни қатор туялар) раҳмат фаришталаридан ҳам кўра шарофатли ва буниси (яъни ўтов) саодат осмонидан ҳам кўра юксак кўринди..

Маснавий:

То осмон туялари² қатор тураркан,
То тулин ой оқ уй — осмонни ёритаркан.

У туялар сарбонингга буйинсунсин,
Осмон эса мол-мулкингга чодир бўлсин.

59

Маснавий:

Боғ хазонлари аро норанж¹ тусдан кўнглим қолган,
Зеро, айрилиқ хазони аро юзим норанж каби сарғайган.

Хазонли боғ аро ул ой тану чехрамни кўрган чоғ,
Дегайки: бир қуруқ шох устида қолибди бир сариқ
яфроқ.

Қуллуқона дуодан сунгра шуни маълум қиламизки,
илтифот ила бизга йўллаган мактубингиз келиб тегди;
зилол томчилар каби мазмуни фироқ утига сув урди
ва лаълдек сузлари дил ярасига малхам булди.

Б а й т:

Нома эмас, балолардан асровчи жон тумори² эди манга
Хажр тиғи қатлидан қутқарган авф фармони³ эди
манга.

Ўзингиз яна бизни унутмай гоҳо-гоҳо Мирзо⁴ ҳузу-
рида эслаб турсангиз.

Б а й т:

Биринчидан, улик танимга жон бергай,
Иккинчидан, мангу ҳаёт бахш этгай.

Икки дунё саодати (Сизга) муяссар булсин.

60

Р у б о н и:

То ҳажр асиру дилфигор¹ этти мени,
Дашт узра қуюндек ошкор этти меня,
Девона мисол беқарор этти мени,
Саргашталиқ² ичра хоксор³ этти мени.

Қуллуқона дуодан сунг шуни маълум қиламизки,
иноят ила йўллаган мактубингиз келиб тегди. Унинг
мазмунидан ҳижрон тиғи билан ўлим топганлар жис-
мига тириклик суви етишти ва саҳифасининг оқлиги-
дан фироқ туни шаҳидларига боқийлик тонги етишти.
Бу нома мазмуни билан мендек заррани қуёшга етказ-
дингиз ва мендек туфроқни фалақдан ҳам юқорига кў-
тардингиз. У заиф танга куч ва нозик жисмимизга сиҳ-
хат етишишига сабаб булди.

Шу тариқа нома билан мени гоҳ-гоҳ ёд айланг,
Синиқ хотирмнню гамгин кўнглимни шод айланг.

Бу ердаги мулозимлар ва халқ хушвақтдирлар. Умид
қиламизки, яна кундан кун яхшироқ бўлгайлар.

Давлатингиз боқий ва барқарор булсин. Омин, ё
раббил оламин.

Бадномлик² майхонасининг маст-аластлари ва бетайинлик паймонасининг³ доимий майхурлариким.

Муттасил ҳабиб⁴ зикри билан ичдик,
Унинг карами билан яратилганлик завқидан маст бўл-
дик.

Ва

Шишанинг нафислиги ва майнинг лазизлиги
Бир-бирига ухшаш ва монанд ҳодиса.

Май қадахсиз бўлмаганидек,
Қадах ҳам майсиз бўлмағусидир.

байти уларнинг чолғу куйлари; (байтлари) буларнинг
қўшнқларидир.

62

Рубоий:

Покиза хос хонанг нурларга тулсин,
Ифбат чамани тахтинг маскани бўлсин,
Иқбол осмони оёғинг хоки бўлсин,
Ҳамиша Тангри таоло паноҳинг бўлсин.

Қуллик дуосидан сунгра шуни арз қиламизким, хиз-
мат тақозоси билан юзага келган айрилиқнинг шидда-
тини ифодалашга қалам ожиз ва хизматкорлик юзаси-
дан ажралишнинг азобини ёзиб баён этиш мушкул.

Б а й т:

Васл насимидан бахраманд киши шоду хуррамдир,
Қадрига етмаса гар жазоси ҳажру ғамдир.

Умид қиламизким, июнат чаманидан васл насими
ёсиб, фироқ тупроғининг хас-хашагини учириб юборгай
ва ҳидоят¹ булутидан қурбат² ёғини ёғиб, хижрон ути-
нинг чуғ ва шуъласини учиргай.

Бу вилоятга келгач, бу ерда содир бўлган ишлар
хақида юқорига хат ёзиб, фалончидан бериб юборил-
ган эди. Хатда ёзилганларга чора қилиб, уни олиб бор-
ган кишини тезроқ қайтарилса.

Б а й т:

Зухал³ юлдузи хизматкоринг бўлсин,
Куюш доим бошингда парвона бўлсин.

М а с н а в и й:

Айрилиқ хазони аро қолдим баҳоримдан йироқ
булиб.

Юрарман ит мисолп шаҳаншоҳимдан айрилиб,
Истагим — Луқмон каби қанот боғлаб учиб кетсам,
То ул остонага етсамда бандалик аён этсам¹.

Куллуқона дуодан сунг шуни маълум қиламизки,
Луқмон² келди, бошқа хизматкорларга илтифот қилиб
юборган тухфаларни олиб келиб топширди. Ҳаммала-
рининг бундан бошлари кукка етиб Мирзо давлатини
яна ҳам юксалишини Аллоҳдан тилаб дуо қилдилар.
Бу ердаги бошқа гапларни мактуб орқали ёзиб юбо-
рилгани учун яна қайтадан ёзиб ўтирмадик.

Ем отлари билан ёмхоналар³ иши яхшия эмас, бу
ҳақда хузурингизга юборилган одамларимизга ҳам
баён қилиш топширилган эди. Умид қиламизки бу ар-
зимиз маъқул кўрингай, деб қуллик арзимиз ёзилди.

64

Р у б о и й:

Сиз юборган кийимлардан бу таним шараф топти,
Ҳам ундан заиф жисмим шунчалар эъзоз топти,
Шафқатли мактубингиз кўнглимни хушнуд этти,
Кундан кун ортаверсин мулкингиз баракоти.

Илтифот қилиб бизга юборилган саруполардан ҳиж-
рон дузаҳида азоб тортаётган¹ заиф жисмимга висол
жаниатидан раҳмат либослари ёпилгандек булди ва
хайит оқшомида оҳорли кийимлар кия олмай мунгли
ҳолатга тушган етим болалардек эдим, иноят хазина-
сидан каромат деболари² келди.

Арзимиз шулким, хизматкорлик тақозоси билан
юзага келган ушбу айрилиқнинг шарҳини баён этиш
варақинг тутаб ёнишига ва қаламнинг қайғу шуъла-
си остида қолиб кетишига сабаб бўларди. Шунинг учун
бу ишга қул уришни муносиб кўрмадим.

Икки дунё давлати (Сизга) муяссар бўлсин, омин.

65

Б а й т:

Айрилиқ тугёнидан оҳим ути кукка етар,
Дилбарим гар раҳм этмаса бу ўтдан ҳолим нетар.

Қуллик дуосидан сунгра шуни арз қиламизким, илтифот қилиб мактуб орқали бизни ёд қилган эдингиз, у хурсандчилигимизга сабаб бўлди. Тангри таоло давлатингизни (бундан ҳам) орттирсин, умрингиз узун бўлсин.

Номанг ғамимни миигдан бирга етказди,
Тангри берсин бир ёшингга минг ёш.

Ёзибсизки, Мирзо¹ ҳузурида Сизни эслаб йиғларман.
Эслаб юришингизга розиман, йиғлашингизга эса йўқ.

Дема ҳажрингда манга одат бўлубдур йиғламоқ,
Шод бўлгилким, манга қисмат бўлубдур йиғламоқ.
Давлатингиз барқарор бўлиб, саодат ҳамиша
сизга ёр бўлсин.

66

Бир мактубки, саҳифасининг оқлиги ярали кўнгли жароҳатига малҳам бўлгуси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган кўзга¹ равшанлик берувчи қорачиғ бўлгусидирким, бу ҳижрон дарди бечорасини² ва айрилиқ дашти оворасини ушбу хат билан муқаррам қилган экансиз — келиб тегдя.

Мазмунидан кўнглим ўти кам бўлди,
Сўзларидан дилим шод-хуррам бўлди,
Ҳижрон сўзи гарчи ғамга сабаб бўлди,
Кўришмоқ умидида шодлик ҳам бўлди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул малак сифат зотни³ фалак ҳодисаларидан асрасин ва ул жаҳон подшоҳини ҳодисалар ғуссасидан омон сақласин, омин.

67

Ҳам тутилмиш жон кўнглидан ҳам кўнгул жондин
манга,
Мен аларга хасм¹, алар ҳам дард ҳижрондин манга.

Қуллик дуосидан сунгра арзимиз шулким, илтифот қилиб бизга йўллаган номангиз келиб тегди.

Б а й т:

Йўқ-йўқки олиб қошимга қўйдум уни,
Кўзга суртуб бошимга қўйдум уни.

Агар бу айрилиқ ўтига дучор бўлган ҳолатда у тарафдаги савод зулматидан тириклик сувининг марва-

Ҳид томилари келмаса эди, у ўтга нима таскин берар
эди ва бу ҳижрон шомига гирифтор булган маҳалда
тонгинг оқарган уфқидан умид қуёши кўтарилмаса
эди бу қоронғуликни нима ҳам ёрита олар эди?

Ҳаётингиз суви тоабод оқаверсин ва давлатингиз
қуёши қиёматгача завол касофатидан холи булсин,
омин.

Б а й т:

Ҳилол кошнинг фироқида қаддим эгилди,
Нихол қаддинг савдосида бағрим сув бўлди.

68

Б а й т:

Боғдан шаббода келдию гул ҳидни келтирмади,
Не тиконларки, бу ғамли кўнглим аро санчилмади.

Қуллик дуосидан сўнгра шуни арз қиламизким, ах-
тачи¹ келди, мулозимларнинг² кайфият ва соғлиқлари
хабарни ёзилмаган эди, бу синиқ кўнглимизда ғам ва
бузуқ ҳаёлимизда алам пайдо бўлишига сабаб бўлди.
Умид қиламизки, Ҳақ таоло у синиқ кўнглимиздан ва
бузуқ ҳаёлимиздан бу ғам билан аламини дафъ қилғай.

Б а й т:

Дунё тургунча мартабангиз булсин,
Аллоҳ доим сизга ҳомийлик қилсин.

Б а й т:

Хабарчи келдию йўқ эди унда ёрнинг хабари,
Сувсиз экинга булут келдию йўқ эди нами.

69

Б а й т:

Баски, ҳижрон ҳар замон кўнглим аро юз ғам солур,
Ногаҳон курса бирини шод одам ҳайрон қолур.

Қуллик дуосидан сўнгра шуни баён қиламизким,
гоҳи-гоҳида илтифот қилиб бизга юборадиган мактубин-
гизни ўқишимдан айрилиқ дарди йўқолади ва уни му-
шоҳада қилишимдан ҳижрон алами дилдан кўтарила-
ди, шундай булса-да нимадир камроқ бўлибди.

Б а й т:

Толёним шундай бўлгач мён Ғарибни кўрган иши;
Бундан ҳам юз карра ажаброқ мумкин бўлиши

ва лекин:

Б а й т:

Ҳар қачон лутф қилсанг агар банданг бўлай,
Дам-бадам жафо қилсангда мен банданг бўлай.

Аммо, шундай булса-да инсон табнати одатдаги
лутф ва иноятни умид қилар экан ва кўнгул ўрганган
ниҳоятсиз шафқатни орзу қилар экан.

Поклик ва давлатмандлик қасри кўкка етсин ҳам-
да нфбат ва шавкат саропардаси¹ сидрафарсой² бўл-
син, омин.

Б а й т:

Кўзингни Тангри дойим шоҳ жамоли бирла ёритсин,
Ёмон кўздан сени, сендан ёмон кўзни йироқ тутсин.

70

Р у б о и й:

Ҳам чарх бисоти тахтинг саҳни бўлсин,
Йўқ-йўқ бу чарх, ой ва кун қадамнинг хоки бўлсин.
Ҳам ой шакли аскаринг отига тақа бўлсин,
Ҳам кун сайри қазо ўқидан паноҳинг бўлсин.

Қуллик дуосидан сунгра шуни арз қиламизки, илти-
фотингиз ила юборилган мактубнинг туғроси¹ учун
мисоли қуёш олтуни билан фалак садафига безак бе-
рилгандек эди ва муҳри учун мисоли Муштарий² юзи-
га муборак лақаблар ёзилган эди — етишти. Ана шун-
дай олий мисолни бошимга қўйдим — мартабада бо-
шим қуёшдан ҳам ўтди ва бахтиёрликда юзим Мушта-
рий юзига етди. Шоҳона кийимлар шунга сабаб бўлди-
ки, қуллик³ либосини бир-бирининг устидан кийгайман
ва ипак белбоғ шунга сабаб бўлдики, қулликка⁴ бе-
лимни икки еридан боғлагайман ва от сабаби шу бўл-
дики, яхши от билан олам аро от чиқаргайман⁵ ва чи-
ройли юриш билан осмон атласида туриб таъзим қил-
гайман. Бу илтифотларнинг жозибаси⁶ шундайки, у
иродат риштаси билан ўзига тортиб келтиради ва бу
шафқатларнинг тортувчанлиги шундайки, муҳаббат
илгаги билан илаштириб олиб шундай югуртирадики,
на олий даргоҳ⁷ хизмати орзусида қарор бор ва на у
орзуни қилмоққа ихтиёр.

То осмон бор экан у осмонсифат даргоҳ⁸ фалак қадарларнинг саждагоҳи бўлсин ва го қуёш бор экан, у кукка етгувчи сарон⁹ қуёш сифатларнинг паноҳи бўлсин.

Б а й т:

Олам аҳли буийн эгсин амрнингга хар дам,
Улар қаторида булай мен нотавон ҳам.

71

Эй тонг ели, гулшанга дилдаги розимни¹ етказ,
Не роз, жон ўртовчи нолали сўзимни етказ.
Гул бошида айланиб, сарв оёгини ўпиб,
Купдан-куп қуллуқу утинч—зоримни етказ.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизки, фироқ бурчида овора бўлиб юришимизнинг баён қилиш дил хиралигига сабаб бўлади ва малолликка боис бўлади, деб ундан озгина бўлсин изҳор қилишни маъқул қурилмади².

Яна арз шулки, бизга курсатилган илтифотларким, хар бири Чин сувратхонаси ва жаннати олийнинг рашки эди, хар биридан хиралашган кўзга нур ва бузилган кунгулга сурур етишти. Ва яна салтанат қутисининг соф дурн ва халифалик осмонининг порлоқ юлдузи Султон Муҳаммад Мирзо³ — Аллоҳ унинг умрини узун ва давлатини бардавом қилсин, ҳақида ёзилган эди, у хурсандчилликни қайси тил билан қаламнинг ифода-лашга салоҳияти ва қайси рақамнинг баён қилишга қобилияти бўлсин. У қимматбаҳо дурни Тангри таоло Мирзо⁴ билан Бегим⁵ учун доимо уз паноҳида асрасин ва у юксак осмон юлдузини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мирзом⁶ билан Хоним⁷ учун доимо порлоқ ҳолда асрасин.

Шунинг билан бирга ҳамишалик давлат ва абадий саодат барқарор булсин, омин.

72

Мирзом¹ хузурига қуллуқона дуо ва тилаклардан сўнг шуни баён қилмоқчимизки:

Б а й т:

Оламга берсин доим кутлуғ кадамидан зебу хусн,
Туғилмиш Муҳаммад Бадиъ ибн Музаффар Ҳусайн².

Қ и т ʼ а:

Талаб баҳорида боғинг гулбунни³ етиштирди;
Бу гулбунда яна тоза⁴ гуллар очилсин.
Умид боғида ниҳол эккандинг, у гул берди
Гулингни энди Аллоҳ, уз карами ила мевали қилсин!

Бу салтанат осмонининг юлдузиким⁵, шараф буржидан нур таратган экан, нуридан дунё қоронғулигига чекинсин ва бу хилофот бустонининг⁶ атиргули саодат чаманида жилва қилган экан, тароватидан олам вайроналари гулшанга айлансин. Бу фарзанд ота-онасига⁷ ҳосил ва бува билан бувисига⁸ соябон ҳамда оналарга⁹ зийнат бўлсин.

Р у б о и й:

Хам шоҳ бошидаги тожга бебаҳо дур бўлсин,
Хам халққа Аллоҳнинг сояси бўлсин,
Хуросонга муборак бўлган экан,
Машриқдан Мағрибгача муборак бўлсин.

Б а й т:

Тирик бўлсам узимни висолинг базми нчра ургайман,
Фироқинг зурлигини айтолмасам, албатта йиғлай
олгайман.

73

Р у б о и й:

Не нома эдики кетказар дилдаги ғамни,
Ёр қўлига олиб қоғоз билан қаламини,
Қоғоз узра қалам чекиб рақамни,
Қим, хати ҳайратга солди лавҳу қаламни.

То шафақнинг ранго-ранг саҳифаси қуёш соққасидан¹ жило топар экан, у саҳифа сунъ котиблари килкидан шоҳ мадҳида айтилган шоҳ байтлари билан чирой ва зийнат топсин ва то у саҳифа наққошлари ҳунаридан собиту сайёр² билан зарга буркангай — шаҳаншоҳ васфи шоҳона гавҳарлар билан чирой кўрсатсин. Не икки байт эдики, икки сарой ҳосилини унга фидо қилеам ҳеч иш қилмаган бўламан ва не назм ва наср эдиким, жопу кўнглим жавҳарларини сочсам ҳам қадрини билмаган бўламан, назмининг раъноларида юз ноз ва насрнинг зеболарида минг роз.

Рубоий:

Наср унда охиру бошланиш эди,
Унинг ҳар сўзи айни муъжиза эди,
Ҳар турли хат унда сирли пардоз тошган эди,
Айб эмас гар десам хатти роз эди.

Байт:

То жаҳондур умру давлат пойдор³ улсун санга,
Салтанат тахти уза дойим қарор улсун санга.

74

Қуллуқона дуодан сунгра шуни баён қиляпмизки, иноят қилиб бизга юборган номангизда ҳақиқатпаноҳ — Аллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин ва жойини жаннатдан қилсин — ҳазрат Нуранинг¹ вафотлари ҳодисаси муносабати билан биздан кўнгил сурагани эдингиз. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул ҳазратнинг малакисифат зотини олам аҳли учун куп йиллар боқий ва бардавом тутсин. Ва давлатларининг қуёшини абадий ва порлоқ сақласин².

Муборак хотирингизга равшанки, «Ер юзидаги барча жонзот фонийдир»³ деган сўзларга кўра ҳар кимгаки боқийлик қадаҳидан баҳраманд бўлиш насиб этиб, хушқайф бўлган экан, унга дунёдан ўтишлик хуморини⁴ тортмасликнинг ҳам иложи йўқ ва «Барча нарса ҳалок бўлгувсидир, лекин Унинг ўзигина мангудир»⁵ ояти мазмуни билан боқийи мутлақ ва ҳайи барҳақ⁶ вужудидан бошқа барчага ўлим заҳри солинган қадаҳни ичмасликнинг чораси йўқ. Ва бу ўткинчи дунё жаннат йўлида бир сарманзилдурки⁷ «Дунёда ғарибдек ва мусофирдек бўл»⁸ сўзлари ундан хабар беради. Ва Аллоҳ йўлига кирганлар бу йўлдан ва бу манзилдан огоҳдурлар — уларига бу водийни босиб ўтишни осон ва ўткинчи дунёнинг бору йўғини яқсон қилиптилар. Улар бу мушкул ҳодисадан «тақводор зотлар жаннатларда Қодир Подшоҳ ҳузурдаги рози бўлинган ўринда бўлурлар»⁹ калимасига қалбан хоҳишлари кўпроқ ва шавқлари бу тарафга қараганда у тарафга ғолиброкдир.

Аммо, фақир кишилар уларнинг¹⁰ шарофатли зотлари баракотидан ва жонбахш сўзларининг оби ҳаётидан маҳрум қоларканлар, бу ҳол абадий мусибат ва доимий мотамга сабаб бўлгани кабидир. Аммо, у ҳаз-

ратдек¹¹ сурғувчи булса кўнгил ғамидан не ғам ва хотир аламидан не алам.

Рубоий:

Боқийлик майдан мает бўлса Жомий,
Жаннат сувидан булсин унинг таомн,
Шоҳ қадаҳи ичида эса лоларанг шароб
Яна ҳам тўла булсину юксалсин номн.

75

Унинг¹ ҳузурдаким:

У эрур барча султонларга султон,
Аллоҳ уни энди айласин хон

бош уриб унинг даргоҳида итоатдаким:

Ворислик осмонида ундоқ қуёш булмагай,
Тахти Санжар узра шоҳдир Абулмуҳсин²

унинг остонасидаким:

Шон-шавкатда поклик шоҳи бўлиб танилган,
Поклигидан исми унинг Муҳаммад Маъсум³

унинг даргоҳидаким:

Салтанат жисмига қуёш нуридир,
Музаффар Ҳусайн⁴ ибни Султон Ҳусайн.

Байт:

Шоҳ хизматида улар мендан узини шод этмоқчи булса
Илтимосим шуки, гоҳо мени ҳам эслаб ёд этгай.

Яъни, Сафиябека⁵ хизматларига тилак ва дуо қилган ҳолда мажлис аҳлининг жавоблари:

Шоҳ даргоҳида азизу соҳиб қадр,
Замона қуёшининг нури Сайд Бадр⁶.

Отадан энди туғилмас ундай ўғил,
Шоҳнинг яқин хизматчиси Мирн Муғул⁷.

Шоҳга жонини нисор этгувчидир у
Шоҳга Ҳусайн ҳам унга жонини берур.

Шоҳ давлати соясида қадаҳкашу⁸ гуҳарнош⁹
Ким, уни дерлар Муҳаммад кўкалтош¹⁰.

Аллоҳ карамига муяссар бўлсин,
Оти бўлгани каби Маҳмуд.

Шоҳ базмида қадаҳ тутқувчи,
Мир Дарвеш Муҳаммад сувчи.

Чалган куйи зоти каби мулоғим,
Бошида хизматдан бошқа нарса йўқ доим.

Эгрида¹¹ келиштириб куй чалувчи
Яъни чангчи устознинг фарзанди.

Яна шоҳ хизматида ботир,
Ҳамсуҳбат ғамхуру банда бобо.

Яна бир дустимизки софу покдир,
Ҳам вафолигу ҳам жафо тортғувчидир.

Барча фазилатларда тенгсизу бебадал,
Отидек бўлгани каби унинг Афзал¹².

Барчасининг хоксору хоки пойи,
Ғариби бенаво, яъни Навоӣи.

Дуо қилиб бу тариқа айтмоқчики,
Шоҳ базмида майдан кайфингиз чоғ экан.

Бордийу йўқотган итларини ёд этса шоҳ
Мени ҳам қилгайсиз ёд гоҳ-гоҳ.

76

М а с н а в и й:

Гузал руқъанг ҳаётимга восита бўлди,
Дилдаги ярамга малҳам пилиги бўлди.

У пилиг билан ярамга малҳам етишти,
Қонлиг кунглуму жигар дардига даво етишти.

Зикр этилган мактубким, менга қилган илтифотингиз даракчиси эди ва бегона кўздан яширин ҳолда етиб келган номаким, саломатлигингиз хабарчиси эди — ундан ҳазин хотиримизга хотиржамлик ва ғамли кунгулга хушҳоллик етишти.

Ёзибсизки, сен муқаррар қилган ишларни баъзи

ёронларнинг номунофиқлигидан амалга ошириш мушкул. Одамларнинг талаб-истаклари муайян бир мақсадга зид экан, мақсадга мувофиқ ишни амалга ошириш қийиндир. Аммо, яхши табиатли ва тўғри мулоҳазали кишига хос иш шуки, қила олганча ўзини ҳимоя этолса, ва ўз феъл-атворини мулоҳаза қила олса, унинг томонидан биронта номақбул иш содир бўлмагай ва биронта сурат юз курсатмагайки, Аллоҳ ва одамлар олдида маълум бўлгувсидир.

Сиз қила олганча ҳамма ишни Мирзо¹ давлатига муносиб ҳолда қилиш ҳаракатида бўлинг, ривоят қилсалар давлатлари бўлгай, қилмасалар сизнинг яхши фикрлилигингиз натижасини Аллоҳ ўзингизга қайтаради.

К и т ъ а :

Ўзаро зид бўлган тўрт унсур²
Таркибан инсонга мувофиқ келгай.
Холис мулоҳаза қилиб кўр ўзинг
Зиддиятли нарсаларни мувофиқ қилгай.

Мувофиқлик Сизга ёр бўлсин, омин.

77

Б а й т :

Оламни ёритувчи қуёш бўлсайди агар жамолинг кузгуси,
Жаҳон тунини ҳам тутган бўлур эди ёғдуси.

Қуллик дуосидан сўнг шуни арз қиламизки, сиз июнот қилиб юборган туҳфаларким, қизилидан айрилиқдаги қора кунларимда юзта порлоқ қуёш порлаб чиққандек бўлди ва оқидан¹ ҳижрондаги қора кунларим тунда минглаб юлдуз жилваланиб нур сочгандек бўлди ва нафис ипакли матодан тикилган либосларким, мажнунлик мотамидан чиқишим нишонаси эди ва ваҳйсифат мактубким, ҳазинлик ғамидан қутулиш белгиси эди — келиб етди. У икки² нарса билан висол сармоясидан бой бўлдим ва бу икки³ нарса билан айрилиқ сармоясизлигидан ҳеч нарсага эҳтиёжсиз бўлдим. Қуёш олтин тангаси кўрингач юлдуз дирамлари йўқолгай ва тонг матоси ошкор бўлгач кеча полоси кетгай.

М а с н а в и й :

Тўлин ойу қуёшдан муттасил,
Сочилсин бошинг уэра оқу қизил⁴.

Дунё мартабалари кириб кўлингга,
Фалак ҳам бош эгсин буйруқларингга.

78

Рубоий:

Эй давлат қуёши учмоқ бўлсанг ёр васлига
Чангалингни ургин бу пора-пора кўнгулга,
Ҳалол луқманг бўлсин, егин бир парчасини,
Қолган парчасини ташла ёр итлари олдига.

Қуллик дуосидан сунгра шунини арз қиламизки, бу банданиким у даргоҳ хизматкорлигига бўлган садоқатим ёру диёрдан кетказиб ва у сарой хизматига берилганлигим сабру қарордан узоқлаштириб, бу вилоятда маскан топтим, бу — самимий эътиқодим натижаси эди¹. Ҳам шоҳнинг хос навкарлариким, қадамлари чанги сурмасидан адолат ва мадад кузлари равшан ва сочилган аскарларким, тиглари сувидан фатҳ ва зафар биёбони гулшандир — бу тарафдаги вилоятда келиб жойлашдилар².

Маснавий:

Қошингни қори сийми ноб³ бўлсин,
Саҳоби қоқуму синжоб бўлсин⁴.

Май ул сийм устида ёқути маҳлул⁵,
Тутуб ёқут хат соқийи мақбул.

Сен ул соқийу ул май бирла хушҳол,
Очилғунча баҳори айшу иқбол.

Баҳор ўлди чу бахти комрондин,
Ани ҳақ айласун эмин хазондин⁶.

Шу тариқа давлат муяссар бўлди ва шу хилда саодат юз кўрсатди — қуёш оташи буржга киргандек, у салтанат осмонининг қуёши⁷ қишлашга етишганлиги бахти ва арслон утлоққа чиққандек, у халифалик ўрмонининг шерини тоққа юзланганлигининг шодиёнаси билан қутлагани ва буларнинг зиминда камини узининг бошқа қуллар ёнига келганини ва умум бандалар қаторига кирганини баён қилгани эътимодли⁸ ва ишончли дўст Хожа Хофиз Гиёсиддин Муҳаммад Дехдорни⁹ хузурингизга юбордим. Умидим — унга илтифот назари билан қараб душманлар кўзидан яширғайсиз.

М а с н а в и й :

То жаҳон бор экан унинг шоҳи бўл,
Олам элининг жаҳонпаноҳи бўл.

Васфингни қилишга эл тили ожиз,
Зотингни Ҳақ таоло қўллагай шаксиэ.

79

Б а й т :

Бўлмас эрмиш жилвагар сарви хиромоним менинг,
Қим, аёғига фидо бу нотавон жоним менинг.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизки,
нишон¹ мазмунидан маълум бўлдики, эски касаллик яна
пайдо бўлипти. Бу хабарни ўқигач,

М а с н а в и й :

Шунчалик беҳабар бўлдим ўзимдан,
Йўқолди ҳам нур бу икки кўзимдан.

Кўп урдим дарду меҳнат² тошига бош,
Ки синди ҳар тарафдан бошу ҳам тош.

Ва лекин бу мудҳиш хабар кетида сихҳат сўзи битилган эди ва у касаллик охирида шифо кайфияти ёзилган эди, у ғамгин кўнглимнинг таскин топишига сабаб бўлди ва алам ўтлари сўниб, ором олишга боис бўлди.

Р у б о и й :

Гулдек баданинг бўлиб саломат, ё раб,
Шамшодингга бўлсин истиқомат, ё раб³,
Бир умр ҳақ айласин каромат, ё раб
Қим, кирсин орасига қиёмат, ё раб.

80

Б а й т :

Навбаҳор бўлди-ю бир гул ҳажридан бадҳолман¹,
Мисли куз фаслидаги сайрамас бир булбулман.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизки, Сиз илтифот қилиб юборган ва менинг фахрланишимга сабабчи бўлган мактуб етиб келиб қўлимизга тегди. Саҳифасининг оқидан фироқим шомига иқбол тонги юзланди ва ҳарфлари қоралигидан ҳижроним кунига ви-

сол шони зоҳир булди. Аммо, Мирзонинг² муборак баданларига касаллик юзланганлиги жиҳати ва у хасталикка шифо топиш кайфияти борасида ҳеч нима изҳор қилинмаган эди ва у ҳақда бир оз бўлса-да хабар битилмаган эди. Бундан кунгилга изтироб ва хотирга ноҷорлик юзланган бўлса-да, бу иш хасталикнинг арзимаслигига далолат бўлар ва сиҳҳатнинг тезроқ топилишидан хабар берар эди, бу яна ҳам суюнишга сабаб ва хурсанд бўлишга боис бўлди.

Умр асоси абадий ва давлат биниси боқий булсин, омин.

81

Рубоий:

Ул даргоҳдан мақбул элчи келди,
Фалакдан шундайин пайғамбар нузул қилди¹,
Бахтиёрлигига боқсалар гар оқил инсонлар,
Ҳам деса булур элчию, ҳам расул авлоди.

Қуллуқона дуодан сунгра шуни маълум қиламизки, Сиз илтифот қилиб юборган мактубким, саҳифасининг рангинлигидан жон гулшанида ўтдай қизил гуллар очилганидан ва мул-мул лолалар сочилганидан бир намуна ва хати у гулу лола орасида мушки ноб² сепилган ва сунбули³ сероб экилганидан нишона кўрсатар эди — етиб келиб қўлимизга тегди. Гулнинг ҳар бир япроғи бузилган кунглим боғига зийнат берди ва лоласининг ҳар бир чироғи қорайган кўзим уйини нурга тулдирди. Илтифот қилиб тухфалар юборган экансиз, уларга нисбатан арзийдиган қандай шукрона айта оламан ва не узр ёза оламан.

То фалакнинг тўқ мовий тусли осмони қуёшнинг шуъласидан тилла рангга бўялар экан, у қулларингиз⁴ эғнига зарбофт тўн бўлиб тикилсин ва то қуёшу юлдузларнинг оқу қизил дирамлари осмон қатламларини безар экан, улар бандаларингиз⁵ бошига сочқин бўлиб сочилсин.

Байт:

Номани ёзган чоғда, қон ёш тукди кузим.
Оқ варақ гулранг булди, токи сочти қон кузим.

Рубоий:

Лойиқ эмас ундан асло нола билан оҳ ғариб¹,
Ғариблик истар агар у бўлса огоҳ ғариб.

Бир киши ўзга юртда мусофир юрган бўлса,

Ундан албат аҳвол сўрар жаҳон шоҳи—Шоҳ Ғариб.

Қуллуқона шунн маълум қиламизки, бизга мактуб
пуллаган зотнинг ғарибпарварлигиким, бу афтоданинг²
қувонч ва мамнунлигига сабабчи эди ва унинг банда-
парварлигиким, бу кунгли шикастага³ ёқимли кайфият
берди, яъни:

Б а й т:

Ул руқъаки, сочиб эди кофур⁴ уза анбар,

Ҳар нуқтаси⁵ мушк⁶ эрдию ҳар нуқтаси⁷ гавҳар —

етиб келиб қўлимизга тегди. Нуқтаси мушкини кўзим
корачиғи устига қўйдим ва нуқталари гавҳарини жон
риштасига чекдим, ундан кўз уйи нурга тулди ва жон
кулбаси бундан зебу зийнат топти. У шоҳлар ғарибни
Ҳақ таоло ўз паноҳида асрасин ва у ғариблар шоҳини
Тангри таоло мурод жилвагоҳида омон тутсин.

М а с н а в и й:

Жаҳон бор экан, муроднинг сенга ёр бўлсин,

Ишингга дам-бадам кушод⁹ бўлсин.

Ҳам кушоднинг мурод сари яқинлашсин,

Ҳам муроднинг кушод билан яқинлашсин.

83

То ҳар кеча бинафшаранг осмон юлдузлар билан
зийнат топаркан, ул ҳазратнинг¹ осмон мисол тахти
юлдузлар каби барқарор ва боқийлик гулмихлари би-
лан мустаҳкамлансин ва то саҳар гулистони қуёшнинг
тилларанг гулларни билан зеб тутар экан, оламшумул
ҳукмдорлик урни қуёш мисол боқийлик ёстиғи билан
орапта ва бардавом бўлсин.

Қуллуқона дуодан сўнг арэмиз шулки, то у саодат-
ли мавкиб² ғубори кўзлардан йироқлашипти, кўзлар
фироқ зулматидан қоронғулашиб, уша ғуборни тўтиёлик-
ка топиб бўлмайди.

Б а й т :

Дедимки, сурма қилай қадамларинг чангини,
Фигонки, топмади кўз тутнеликка³ гардингни.

Ва то у кундан кунга ортиб борувчи давлат остона-сининг тупроғи юзлардан айрилибди, юз томон⁴ юз қўй-моқ учун юз уриб ўша тупроқни кимеликка топиб бўлмайди.

Б а й т :

Губори остонинг не ажойиб кимё эрмиш,
Ки, рухсоримға⁵ онинг ҳажри олтун рангини бермиш.

Модомики, бу айрилиқ шиддатидан тил лол ва бу иштиёкнинг зурлигидан қалам ожиз экан хома⁶ тилининг равонлигидан не фойда ва тил хомасининг гавҳар сочишидан не натижа.

Шунинг учун биз бечораларга дуо қилпш билан қаноатланишдан бошқа чора йўқдир ва биз дардмандларга хаёл билан ўзни овутишдан ўзга даво йўқдир.

То айланувчи фалакнинг тўққиз дастурхони юлдузлар дирамлари билан безалгандир, у дастурхонлар мамлакатни фатҳ этган лашкарларингга сочиқ⁷ булсин ва кезиб юрувчи юлдузлар аълолик тамға хатларидан холидир, у оддий тангалар сен эгаллаган мамлакат зарбхонасида адолат тангаларингга тамға бўлиб урилсин.

84

Р у б о й :

Десамки, сурай сени, не тил бирла сурай,
Еинки кўрай сени, не кўз бирла кўрай,
Итлар киби махласингни¹ истаб югурай,
Гоҳо дуо қилган бўлиб сен томонга хурай.

Шундай бўла туруб бундай одамдан ҳол суришга яна рухсат йўқ ва кўришга ҳам ижозат берилмайди. Аммо, тириклик ғаниматдир. Мен қўлимдан келганча ҳаракат қилдимки, иш бу ергача етмасин деб, бироқ бу воқеа тақдирда бор экан — фойда бермади ва қазо бу ҳодисага сабабчи экан — натижа бермади. Энди илтимос шуки, Тангри таоло тақдирига рози бўлиб, қилинган барча хатоликларни уз нафсидан кўрилгай². Яна қилинган-қилинмаган номақбул ишдан Тангри таоло хузурда тавба қилингай ва бўлган-бўлмаган кераксиз ишлардан Аллоҳ таоло даргоҳида марҳамат етишгай.

Шубҳа йўқки, ғоят тез кунларда мақсадларга эришилмай ва муродларга етишилмай, албатта.

Ўзингизга таскин бериб, қайғулар туғён қилганда Тангри таолонни ёдга олиб, «ло илоҳа иллоллоҳ»³ калимасини зикр этиш билан машғул бўлгайсиз, оз фурсатда азим ёруғликлар етишгай деб, «одобсизлик» қилинди, вассалом.

85¹

Даврон базмида кимки мақсад майини ичар экан, унинг сўнгидан маҳрумлик хунобини симирмай қолмайди ва фалак мажлисида кимки иззат топиб, бир юксак ўриндан жой олар экан оқибатда юз бора хорлик тупроғида ўлтиради; даврон элига бир вафо гули юз очса, улар томонидан отилган жафо тиконлари у гулнинг бағрига санчилмай қолмайди; замондош дўстларига кимки бир муҳаббат эшигини очса, улардан бу кишининг юзига юз хил душманлик эшикларни очилади². Дунё бозори сара молларининг усти бошқа-ю ичи бошқадир ва даврон базми дастурхонидаги асали захар аралашдир. Бу жиҳатдан кузларини идрок шаъми ёритганлар³ дунё молига назар солмайдилар ва кунгиллари ҳидоят зилолидан⁴ покланганлар олам меҳрини заррача кунгулга олмайдилар.

Аммо фалакнинг маккор кампири макрлари сон-саноксиздир ва лекин хунари ҳам бордурки, у эриштирган азизлик ва шон-шуҳратининг мадори йўқдир⁵, банду балосининг⁶ ҳам эътибори йўқдир.

Шундайки, улуғлигу мартабасида вафо бўлмас, меҳнату оғирчиликлари ҳам доимий эмас. Талай чигалликлар бўладикки, уларнинг замирида кўп равонликлар ва талай бебахраликлар борки, унинг сўнгида анчагина муродлар ҳосил бўлгай. Умидсизликнинг қора шомидан сўнгра умидворлик тонги отади ва қаттиқчилик зулмати нчидан мангу ҳаёт хабари етишади.

Ҳамма вақт тилда шукроналик дуоси ва барча маломатли ҳолларда сабр жонни сақлаш тумори бўлмоғи кўп яхшидир. Ва бу айтилганларни улардан⁷ ортиқроқ ким ҳам тушунсин. Ва бу айтилганларга риоя қилишни ҳам улардан ортиқ ким қила оларди. Тангри таолога ибодат ва подшоҳга дуони муттасил қилиб туриниш лозим.

Умид қиламизки, барча машаққатлар давлатга ва барча елиб югуришлар жамиятга наф келтирсин, омин ё раббил оламин.

Дунё давлати мажолсиз ва меҳнати ҳам барқарор эмас. Ходисалар тигидан фақир кишилар кукси жароҳатли ва давлатманд кишилар бағри ҳам чок-чокдир. Душманнинг қасд қилиб урган найзасидан нафақат гадолар қутулиб қололмади, балки подшоҳлар ҳам халос бўлолмади, тадбир хасу хашағи тақдир буронидан совурилмай не қилгай. Ҳар иш қазодан¹ содир булса Аллоҳга шукр қилмай шикойат қилиш билан нимага ҳам эришиш мумкин. Банда иши Тангри таолога тоат қилишидир ва унинг барча амрига итоатда бўлиш, купга шукру озга сабру қаноат, бориға шукр қилмай норози ва нохушнуд бўлиш яхши эмас. Одатда инсоннинг ақл қуввати буну тушуниб етишга ожизлик қилади ва одамзод ниманики орзу қилар экан ўз фойдасидан беҳабар ҳолда қилади. Ихтиёрсизликдан халқ иши зорлик ва ихтиёр даъвосини қилиш бориб турган ихтиёрсизликдир².

Бу вақтда шоҳу гадони Тангри таоло ихтиёрсиз равишда бу сафарга йўллади. (Ўзимда) ихтиёр йуклигидан — чора тополмай иложсиз ҳолда сизни кўрмасдан сафарга жунашга туғри келди.

87

Қуллик арзимиз шулки, Абушаҳма Баҳодирга суйукли фарзанди воқеаси юз бергандан кейин шаҳарга¹ келиб юқорига ўтди². Содир бўлган воқеа туфайли ҳазинлиги бағоят ва ғамгинлиги бениҳоят эди. Аммо ислом подшоҳининг шафқатлилиги билан чора толувчанлиги барча ғамзадалар дардига даводир ва марҳаматлилиги билан бечорапарварлиги барча мотамзадаларнинг ранжиган кўнглига шифодир³. Умид қиламизки, унинг ҳам ярасига малҳам топилиб, кўнглига бир таскин етишар ва бу захмига бир илож топилиб, ундан жонига бир ором юзланар.

Б а й т :

Сенинг лутфинг билан шод бўлиб ғамзадалар,
Хулқинг хушбуй хидидан жон топар

мотамзадалар.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло марҳаматли подшоҳ ва фуқаронарвар султоннинг давлати соясини ва шафқати кўланкасини барча ҳазин кишилар ва хўрланганлар бошида абадий ва барқарор тутсин вассалом.

Рубоий:

Эй бахт куши ул томон парвоз эт,
 Ер олдига етгач аҳволимни баён эт,
 Куллук қилгач сўзингни шундай бошла:
 Эй саховатли подшоҳ, қулларга валинеъмат¹.

Рубоий:

Бандангни фироқ сепсиз куйдирди,
 Юз қатл қиличини бошига келтирди,
 Жисмига минг ҳажр тошини ёғдирди,
 Куйдирдию кулини кукка совурди.

Рубоий:

Тирилтирмақ истасанг гар карамингдан,
 Бир қултумгина ичиргин шаробингдан,
 Ғамгинни² хушнуд эт инъомингдан,
 Бахраманд булсин барча эҳсоингдан.

Қачонки у вилоятдаги менга тегишли маҳсулдан³ қанча даромад ҳосил булса, ҳар қачон тирикчиликка ёрдам булгудек ҳолларда ёки жамоат учун фойдали бинолар қурилишига кўмак бергудек бўлса, мен у ҳазратнинг номига инъом тариқасида ҳисоб қилдим⁴.

Бу вақтда Мавлоно Худойберди шу иш билан хузурингизга юборилган эди, чунки одатдаги иноят ва ҳаракати бир бор эслатмоқ зарур эди. Шу сабабдан бундай ишни қилишга журъат қилинди.

Рубоий:

То чарх бор экан сенга хизматкор бўлсин,
 То олам бор экан сенга тобеъ бўлсин,
 Лутфинг ҳам халойиққа зиёда бўлсин,
 Зотинг ҳам уларга бандапарвар бўлсин.

Рубоий:

Етти манга давлат рақами тархондан¹,
 Қелтурган эди бу бандаға султондан²,
 Ҳам кўнглум умидвор бўлди жондан,
 Ҳам жон кўз тикар васли жонондан.

Менга келиб теккан бу меҳрибончилик ёрлигини майнинг хумори тутаётган кишининг қулига теккан тоза

шароб мисоли десаммикин, ё сахродаги сувга ташналикдан ҳолсизланган одамга учраган тиниқ ва тотли сувга ухшатсаммикан? Тилда пайдо бўлган ва қалам учидан қоғозга тукилган сўзлар ушбудирким, байт:

Дилни шод этгувчи (бода) висол майидир,
Илоҳим, мен лабташнани унга тезроқ етиштир.

90

Дин ва давлат арбоби, мамлакат ва ислом аҳли суҳбатдошининг ҳузурларига фақири ҳақир¹ шуни маълум қиламанки, бу фурсатда сулук бодийасининг раҳнаварди² ва фақиру фано зовийасининг соҳиб дарди³, шавқ ва муҳаббатда баркамол инсон, яъни сизга ёзилган ушбу илтимос ва ихлос мазмунидаги мактубни олиб бораётган зотким — у бир неча кунлардан бери бу фақирлар баданига Масиҳники каби роҳатлантирувчи суҳбати билан сунмас ҳаёт бағишлади — у саодатли мамлакат ва диёр ва у жаннатсифат шаҳар ва қалъа томон йул олди.

Илтимос қиламизки, ҳар қаёққа Хизр мисол қадам қўйса қутлуғ қадамни шодлик ва қувончга боис деб билгайсиз ва ҳар қаерда Довуд мисол нутқ сузласа нутқини хурсандчилик ва ҳузурланишга сабаб деб тасаввур қилгайсиз.

Б а й т :

Гарчи бизга ҳажридан дарду малол етишди,
Қим васлига эришди, демак бахтга етишди⁴.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло дарвеш дуст подшоҳлар сояи давлатини дарвешлар бошида доимий ва мусофирпарвар амалдорларнинг улуғлиги ҳамда мартабасини мусофирларга меҳрибончиликда барқарор тутсин, омни.

91

Р у б о и й :

Эй нафс майлига гирифтор бўлган,
Қилган ишларингда шайтон иши кўриниб турган,
Эл кўзида тақво билан иззатга сазовор бўлган,
Фисқу фужур билан олам элга хор бўлган.

Эй ақлини йўқотган ўзбошимча ва эй бахти орқага юз бўрган бевош кимса, уша кундан берикки тубанлик тупроғидан ҳаётинг чеҳрасини супурдим ва машаққат

дашти саргардонлигидан хилқатингни¹ йиғиштирдим. Гарчи кичик эдинг, аммо ундоқ эмаски, хотирангдан кутарилган бўлса ва гарчи ёш эдинг, ундоқ эмаски, кунглингдан унутилган бўлса!

Ҳаётимни сенинг тарбиянгга бағишладим ва умримни сенинг ҳаётингни муҳофаза қилишга сарфладим; фарзандлик номингни хотиримга битдим ва оталик меҳру шафқатини ҳолингга муқаррар эттим². Ойу йилда бир кун, балки туну кун бир соат аҳволингдан беҳабар қолмадим ва сенга эътибор қилиш қондасини эл кўргудек туздим, балки бунни кўрганлар рашк юзидан ҳасад қилгудек кургиздим. Тарбиятингни ташқи кўринишга қараб баҳо берувчилар дидига мос одат ва фазилатлар билан ораста ва қобилиятингни яширин сирларни билувчилар табъига мос ҳақиқат ва билимлар билан зийнатлашга ҳаракат қилдим³, то юриш-туришинг покизалик билан ва одату хислатинг одобли ва оғир табиатли бўлиб, аҳволу феълларинг тақво ва тоатибодат билан савлатли ва хулқу сифатинг одамийлик ва инсонийлик билан машҳур бўлди ва подшоҳи исломнинг⁴ жаннат боғи янглиғ базмида илтифот ва эҳсон қилишда базм аҳлининг алоҳида эътиборида бўлдинг ва инъом этишда давр аҳли туҳфаларидан хуррам бўлдинг.

Шаҳзодалар мажлисида иззатли ва озодалар⁵ суҳбатида эътиборли ва уз хунарининг тобеъ ва буйсунувчилари, балки ходим ва шогирд сифатидаги кишилар ва ўзимнинг сени азиз фарзанд деб билишим ва ўғил қаторида, балки жигаргуша урнида куришим шоҳу гадо олдида очиқ намоён ва яхши-ёмон қошида равшан бўлди.

Аммо дустларим насиҳат юзасидан таъкидлардиларки, мунчоқ тожга тақилган билан феруза⁶ бўлмайди ва кўкимтир шиша бўйинга осган билан зумрад⁷ ўрнига ўтмайди ва душманларим таъна ва кинояли сўзлар билан қулоғимга етказар эдиларки, тернинг нопок сувини оби ҳайвон қиламан деб уринган ва туида ялтираб кўринадиган қуртнинг қора танасидан жаҳд билан ёрқин қуёш ясайман деб беҳуда хаёл қилган киши кўп бора хижолат бармоғини тишлайди ва пушаймонлик ҳовучини бир-бирига уради. Ва бу гофил банда⁸ дуст сузи билан ҳисоблашмай сенинг тарбиятингда кундан кунга қатъийроқ ва риятингда лаҳзадан лаҳзага беқарорроқ эдим, ишинг шунгача еттики, мусиқа илмининг назариётчиси Фисоғурс⁹ ҳаким замонидан биринчи муаллим деб аталган Арасту¹⁰ замонигача ва иккинчи муаллим

деб аталган Абу Наср Форобий¹¹ давридан Хожа Абдулқодир¹² асригача маълум эмаски, ҳеч подшоҳ замонида ушбу фан¹³ аҳлидан бу фан буйича ҳеч кимга бунчалик тарбият ва шуҳрат топиш насиб этмаган, сенга эса наоиб этди.

Аммо ишлар жойида эмас экан, қараб турганча йулдан адашдинг. Юриш-туришингдаги яхши ишлар бузуқликка айланди ва феъл-атворинг покизалиги нопокликка айланди. Насиҳати қулоққа солмадинг ва панд билан маломатни кўнгулга олмадинг ва душманларнинг ҳам шиддату ярамасликларини аниқ ва киноя билан эшитмадинг ва уларнинг ҳам огоҳлантириш ва таҳдидини эсламадинг ва яна Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қошида тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб, онтлар ичиб, сўнгра уларнинг барчасини бузиб, Тангри таолодан қўрмадинг.

Энди на сўзингга, на аҳдингга, на ваъдангга, на онтингга ишонч қолди. Негаки, ҳар қайсисининг ёлғонлигини бир неча бор намоён этдинг.

Бунча бебошликларинг асносида барча қилинган ишларнинг ўрнини босиш, қўлдан кетган обрў-эътиборини яна қўлга киритиш учун от юборибсан, ҳолбуки шу нарсадан беҳабарсанки, отинг тўрт дафтардан чиқарилибди: бири — мулозимлар дафтарыда фарзандлик лақабидан, балки ошнолик исмидан; иккинчи — «Мажолис унафоис»¹⁴ дафтарыда шонру олимлар қаторидан; учинчи — шаҳарнинг яхши-ёмон, катта-кичиги қошида эрлик ва инсонийлик ва мусулмонлик ва ҳамийят дафтаридан; тўртинчи — подшоҳи ислом ҳазратларининг муборак тилларида сенинг ҳақингга ёмон дуо қилинибди. Ҳаёт аҳли дафтаридан сен бунчалик ажабланарли қилиқларинг билан дину исломнинг уйини бузибсан ва бундай шариф ва азиз хотирларни ўзингдан бездириш билан айтиш мумкинки, Каъбани йиқитибсан, балки ҳаёт ва тириклик биносини вайрон қилибсан.

Гофиллик ва нодонлигинг шу даражадаки, хайрли ишларни амалга ошираётган бўлиб, аслида бу билан ўзингни алдаб ёзиб юборибсанки, сени яхши йигит деб хаёл қилгайлар ва камтар киши деб билгайлар. Бундай орзудан юз ҳайҳот ва бундай муддаодан юз минг уят! Сенинг шунча қилганларингга яраша мен ҳам сазо ва жазо етказа олардим, аммо икки жиҳатдан етказмадим. Бири шуки, бунча панду насиҳат ва маломату айблаш ва онту қасамлар билан одам хушёр бўлмаса, бир неча изо ва азоб билан ҳам бўлмайди, балки у изо ва

азоб — ётказишда ўзимнинг хаста кунглимга ташвиш ва нотинчлик кўпроқ етади ва сенда эса ҳеч қандай узғариш булмайди. Шуниси ҳам борки, сен ҳар қандай беқондаликни қилганингда, ушанга яраша сазо ва жазо олгансан, бундан ташқари яна у подшоҳи исломнинг муборак хотиридаги хираликлар ва унингдек мураббийу валинеъматнинг ва яна бошқа азиз инсонларнинг кунгилларидаги ранж ва изтиробларнинг ҳам ҳар бири аслида юз ўлимдан ортиқдир, аммо буни тушуниб етишдан сен маҳрумсан.

Р у б о и й :

Эй гофилу ғафлатга вужудингни мағлуб этиб,
Барча ёмонликларни ўзингга мақбул билиб,
Кетдингу яна қайтмадинг ваъдани тарк этиб,
Ёлғонларнинг ичида булмасди бундан яхшини толиб.

92

Мавлоно Қосимга¹ айтадиган сўзимиз шуки, инсон хатодан холи эмас, аммо тавба қилиш сувидан ҳосил бўлган пушаймонлик ёши қилинган гуноҳ кирини тозаласидир. Ўзингни шу тариқа покизаласанг, шоядки Аллоҳ таоло сени кечиргай, ахир ибодатга не етгай.

Дарвеш Алибек² хизмати билан бизнинг хизматимиз орасида тафовут йуқдир, аммо ўзингни яхши томонга тузатсангки, айтганлар:

Кийимингни тоза тут, юқтирмагин гард,
Юқтирдингни тозалаб ювгин. агар бўлсанг мард.

Хона ичра гар бор бўлса кимса, етарлидир бир бор чакирса.

93

Утинч ва илтижодан сўнг шуни маълум қиламизки, Хожа Аҳмад келди ва юборган мактубингизни қулимизга топширди. Ёзибсизки, анча вақтдан бери назмларингдан бизга юбормайсан, ҳали ҳам бўлса юборгинким, мисра:

Заро қадрини заргар билар, жавҳар қадрини жавҳарий¹.

Бу корхонада² шунга иқрормизки, Сиз жавҳарий була олурсиз, аммо бизда у жавҳар йуқдирки, Сизнинг назарингизга арзигулик булсин. Мисранинг яна бир рукнининг ушбу ҳукми бор.

Яна фазилатлар эгаси бўлмиш ҳазрат маҳдумзода⁴ таърифиди муболағали гапларни айтибсиз. Бу хушқайфият ва умидворликка сабаб бўлган эдики, бунинг асносида бизга уларнинг бир муборак мактублари келди. Илтифот қилиб ажабтовур сўзлар ёзибтилар. Бири бундирким, «Хар қанча жафо қилиш қўлингиздан келади».

Мулоҳаза қилиб кўрингки, бизнинг қўлимиздан қандай қилиб жафо келсин? Ахир, одамлардан бизга юз бор жафо етишса тоқат қилиб чидаймиз. Ҳазрат маҳдумзодага не сабаб билан жафо қила оламан ва Тангри таоло олдида аҳдимиз борки, ҳеч кимга қасд қилиш ниятида бўлмайман деган. Яна бу даргоҳда қайси мансабда бўлмай, Сизнинг хизматингизни адо этишда бирон хатоликка йўл қўйганим йўқ. Мирзо⁴ мажлисида баъзан шунга яқинроқ гап содир бўлган дейилса, бу орада бундай иш бўлгани йўқ. Бу яна тўрт-беш кун борадиган иш-да. Башарти мужмал гап айтилган бўлса бордир. Мен маҳдумзоданинг ҳеч бир ишини ўз зиммамга олмаганман. Бу нарсани агар Сиз унутибсиз, бироқ мен унутмайманки, қайси бир ишни зиммамга олибману уни уддасидан чиқмабман?!

Яна одамзод бетоблик чоғида фарз ва мақбул ишлардан авф этилар экан, бошқа ишларга не ҳожат?! Маҳдумзода шаҳардалик⁵ чоғларида уларнинг хизматларига тегишли бирор хусусият кўзга ташланмади. Машҳад нулнда учрашганимизда бир оз мулозамат қилинган бўлди. Баъзи улуғ даражали кишиларнинг очиқдан-очиқ киноя ва маломатли сўзларини эшитдикки, оқибатда у саркашлиқдан ҳам бизга пушаймонлик «насиб этди».

Икки йилга яқиндурки дард тортиб келаман. Султон Бадиуззамон Мирзодан Хайдар Мирзогача сарҳадлардаги⁶ барча маҳдумзодалар ўз одамларини юбориб, хатлар орқали хурмат-эҳтиром кўрсатиб кўнгил сўрадилар. Шундай ҳолда маҳдумзода ҳамма акалари ахлоқ қондаларининг тескарисини қилиб биронта бекдан битта ҳам мактуб билан ҳол сўраттира олмадилар. Менку бу ишга кўз тикмадим ва бировга бу ҳақда шикоят ҳам қилмадим. У киши бўлсалар бу ҳам етмагандек, мени ўзларига жафо қилишлиқда айблаптилар. Шунга кўра мактубни Сизга юбормоқдаман. Агар Сиз ҳам изтиробда экансиз, мактубни мужмал битмасдан у «жафо»ни тафсилот билан ёзишингиз керак эдиким, инсон хатодан холи эмас, эҳтимолки биздан хатолик ўтгандир. Агар Сизнинг хабарингиз йўқ экан, мен шу кўнгача эл-

нинг жафосини тортиб бунчалик эзилмаган эдимки, мени жафо қилувчи одамга чиқариптилар.

Гарчи гап кўп эди, Сизга малол келмасин деб, қисқа қилдим.

94

Рубоий:

У шоҳнинг саройида маъдан мавжуд,
У каби бошқа бир шоҳ бўлмагай мавжуд,
Ҳам асли поку яхши хулқлар эгасидир,
Ҳам бахт юлдузи каби исми масъуд.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизки, сиз юборган қоғозларки¹, варақлари саккиз жаннатдан нишона, деса бўлади. Сузларининг маъносида эса юлдузларнинг жилваланиши намоёндыр. Ҳар бир сермаъно сўзи куйган кўнгиллар утига таскин беради ва ҳар бир утли калимаси совуган юракларга чақмоқ мисоли ўт солади. Салобатли мисраларида Масиҳ нафасининг хосияти пайдо ва латофатли байтларида ҳаёт суви патижаси намоёндыр — қўлимга келиб тегди. Уни уқиш билан руҳ тоза, такрор ўқилишидан эса кўнгил гоятда равшан бўлди.

Бу нотавонининг² тарқоқ шеърларини юборишга сиз томондан ишора бўлган эди³, уларни тартибга келтиришга киришдим. Ҳар қалай олий мажлис⁴ аҳлининг мутолаасига тезроқ етишиш шарафига муяссар булар, деб умид қиламан.

Осмончалик қудратли тахтинг бўлсин,
Юлдузларчалик беҳисоб лашкаринг бўлсин,
Аллоҳ хавф-хатардан ўзи сақласин
Яъни, барча ишда Тангри мададкор бўлсин⁵.

Омин, ё раббил оламин.

95

Шароб тайёрлаш борасида табиблар курсатмаси шундайки, агар киши майни мумкин қадар аччиқ¹ бўлишини истаса, уни солишда тайёрланаётган узум ниҳоятда ширага тўлган бўлиши керак; мисоли висол шарбатининг ширинлиги сўнгида тақдирнинг май қадаҳидан айрилиқ кўз ёши аччиқ келгани каби узум ҳам қанчалик ширали бўлса тайёрланган шароби ҳам

аччиқроқ бўлади. Ана шундай узумни топиб эзилгач, бир неча марта ёғланиб, сўнгра мўмланган янги купларга² солиб қўйилиб, бир йилдан сўнг сузилади; яна уч ой шу тарзда купларга қўйилиб, уларнинг оғзи беркитиб қўйилади. Шундан кейин тоза шиша идишларга солиниб, қирқ кун оғзи маҳкам беркитилиб қўйилади-ким, ҳазрат Хожа Хофиз қуддиса сирруҳу айтганки:

Б а й т :

Аё суфий, билгилки, қачонки шароб
Туриб қирқ кун шишада бўлғусидур соф.

Шундан кейин у майда тўрт сифат-ҳосил бўлади: тиниқ ранг, ҳуш таъм, муаттар ҳид, муътадил қивом³. Шу тарика тўрт сифатга эга бўлган жинсдан оз миқдори куп касалликка даво бўлур, деб маслаҳат берадилар. Бугунги кунда «Дору-ш-шифо»⁴даги ғариблар ва беморларнинг баъзиларига табибларнинг курсатмасича ана шундай жинс керак бўлипти. Хаёлимга келдики, у фарзанд⁵ кўпроқ вақт шуни ичиш билан машғул бўлар эди, шундай экан унинг сувчихонасида⁶ бундай жинснинг бўлиши шубҳасиз. Ундан бир миқдор юборсангизу натижада нотавон ғарибларга ва бечора хасталарга қувват ва сиҳҳат етишса, шубҳасиз бунинг оқибатнда катта савобга қолган бўлар эдингиз.

Қ и т ъ а :

Караму лутф қилиб бизга юборгил,
Бор бўлса гар сенда бу айтилган жинс.
Ичибкү куп гуноҳ орттирдинг
Ичириб бир савоб ҳам топгин.

96

Р у б о и й :

Эй тонг ели, ёқимли ислардан келтир,
Оху нофасидан бўлган мушкдан¹ келтир,
Ё у ердаги баҳор гулларидан келтир,
Йуқ-йуқ ёрнинг жилвагоҳидан келтир.

Қуллик дуосидан сўнг арзимиз шулки, июят қилиниб мактуб орқали бу банд аёлга олинган эди. У мактуб (Сизнинг) сиҳҳатингизга гувоҳнома ва саломатлигингиздан хабарнома сифатида паришон хотирингиз баҳра топишига сабаб ва безовта кўнглимиз оройиш топишига боис бўлди. Тўрт ғазал² эса тўрт жавоҳири инсонийдан³

хабар берарди, балки тўрт кутуби осмонийдан⁴ асар етказарди⁵ — қўлимизга тегди. Сузларидан хўблар⁶ ҳуснидек саҳифага оройиш ва маъносидан уларнинг васлидек кўнгилга осойиш юзланди. Таркиби латофатли ва латофати эса қувонарли эди.

Таърифини етарлича қила олмаганимдан ҳақингизга дуо қилиш ва шарҳини тўлиқ айта олмаганимдан номингизга сано⁷ айтиш билан каноатландим. Умидимиз шундайки, то жаҳон тургунча дуо ва саноларингиз тилларда юрсин ва у дуо ва сано ўқлари ижобат нишони-га тегсин⁸, омин, ё раббил оламин.

97

Рубоий:

Жаҳон мамлакатлари сенга буйсунсин,
Амрингга улус ҳукми муяссар бўлсин¹,
Қай томонга қадам қўйсанг шодлик бўлсин,
Душман устидан ғолиблик сенга ёр бўлсин.

Қуллуқона дуодан сунг шуни маълум қиламизки, Мирзонинг² мизожлари айни саломат ва маҳзи истиқоматдадур³. Алҳамдулиллоҳ, бу вақтда буйруқ йўсини билан форс тилидаги тарқоқ шеър ва байтларни йиғиб, девон тартиб берилган эди⁴, Юсуф Алидан ҳузурингизга юборилди. Умидимиз шулки, девон қабул давлатингизда зийнат ва мақбул давлатингизда шараф топиб, сизга манзур бўлгай.

Доимги қондага кўра бу ҳақда ходимларингиз бизга мактуб йўллаб мамнун этишар.

Шеър:

То жаҳон тургунча сен жаҳон аҳлига шоҳ бўлгайсан,
Шарт буким, биз каби қулларинг ҳолидан огоҳ
бўлгайсан.

98

Шеър:

Ҳар бағир қоники, ҳажрингда кўзумга айланур,
Кўз ани тўккач бағир янглиғ ҳамул дам боғланур.

Мактубни олиб борган киши уқувсизлиги ва ғафлатга берилиши туфайли учраша олмабди. Энди эса ўзига келиб, қандай хато қилганлигини тушунди. Қилган

гуноҳига иқрор бўлиб, Мирзо¹ карамидан умидвор бўлган ҳолда у томонга йўл олди. Умиди — шоядки бурунгидек у ернинг хизматкорлигини қабул қилгай ва бошқа ходимлар қаторидан урин олгай.

Ушбу матлаъ² ёзилган эди, у мендан маҳрум бўлиб қолган кишининг ислоҳига юборилди. Бу маҳжур қул³ ҳам айтган байтимга тузатишлар киритишга умид қиламан.

Иншооллоҳ, иккала иш ҳам муяссар бўлгай, деб хизматкорлик мактуби битилди.

99

Рубоий:

Олам узра айланувчи гумбаз мудом бор бўлгай,
У гумбаз узра собиту сайёр юлдузлар¹ чарақлаб тургай,
То у юлдузлар саодатинг нишонаси бўлгай,
Тангри барча ҳолатда сенга мададкор бўлгай.

Қуллуқона дуодан сўнгра шуни маълум қиламизки, разил замонанинг жабру жафоси ва узғариб турувчи фалакнинг зулму ситами шоҳдан гадогача ва фосиқдан² порсогача³ етмаган киши топилмас. Ва замон аҳлидан мурувват ва вафо кутиш мумкин эмас. Аммо чун Ҳақ субҳонаҳу ва таоло одили ҳоким ва қодир мустақимдир. Умидимиз шундайки, ҳеч бир зулм кўрган киши унинг марҳаматига сифнар экан, унинг адолатидан маҳрум кетмагай. Бундан ортиқ тилга бирон сўз ва қаламга олншга арзигули хабар йўқдир, вассалом.

100

Рубоий:

Олам элига аҳли худо¹ шафқат этиб —
Тўғрилиқ йулидан бундай нидо этиб:
Ҳар кимгаки бир неъматини берса худо,
Урнига қўймоқ керак шукрини адо этиб.

Тангри таоло бандасига анча неъмат(лар)ни каромат қилганки, унинг ҳисобини қилишдан нутқ лолу қалам соқовдир. Қисқароқ тарзда бўлса ҳам улар ҳақида бир неча сўз баён қилиш фойдадан йироқ эмас. Шу жумладан, бири бандани йўқдан бор қилмоқдир ва бу билан ўзининг яратувчанлик ҳунарини намоён этиши-

дир; яна бири жаҳолат зулматидан ақл равшанлигига етказмак ва ёшлик гафлатидан идрок ва билиш давлатини насиб этишидир; яна бири идрок ва сезгилар ва соғлом табиату етук заковат бериши ва ислом шарафи билан баҳраманд ва дин саодати билан сарбаланд² қилишидир. Бу неъматларнинг берилганига шукр қилиш ҳар бир инсоннинг уз ҳолига яраша зарур ва лозимдир, аммо, ҳукмрон шахсларга ва ҳукми ўткир подшоҳларга ҳаммадан кура кўпроқ. Чунки, ушбу неъматларни беришдан ташқари Аллоҳи таоло барча бандаларидан кура уларни улуглик ва мартаба бериш билан мумтоз, буюклик ва иқбол билан юксак қилиб яратгандир ва мазкур неъматларга шукр қилишнинг ўзи кифоя эмас. Киши тили билан шукр қилиши ва шунинг билан бирга Аллоҳнинг буюрган ва ман этган ишларига риоя қилган ҳолда иш тутиши керак ва бу тилга олинган неъматларнинг асосийси ислом шарафидурки, Ҳақ субҳонаху ва таоло унда инсонга бир нечта ишни буюргандир: бири ўзининг ягоналигига ва пайғамбарининг рисолатига³ иқрор қилишдир; яна бири кунда беш вақт намоздир; яна бири йилда бир ой руза тутмоқдир; яна бири мол-мулки маълум миқдорга етганда закот беришдир; яна бири кучи ва шароити кўтарса ҳаж қилишдир. Аммо буюрилган бу беш ишнинг тўрттасида ожиз бандасига узрли қилибтиким, шаҳодат калимасини⁴ бандаси юз йил яшаб умрида бир марта тилида зикр қилса кифоядир ва рўзани сафар чоғида ёки бетоблик пайтида тута олмаган бўлса бунинг эвазига бошқа вақтда тутиши мумкин, деб топган ва закот тулашда мол-мулкнинг маълум миқдорга етишини шарт қилиб қўйган; ҳажга бандаси шароит ва моддий имконияти кўтарса боришни шарт қилиб қўйган.

Аммо, намоз амрини Тангри қатъий қилиб қўйганки, узр ва баҳона билан то бажо келтирмагунча бандаси буйнидан адо бўлмайди — заиф ва хасталигида, ифлос ва шикастланганда, совуқ ва ёғингарчиликда, душмандан қочганда, денгиз ва чўлда саргардон бўлганда ва умуман ҳар қандай қийин аҳволда ҳам адо қилмагунча чора йўқдир. Касал бўлса ўлтириб ва оғирроқ хаста бўлса ётиб ва жон чиққудек ҳолда бўлса имошора била намозни адо этиш буйурилган ва сув бўлмаганда тайаммум билан кифояланиш, аммо бирор баҳона билан ўқилмай қолинса авф этилмайди.

Бу сизга хайрихоҳ қулингиз бу гал хизматингизга мушарраф бўлган эдим, шу нарса маълум бўлдики,

жаноблари ўзларини бу таклифдан узрли ҳисоблабтилар ва қуллари остидаги одамлари ҳам подшоҳларига эрғашиб бу амалларга рноя қилишда ўзларини узрли ҳисоблабтилар — жамоат ва Тангри таоло буйруқларини бажо келтириш кўзга кўринмади. Башарти, Тангрининг бу хилдаги қатъий амрларини бажаришдан ўзларини узрли санаган эканлар, (у ҳолда) мен дилдаги айтмоқчи бўлган сузлар(им)ни айтишдан ўзимни узрли ҳисобламайман.

Тангри учун ё Тангрининг буйруқларини бажо келтиринг ёки бир оят ё ҳадис ё машойих нақли ё ривоят ё бирон масала топилган бўлсагина бу амрларни тарк қилмоқ мумкиндир. Топилган бўлса бу бандога юборингим, дардим зўрайгандир, аммо бу таклиф ғоятда муҳим.

Султонлар билан боғлиқ яна бир гап шуки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз ҳузурда адолат бобида сўрагусидир. Бас, подшоҳга лозимки, барча халойиқ аҳволдан хабардор бўлишим, улардан биронтасига ҳам зулм етмасин, зеро Тангри таоло бу борада подшоҳдан жавоб талаб қилади ва бу бобда ҳадиси саҳиҳ⁵ бор.

Мен зиммамдаги вазифани бажариб қайтар эканман, Панждеҳга келганимда бир киши бу фақирга арз қилдики, Мирзо навқарлари мастлик билан уни жароҳатлабтилар ва хотишини чопибтилар. Фақир уларга таскин бериб, озроқ маблағ бериб ўтдим. Одамлар⁶ орасида ичкплкка ружуъ қўйилган экан, бу хилдаги нохуш ишларнинг содир бўлиши ажабланарли ҳол эмас.

Қулларининг⁷ мақсади шундайки, Сизнинг муборак қадамингиз ҳар қаёнга етса ва ғолиб лашқарингиз ҳар ердан ўтса бу ҳақда хайрли дуодан бошқа ҳеч нарса ҳосил бўлмагай.

Ҳозир бу икки жароҳатланган бечоралар Панждеҳ работининг ёнидадирлар. Аммо, бу ишни қилган киши ким эканлигини аниқлаб бўлмади. Одамлар устидан қаттиққўллик ва снѐсат⁸ албатта, зарур ва ичкиликни тақиқлаш ҳам лозим. Ва шунингдек арзга келганларни қабул қилиб, аҳвол билан яхши танишиб, илтимосларини бажо келтириш фарз, вассалом.

Мирзо тилидан фарзанди шаҳид марҳум Бобобек фироқида.

Б а й т :

Эй фалак, руҳим ороми-ю ҳамдами жоним қани?
Кундузим қуёши-ю тунларим нури қани?

Р у б о и й :

Эй жафокар фалак не ситамлар қилдинг,
Жонимни аламларга нишонлар қилдинг,
Занф нафасим ўтини аланга қилдинг,
Узрингни қандай айтай — карамлар қилдинг¹.

Бу ғам юки остида эзилган таним тупроғини кукка совурниш учун бир оҳ ели етар эди, бир сарвни йиқитгулик совуқ шамолга ҳожат йўқ эди. Ва бу қонли кўзим чироғини тийра² қилишга бахтимнинг қоралиги етар эди, бир қуёшни ерга киргизиш керак эмас эди. Жонимни олгаининг каммиди, кўзим қонини оқизишининг етмасмидики, жонимга ажал тиғини санчишдек зулм етказдинг. Менга қилган зулмни ҳеч бир подшоҳга, йўқ-йўқ ҳатто ҳеч бир гадога раво кўрмадинг ва менга урган зулм тиғини ҳеч бир бахтиёр инсонга, йўқ-йўқ, ҳатто ҳеч бир бахти қарога урмадинг.

Бошимга келган турли-турли ғаму аламларга ўкирайми, жонимга юзланган бир-бирига ўхшамас мотамимдан куксимга тош урайми?

Ўз қайғуларимни ёзай десам, қайси бирини қоғозга тушурай ва ўз азобларимни айтиб йиғлай десам, қайси бирини нола қилиб баён этай?³

Танимдек дарду бало оёғи остида эзилган тан йўқдир, илоҳим, бўлмасин ҳам ва кўнглимдек ғаму қайғуга мубталоликдан паришон бўлган дил мавжуд эмас, ё Рабки, вужудга келмасин ҳам. Шоядки, Ҳақ субҳонаху ва таоло холис марҳамати ва ҳадсиз кароматидан чекоиз дардимга даво ва ниҳоятсиз касалимга шифо ато қилгай ва ҳидоят шамини шундай ёритгайки, унинг нуридан тийра кўзим очилгай ва ўзи томонидан шундай ўзига яқин олиб, ошнолик қилгайки, ўзидан бошқа ҳеч нарсанинг тасвири дилим кўзгусида акс этмагай ва дарду шавқини кўнглимга шундоқ муҳрлагайки, унинг ёдидан бошқа ҳеч нима кўнглим уйига йўл топмагай.

Толиб³ мению ўзини матлуб⁴ этгай,
Роғиб⁵ мению ўзини марғуб⁶ этгай,
Ошиқ мени-ю ўзини маъшуқ этгай,
Ишқим голиб, кўнгулни мағлуб этгай.

Омин, ё раббил оламин.

Банда тилидан:

Ё раб, у давлат куёшига завол етмасин,
Хатто нури кам булшлик эҳтимоли бўлмасин.

Қуллуқона (равншда) баён қилинадиким, жаҳон асоси боқий эмас ва умр биноси абадий турмас. Замо-на гулшанида қайси бир ғунча хуррамлик билан кулди, сунгра эса бир ҳодиса шамолидан тўкилмади ва давр гулшанида қайси бир гул хурсандлик билан очилди, охир-оқибатда бир воқеъа совуқ шамолидан сочилма-ди. Умр чаманининг гули тиконсиз очилмайди ва ҳаёт базмининг майи хуморсиз топилмайди — боқийлик чаш-масидан сероблик қайдан мумкин булсин. Чунки, «Ер юзидаги барча жонзот фонийдир»¹ қадаҳи омонлик бер-мас ва шундай экан тириклик шарбатидан етадиган хурсандлик ҳақида қандай тасаввурга эга булиш мум-кин, чунки «Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир»² қада-ҳидан ўлим захрини ичмасликнинг иложи йўқ. Ҳар қандай шам бир қоронғи ерни нурлантирди, бир офат ели уни хиралантирди ва ҳар қандай сарвинозким, хуш-нудлик ҳавоси яшнатди, бир ҳалокат гармсели уни та-гидан қуритти.

Аммо гул тўкилса, умид шулки яшнаб турган гулистон барқарор ва ҳамиша очилиб турсин ва агар шам ўчса тилак шулки, оламини ёритувчи қуёш донмо пор-лаб турсин, омин ё раббил оламин.

Қуллуқона арзимиз шулким,

Б а й т :

Бир гул сўлган бўлса-да давлат гулшани¹ ҳамиша
яшнаб турсин,
Ботган бўлса бир юлдуз саодат чархи² барқарору
бардавом турсин.

Фарзанди марҳум Бобобекки,

Б а й т :

Ҳақ лутфидан қабри нурларга тўлсин,
Жойин жаннатда бўлиб, руҳи шод бўлсин —

азоси бобида дур тўкувчи қаламдан гавҳар билан бе-залган рақамким, оппоқ саҳифага мушк ҳиди таратув-

чи сиёҳ билан поэтик маъноли сўзлар тизилган эди — етиб келди. Саҳифа демай, мисоли бир гулистон эди — жаннат боғларидагидек юз турли гуллар билан оройиш берилган ва руқъа демай, мисоли бир бустон эди — жаҳонни безовчи гулшандек юз хил ранго-ранг райхонлар билан зийнат берилган. Сўзлари у фарзанднинг ташқи кўрinishидек барча мақтовли сифатлар билан тўзалган, маъноси ҳам унинг ички оламидек барчага ёқимли ахлоқ билан безалган. Ёқимлилиқда унинг жонни қувонтирувчи баёнидек Масиҳ³ мисол, руҳлайтиришда унинг ҳаёт мисол овози Довуд⁴ тимсол.

Умид қиламанки, то унга фонийлик хилватгоҳида бенишонлиқдир, сенга боқийлик жилвагоҳида бахтиёрлик бўлсин ва то унга йўқлик пардасида беҳоллиқдир, сенга борлик тахтида осудалиқ бўлсин.

Ш е ър :

Вужуднинг халқ учун кўп йил саломат,
Саломат бирла минг йил истиқомат.

Омин, ё раббил оламин.

104

Ўтинч ва илтижодан сунгра маълум қилинадиким, бу вақтда у томондан¹ келганларнинг сўзлари мазмундан ва хабарлари баёнидан шу нарса маълум бўлдики, табиатингизда даврон ҳодисаларидан бир оз беҳоллик ва озор пайдо бўлган бўлса-да ташвиш бўлмаган ва бирон тараддуд юзланмаган.

Барча заифлар дармонсизлигини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қувват билан ва хасталар дардини сиҳхат билан алмаштирсин.

Одам юбориб ҳол сўраш ва кайфиятнингизни билиш лозим тонулди. Шу ҳақда бизга жавоб ёзиб юбориш ихтиёрингизга ҳавола этилади.

Дуойи салом битилди.

105

Одамизод ўз аҳволига разм солиб, уйлаб кўрса, шу нарсага амин бўладики, у тинч ва холи бўлган йўқлик ўйидан борлиқ шаҳристонининг меҳнатхонасига келибди ва бу шаҳристоннинг мақом ва манзилидан бир нечтасини босиб, утиб, ҳозирда қаерга етибди. Барча ҳолатда ишларидаги нуқсонлари ва аҳволидаги ожизлик-

лари ҳамда бандалик бурчларини адо этишда гофиллик ва бепарволик (қилган) ва нафсу ҳаво сўзига киришга журъат этган жон Аллоҳ ҳузурига борганда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло олдида тили қисқа ва сўзи ўтмаслигини тушунади. Хусусан, яратган барча бандаларини Аллоҳ ақл нури ва уткир зеҳн билан безаган ва инсофу идрок даражасининг муллиги билан унга зийнат берган. Шундай булгач, бу айтилганларнинг бўлиши албатта муқаррар экан, инсонга бирон жисмоний ёки маънавий жиҳатдан зиён-захмат етса, шу нарса муносибки, инсон ташқин куриниш ҳамда ички қиёфасига айлангай.

Шариат буйича амр этилган ишларда ва тариқат буйича буйурилган ҳукмларда узини айбли ва гуноҳкор билиб, надомат ва хижолат эшигини юзига ёпиб, ожизлик ва ўтинч юзини хорлик туфроғига суртиб, қодири мутлақ ва ҳокими барҳақ ҳузурда ёлвориш ва зорланиш билан узини унутади. Ва хотиридаги инсон қилиши мушкул булган хаёлларни ва кунглидаги такаббурилик гуноҳлари азобларни Аллоҳдан кечирим сураб тўккан куз ёшлари дарёсига оқизади ва бошидаги одамларга бошлиқ булганида қилган шумликларини ва кунглидаги орзу қилган ҳукумати шуюматларини¹ Аллоҳдан авф этишни сураб қилган оҳлари елига учиради. Ва димоғи ҳам маъний даъволарининг софлигини булғаган қабихликларини ожизлик ва ёлвориш шамолига совуради ва узининг камоли чехрасига бошқа нуқсон кузи билан боқмайди, балки йукдай булиб туюлган зотига ёқмайди.

Шойадки, Аллоҳ таоло холис нияти ва ниҳоятсиз марҳаматидан унга ишонч саодати ва тавба ёрдамини каромат қилгай. Ва бу каромат тожига барқарорлик гавҳари билан зеб бергай. Ва агар бундай мулоҳаза қилишда башарият кўзи ўз хатоларини ва бузуқ хислатларини куришга ожиздир ва демак бу эҳтиётлар унинг қошида эътиборсиздир.

Нафс бунга икром бўлишдан ор қилса ва макру ҳийла билан «хабис»ни² «ҳабиб»³ ва «қубҳ»ни⁴ «фатҳ»⁵ либосида ва «хашин»ни⁶ «хусн»⁷ кийимида жилвалантириб хоҳлаган вақтда истаган кишинини бу даражадан ўтказади. Унинг натижасида ҳосил булган мулзамликдан ақл ҳокими этагини тутади ва узининг мададига зориқтиради. Ва агар бунинг билан ҳам мағлуб булмаса шафқатли дуст ва кунгилга яқин ҳамсуҳбат ва вафоли ёрлар ва яхши ниятли ошналар ва жонкуяр

Мулозимлар ва меҳр қозонган ҳодимлар балки синчков душманлар ва хушёр тилёғламачилар орқали ҳар хил тадбиру текшириш ва ҳар хил ҳийла-ю ўрганиш воситасида англаб етади. Шундан кейин айтиб утилган иложга ҳаракат қилиб, уз вақти тирикчилигини, умид шулки, Тангри таоло барча фақирлик йулидан йироқ ва фақир кишилардан узоқ тушганларга ҳидоят билан йўл кўрсатсин ва иноят билан йўл юришдан мақсадлар сарманзилига етказсин, вассалом.

106

Рубоий:

Шоҳсан — Тангри сояси, булгин сен огоҳ,
Бир кимсаники зулм қуёши баногоҳ
Куйдурсаю ҳолини айласа хароб,
Бергайсан унга адлинг соясидан паноҳ.

Қуллуқона арзимиз шулким, бир мазлумки бу охири давлатли замонда ва бир марҳумки¹ бу охири саодатли давронда² ўттиз йилча хушҳоллик ва хотиржамлик билан ҳаёт кечирипти. Энди эса фалакнинг ўжарликларидан ва золимларнинг адолатсизликларидан унинг ҳаётида ажиб ҳоллар ва турли фитналар содир булиб, нажот истаб юқорига юзланди³.

Умидимиз шулки, мажруҳлар жароҳатининг шифоси бўлмиш барчага раво кўриладиган лутфингиздан ва эзилганлар давоси бўлмиш карамли хулқингиздан баданига қувват ва кўнглига сиҳҳат ҳамда турмушига барака ва аҳволига фаровонлик юзлангай. Омин, ё раббил оламин.

107¹

Рубоий:

Қанчалар оғир водий экан фано саҳроси²,
Бу водийдан утмасликнинг йўқдир чораси,
Ҳеч қайтмади кетганларнинг биронтаси,
Киши ким деб билсин унинг даракчисин.

Бу рубоийдан мақсад шундайки, умр тори ўргимчакнинг ипидан ингичкароқ ва ҳам нозикроқ ва ҳаёт кўйлаги унинг пардасидан юпқароқ ва ҳам чурукроқдир. Ажалнинг беаёв шамоли фалак атласини³ порадора қилган зўр офатдир. Шундай бўлгач, умр торига

қандай асос ва у ҳаёт кўйлагига қандай ишонч бўлсин. Хусусан, бу хаста баданга улим заъфарон тусли⁴ пардалар туширди ва СИН ҚАСРАТИ «СИН» АДАДИГА БАРОБАР⁵ бўлди. Яъни, ёш ҳисоби олтишга етганда у ажал ўқидан белги берган ўқ ёйдек бало қадди ҳаёт ўқини йироққа отгувчи асбобини ясайди⁶. Шундай экан фақир⁷ бундай ҳолатда «фақру-л-лоҳ»⁸ ҳукми билан Тангри уйига бормаи, қайга борсин.

Жавоб:

Рубоий:

Аллоҳ берса йулингни Қаъба томон кетгайсан,
Ул Масжиди Ақсода¹⁰ тоат, тавоф этгайсан,
Бу хаста кунгилдан Тангри хотири жой олибди,
Бу хотирни тутмасанг, нетгайсан?

ИЗОҲЛАР

1. Аслиятда «дуруд». Алишер Навоий ижодиёти учун хос бўлган бир хусусият ушбу асаридида ҳам кўзга ташланади. Яъни, шоир бошқа асарларидаги каби «Муншаот»да ҳам маънодош сўз ва иборалардан жуда унумли ва ўринли фойдаланади. Юқорида «ҳамд» сўзини қўллагани учун энди дуо, салом, яхшилик тилак маънолари билан бирга мақтов маъносига ҳам эгаллигини ҳисобга олиб «дуруд» сўзини ишлатмоқда. Шунингдек, шу ернинг ўзида яна у «қалам» ва «килк» (қамиш қалам), «баён» ва «адо», «иншо», «руқъа» ва «нома», «асҳоб» ва «аҳбоб», «маъруз бўлур» ва «арзға еткурлур» каби маънодош сўз ва ибораларни қўллаган.

2. Балогат — етуклик маъносидаги бу сўз айни пайтда сузга чечанликни, сузни ихчам ва лунда, шунинг билан бирга гузал ва мазмундор қилиб қўллаш маҳоратини ҳам англатган. Бу ўринда ушбу сўз пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидан бири тарзида тилга олинмоқда. Умуман, юқорида Аллоҳ номига ҳамд (мақтов) ва бу ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) номига наът (мадҳ этиш)дан иборат асар муқаддимасини қалам ва сўз, рақам қилиш ва ёзилиш каби сўзлар қўлланган жумлалар билан бошланиши замирида муайян мақсад бор. Муаллиф муқаддимани асар мундарижаси билан уйғунлаштирмоқчи. «Муншаот» асарининг мундарижаси эса ёзишмалар тупламидан иборатдир.

3. Аслиятда бу икки сўз ўрнида «тарокиби» сўзи қўлланган ва бунда ўша давр мактублари наср ва шеърий парчалардан таркиб топганлиги назарда тутилган. Шунга кўра «сатр ва мисра» дея асосий таркибни ташкил этувчи насрий ҳамда шеърий парчаларни ифодаладик.

4. Аслиятда «иншолари». Бу сўз бир қанча маъноларга эга: 1. Пайдо қилиш, яратиш (бирор нарсани). 2. Ижод намунаси. 3. Умуман ёзув, ёзилган матн.

Урта аср Шарқда кишилар уртасидаги, хусусан илм ва ижод аҳли уртасидаги узаро ёзишмалар кенг тус олибгина қолмасдан ҳар жиҳатдан такомиллашиб

бориб, узига хос бир санъатга айланган. Иншо санъати деб аталган бундай ёзишмалар намунаси араб ва форс тилларида яратилган. Навоий бу ўринда ана шундай ёзишмаларни назарда тутмоқда.

Навоий асарда яна ёзишманинг арабча «мактуб», «руқъа», «хат», арабча-форсча «арзадошт», форсча «нишон», «нома» ва туркийча «битик» шакллари қўллайди. Биз улардан учтасини — мактуб, нома ва хат шакллари ишлатдик.

5. Ана шундай мақсад билан ишга киришган Навоийнинг дастлабки битган мактублари муайян шахсларга ёзилган хатлар булмай, балки шарқ иншо санъатининг ўзбек тилидаги илк бадий намунасидир. Бинобарин, бу мактубларни Навоий битган, ёзган дейишдан кўра яратган дейиш ўринлидир. «Муншаот»нинг бош қисмидаги номалар, хусусан йил фасллари билан боғлиқ тўрт мактуб, денгиз сафари ҳақида ҳикоя қилинувчи 6-мактублар ана шу тарздаги хатлар эканлигини уларнинг мазмунидан осон билиш мумкин. Масалан, Навоийнинг ичкиликка майл билдириши (1-мактубда), тунда куп ичиб кундузи бош оғриғи азобини тортиши (2-мактубда) ҳақиқатдан йироқ ҳолдир; шоирнинг қайсидир денгиз узра хавф-хатар остида сузиб қайсидир мамлакатга борганлиги ҳақидаги ишорани ҳали ҳеч ким бирор манбада учратмаган.

Иккинчидан, мазкур мактубларнинг иншо санъати намунаси эканлиги уларнинг ранг-баранг бадий санъатлар асосида яратилганлигида ҳам куринади.

1

1. Яъни, мактуб юборилаётган шахс ҳақида қилинган дуо ва тилакларни ижобат этишни Аллоҳдан ўтиниб суралгач.

2. Яъни, Қоф тоғидек (афсонага кўра бу тоғ гўё ер юзини ўраб олган эмиш) тоғдан бир қанчаси миқдорнда.

3. Баҳор шабадасидан бошини тебратаётган лолага нисбатан образли ифода.

4. Бу байтнинг аслиятида ҳар хиллик мавжуд: «Муншаот»нинг 1966 йилдаги нашрида (қаралсин: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн учинчи том, Т., 1966, 88-бет).

Авжики битиб фалак симоғин,
Қоплондин олиб қамар тувоғин,

деб босилган булса, асарнинг ҳ. 904, с. 1498/99 йилда кучирилган бир қулёзма нусхасида (бу қулёзма Санкт-Петербургдаги Давлат халқ кутубхонасида 55-инв. рақам билан сақланади).

Авжики етиб фалак симоъин,
Қаплондин олиб қамар низоъин,

тарзида ёзилган. Шунингдек, кейинги асрларда кучирилган бир қанча нусхаларда ҳам шундай ёзилган. Иккинчи бир эътиборли нусха, яъни Алишер Навоийнинг узи тасниф этган куллиёт (ҳ. 901—902, м. 1496/97—1498/99 йиллар кучирилган бу куллиёт ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Гупқопи сарой хазинасида 808-инв. рақам билан сақланади) таркибидаги «Муншаот»да эса

Авжики етиб фалак симоъин,
Қаплондин олиб қамар тароғин.

тарзида ёзилган. Араб ёзувида «етиб» ва «йитиб» сўзларни бир хил ёзилади: **يَتِيب**. Биринчи мисрадаги бу сузни биз «йитиб» ўқидик. Гап қурилиши, яъни мисра сўнгидаги сўзнинг тушум келишиги қўшимчасида эканлиги шуни тақозо этади. «Йитиб» сўзнинг маъноси йўқолмоқ, йўқ қилмоқдир. Мазкур мисрада йўқ қилиш маъносинда ишлатилган. Яъни, кукламнинг авжи шунчалик юксакликка кўтарилганки, у ҳатто фалакка етиб унинг куйини босиб, қамраб олган. Яъни, фалак куйи унинг остида эшитилмай қолган.

Иккинчи мисра сўнгидаги сўз «низоъин» бўлиши тўғридир. Чунки, вазн жиҳатидан ҳам, қофиядошлик жиҳатидан ҳам ана шу сўз «симоъин» сўзига мосдир. 808-инв. рақамли нусхада бу сўзнинг «тароғин» (**تراغين**) ёзилиши бизнингча, хаттотнинг ихтиёрсиз равишда қилган хатоси бўлиши керак. Яъни, «зе» ҳарфининг нуқтасини «те» нуқтаси билан ёнма-ён қўйиб юборган ёки манбадан нотўғри ўқиган.

5. Суман — хуш исли гул, ёсмин гули.

6. Сунбул — қора рангли, хуш бўй таратувчи ўсимлик.

7. Қуръони карим, Ғошия сураси, 18-оят.

8. Қуръони карим, Ғошия сураси, 19-оят.

9. Лола май идиши, қадаҳга ўхшатишмоқда.

10. Яъни, булут тусидаги май шишасидан.

11. Яъни, қизил рангли шиша қадаҳга. Бу ўринда

баҳорий манзара завқи туфайли май ичишга рағбат пайдо бўлди, дейилмоқчи.

12. Яъни, кабоб пишириш учун тошлардан «кўра» қилиниб, унга ўт ёқишда чакмоқ тош ишлатишга тўғри келди.

13. Дажла — Бағдод шаҳри ёнидан оқиб ўтувчи дарё номи.

14. Аслиятда «густохлик». Андишасизлик, тортинмаслик, ибосизлик маъноларини англатувчи бу сўзни Навоий юқори мартабали шахслар, хусусан мамлакат ҳокими Султон Хусайн Бойқарога ёзган мактубларида кўп ишлатади. Бу албатта, тавозенинг бир ифодаси, яъни, ўзини паст олиб, бу ибосизлигимиз ва одобсизлигимизни маъзур тутасиз қабилдаги узр сўраш. Аслида эса унинг бу ёзганлари ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, маслаҳат ва таклифлар одобсизлик ёки ибосизлик эмас, давлат манфаатларига мос ва подшоҳ кўнглига мақбул тушадиган гаплар эди. Шунга кўра бу сўзни қўштирноқ ичидаги одобсизлик сўзи билан беришни мақбул топдик ва баъзи уринларда «журъат этдик» иборасини қўлладик.

15. Навоий мактубларини тўплам ҳолига келтириб китобга кўчираётган чоғида уларда тилга олинган баъзи шахслар исмини «фалончи», «фалоний» сўзларига алмаштирган.

16. Аслиятда «кўх навард ашҳоб», хат ёки хабар ташувчининг минган буз оти назарда тутилмоқда.

17. Мактуб мваллифи ўзини назарда тутмоқда, яъни хат-хабар келишига кўз тикиб яшаётганлигига ишора қилинмоқда.

2

1. Саратон — луғавий маъноси қискичбақа. 2. Қадимги фалакнёт илмига кўра осмоннинг ўн икки буржидан тўртинчиси ҳисобланмиш мазкур буржни қискичбақа (саратон) шаклида хаёл қилганлар. Қуёш йил ҳисоби бўйича 22 июнь — 22 июлга тўғри келади.

2. Самандар — ўт ичида яшовчи афсонавий жонивор. Қуёш ўтида саратон, яъни қискичбақа ана шу самандарга айланди, дейилмоқчи.

3. Оташкада — ўтга сиғинувчилар ибодатхонаси.

4. Яъни, осмонда.

5. Жавзо — қадимги фалакнёт илми бўйича ўн икки буржнинг учинчиси. Қуёш ҳаракатига доир йил ҳисоби бўйича 21 май—21 июнга тўғри келади.

6. Жавзо буржи ёнма-ён турган қиз бола шаклида тасаввур этилган. Бу ўринда ана шу икки қиз тасвири назарда тутилмоқда. Форсийлар уни «ду пайкар» деб аташган.

7. Аслиятда «савобит доналари».

8. Яъни, буғнинг ҳарорати хаёлий тасаввуротни ҳам куйдиргудек эди, дейилмоқчи. Бу ўринда Навоий муболага санъатининг «гулувв» шакли намунасини яратган. Гулувв ақлга сиғмайдиган даражада муболага қилишдир.

9. Мумтоз адабиётимизда «эшик» сўзи ҳозирги маъносидан ташқари яна даргоҳ, сарой, уй, ҳовли ва ташқари жой маъноларида ҳам қўлланган. Бу ўринда «эшик» уй, даргоҳ маъносида қўлланмоқда.

10. Сабухий — аввалги кун ичилган ичкилик туфайли юзага келган бош оғриғини тарқатиш учун тонгда май ичиш.

11. Араб ёзувида «алиф» (ا) ҳарфи ҳамма вақт бир хил ҳолатда — тик ёзилишига нисбатан ухшатиш қилинмоқда.

3

1. «бисот бустони» — ер юзи дейилмоқчи.

2. «бўстон бисоти» — боғ-роғлар дейилмоқчи.

3. Сипеҳр — бу ўринда «фалак», яна ҳам аниқроғи «тақдир», «қисмат» маъносида қўллаинилмоқда; гулбун — гул дарахти, гул бутаси.

4. Заъфарон — сариқ тусли, хушбуй ўсимлик. Халқ тилида ва адабиётда уртаниш, дард чекиш оқибатида ранги синикқан чехрага нисбатан кўпроқ шу сўз ишлатилган.

5. Бу ўринда қуёшнинг еттинчи бурж — мезон буржигга кирган вақтда юзага келадиган кузги тенг кунлик ҳақида сўз бормоқда. Ана шу ҳолат, яъни, кеча билан кундузнинг тенг келиши Шарқда кенг тарқалган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасида ўғай акаларидан арзон баҳода сотиб олган Юсуфни мисрлик савдогар Малик бин Зиар Мисрга келтириб унинг вазнига тенг мушк баҳосида сотганлигига қиёс қилинмоқда. Шу тариқа талмех санъатининг гўзал намунаси яратилган.

6. Аслиятда «заъфарон афшоний қилғондин». «Афшона қилмоқ» — китобга ранг зарраларини пуркаб, безак бермоқдир.

7. Қуръони карим, Таборак сураси, 5-оят.

8. Қуръони карим, Нур сураси, 35-оят.

9. Каҳрабо — сариқ рангдаги бир турли тош. Сўзнинг асл маъноси сомонни ўзига тортувчи (каҳ — сомон, рабо — тортувчи). Чунки бу тош сомонни ўзига тортиш хусусиятига эгадир. Мажозий маънода сариқ ранг ифодаланган.

10. Аслиятда «ул хуршеди камол». Мактуб йўлланаётган кишига нисбатан лутф кўргазилмақда.

11. Навоий бу уринда ўзини назарда тутмоқда.

12. Асфарнишон — сарғайиш, сарғайган ҳолат.

4

1. Бу ўринда Навоий ўзбек мумтоз адабиётида кам учрайдиган қалб санъати намунасини яратган. Маълумки, «қалб» сўзи юрак. дил маъносидан ташқари яна бирон нарсанинг ўртаси ва тескари айлантриш, тескари ўқиш каби маъноларга ҳам эгадир. «Шито қалбида» ибораси «қалб ўртасида» маъносида қўлланилмақда, «шито қалбининг» ибораси эса «қалб» — «тескаридан», деган маънода ишлатилмақда (аслиятга қаранг). Араб ёзувида «шито» — شیتو тескари қилса «оташ» — اتش бўлади.

2. Бу сўзни Аллоҳдан ёлвориб тилак билдириш маъносида тушуниш керак.

3. Қор зарралари назарда тутилмақда.

4. Зардушт — қадимий Эронда оташпарастлик динига асос солган киши.

5. Манқал — оташдон. Киш кезлари исниш мақсадда ўт жойлаштириладиган тўгарак темир идиш. Мажозий маънода «қиздирувчан».

6. Баҳман — шамсия йилининг ўн биринчи ойи, 20 январь — 18 февраль кунлари оралиғига тўғри келади.

7. Маздак — Маздак ибн Ҳамдодон (470—529), маздакийлик таълимотининг асосчиси, маздакийлар ҳаракатининг раҳбари. У халқ оммасининг зардушт қоҳинлари ва зодагонларига қарши курашига бошчилик қилган.

8. Сурайё — Ҳулқар — кичик юлдузлар туркуми.

9. Соқий — даврада май қуювчи.

10. Аёқчи — бу ҳам шу маънода. Аёқ — май идиши.

11. Тарёк — қора дори.

12. Лаъл — кизил қимматбаҳо тош. Мажозий маънода сеvimли ёрнинг лаби.

13. Яъни, ўт хонани қиздиргани каби май одам ичини қиздирса, май одам ичини қиздиргани каби ўт уй ичини қиздирса.

14. Аслиятда «шийра». Шийра ёки шира — май идишлари қўйиладиган хонтахта.

15. Мушк — қора тусли хушбўй модда. Мажозий маънода «тим қора» ва яна «сочнинг қоралиги ва ҳиди».

16. Яъни, тақдирда ёзилмаган бўлса, дейилмоқчи.

17. Меҳри гиёҳ ўсимлигининг ҳамма вақт ҳар кимга ҳам кўринавермаслиги, унинг ноёб эканлигига нисбатан ўхшатиш қилинмоқда. Кейинги жумлада эса «меҳр»нинг қуёш маъносига ҳам эғалигидан келиб чиқиб ўхшатиш қилинган.

18, 19. Мактуб йўлланаётган шахс назарда тутилмоқда.

20. Яъни, хираланган.

21. Хат муаллифи узини назарда тутмоқда.

5

1. Мактуб йўлланаётган шахсга берилаётган сифат.
2. Қамонхона — камон отиш машқ қилинадиган жой.
3. Қавс — камон, ёй; ўн икки буржннинг туққизинчиси — 22 ноябрь — 21 декабрга тўғри келади. Бундан аввалги «тоғ эчкиси» иборасида жадй ойига ҳам ишора бор. Зеро, тоғ эчкисининг арабча номи жадйdir.

4. Жадй ойининг бошлари тун энг узайган вақтдир.

5. Қор ёғдирувчига дейилмоқчи.

6. Яъни, мактуб йўлланаётган шахснинг юзи.

7. Яъни, юз жилваси. Висолга етишиш орзусининг камтарона ифодаси.

8. Майнинг инсон танасини қизитиш хусусияти назарда тутилмоқда.

9. Бу сўзнинг аслиятдаги шакли — «кетарур» 1966 йилдаги нашрда техник хатолик билан, яъни «кетирур» тарзида босилган (қаралсин: Алишер Навоий. Асарлар. Ун учинчи том, Т., 1966, 95-бет).

6

1. Яъни, дард касасини. Навоий ушбу мактубни ўзига хос муқаддима билан бошлайди. Мактубда қандайдир топшириқ билан узоқ манзилга йўл олиб саҳро ва тоғликлардан иборат масофани босиб утгач денгизга дуч келиб уни кемада сузиб ўтган киши тилидан сўз юритилади. Бу мусофирнинг орзуси зиммасидаги вазифани бажариб булгач яна соғ-омон ватанига қайтиш. Ана шу мақсадга ишора қилиш ҳамда денгиз манзараси ва ундан сузиб ўтиш ҳикоясига йўл очиш учун

Навойи муқаддимада бароати истихлол санъатини қўлламоқда. Яъни, гапни денгиз (дарё), дур (гавҳар), кема, соҳил каби сўзлар билан бошламоқда. Муқаддимага хос яна бир бадий хусоият икки маъно чиқариш мумкин бўлган сўзларнинг қўлланишидир. Чунончи «сафина» сўзининг биринчи маъноси кема бўлса, иккинчи маъноси шеърлар тўпламидир; «жунг» сўзининг биринчи маъноси катта кема бўлса, иккинчи маъноси турли шеърлар ёзиб қўйиладиган дафтардир. Шунингдек «мурассаъ қилмоқ» бирор нарсани қийматли тошлар билан безаш ва айни пайтда шеърда икки мисрадаги сўзларнинг ҳар жиҳатдан бир-бирига мос ва оҳангдош бўлиб келиши ҳодисасидир; «бахр» сўзининг эса асосий маъноси денгиз, шунинг билан бирга шеърда вазн, улчов маъносидадир. Айни пайтда шоир ана шу ўриннинг ўзида маънодош сўзларни ҳам қўллаган: кема — сафина — жунг; дарё — тенгиз — баҳр.

2. Гулмех — қалпоқли узун мих.

3. Сифот — сифатлар.

4. Нуҳ тўфони — Нуҳ пайғамбар ўз қавмини яккаю ягона илоҳга итоат қилишга даъват этади. Бироқ қавми унинг даъватига юриш урнига унинг устидан кулиб мазах қилади, ҳатто баъзи боёнлари унга шартлар қўядилар. Шунда Аллоҳдан Нуҳга кема ясаш ва у кемага Аллоҳга имон келтирган кишиларни ва ҳар жонивордан бир жуфтдан чиқариш ҳақида ваҳй келади. Кема ясалиб тайёр бўлгач, ер остидан сувларнинг отилиб чиқиши ва кўкдан қаттиқ жала қуйилиши оқибатида ер юзини сув босиб осий қавм ҳалок бўлади. Нуҳ кemasидагилар эса омон қолади.

5, 6. Хат муаллифи узини назарда тутмоқда.

7. Яъни, танасидаги тангалар.

8. Яъни, яратгучи Аллоҳ.

9. Наҳанг — бу уринда тимсоҳ маъносида.

10. Хоро — гранит.

11. Исфахон сурмаси — аъло сифатли сурма.

12. Руммоний ёқути — анор донаси каби қип-қизил ёқут.

13. Яъни, бориш керак бўлган манзил, борилажак маскан.

14, 16. Яъни, ана шундай машаққатли йўлимизда содир бўлиши мумкин бўлган ногаҳоний фалокатлардан сақлашни Аллоҳдан сўраб дуо қилиб туринг, дейилмоқчи.

15. Яъни, Аллоҳга ёлвориш.

1. Фано — йўқ булиш, бақосизлик. Бу ерда «фано урмонзори» ибораси орқали бу дунёнинг ўткинчилиги назарда тутилмоқда.

2. «Дуога ҳовуч очмоқ», дейилмоқчи. Ҳозирда бу ибора ўрнига «қўл очмоқ» деган нотўғри ибора қўлла-нади.

3. Мактуб муаллифи ўзини назарда тутмоқда.

4. Суз бораётган ер Мозондарон ўлкаси эканлиги, шубҳасиз, мактуб Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб юборилиши воқеаси билан боғлиқ эканлигини кўрса-тади.

5. Аслиятда «суҳо» — Ҳулкар тўпламидаги юлдуз-ларнинг энг хираси.

6. Сидра — кедр дарахти.

7. Аҳраман — даҳшатли дев.

8. Хома — қалам.

9. Масиҳ — Исо пайғамбарнинг лақаби. У ўзининг нафаси билан ўлган таналарга жон киритган, деган ривоят юради.

10. Хиэр чашмаси — Хиэр пайғамбарнинг излаб топ-ган тириклик суви.

1. Навоий мактубининг бу кириш қисмида темурий-лар давлатини гуллаб турган бир гул дарахтига, Ҳу-сайн Бойқарони давлат тепасига келишини (1469) у дарахтда яна бир гул очилишига ўхшатиб, ушбу жум-лалар билан эса Едгор Мирзога ўхшаш тахт даъво-гарларининг давлатни эгаллаш учун зимдан тайёргар-лик кўраётган кучларга ишора қилаётган бўлиши ҳа-қиқатга яқин.

2. Сайид ал-мурсалин — пайғамбарлар етакчиси.

3. Нек аҳдлиғ — бу ерда вафодорлик маъносиди.

4. Тааммул — чуқур ўйлаш, жиддий мулоҳаза қи-лиш.

5. Бебок — қурқмас, ҳайиқмас.

1. Навоий ўзи ва ўзига ўхшаган садоқатли киши-ларни назарда тутмоқда.

2. Яъни, пайғамбар Муҳаммад с.а.в. шариатига.

3. Ҳадиси шариф.

4. Яъни, Аллоҳи таоло билан.
5. Азал қисмати — яратгувчи томонидан аввалдан белгилаб қўйилган, пешонасига ёзилган.

10

1. Хўтан қўшини — ёруғлик.
 2. Хандақ — шаҳар қалъаси деворнинг ташқарисидан душман утолмасин учун гир айлантириб қазилган чуқурлик. Ҳатто, баъзи ҳолларда унга сув ҳам тулдирилган.
 3. Ҳабашистон шоҳи — қоронғи тун назарда тутил-япти.
 4. Чавандозлар шоҳи (чобуксуворлар шоҳи) дейлишига кура тилак билдириляётган шахс, яъни, (мактуб адресати) ёш йигит, айтиш мумкинки ёш шахзода бўлиши керак.
 5. Қуёшнинг ер ортидан кўтарила бориши билан қоронғуликнинг йуқолиши ҳодисасини чиройли ташбиҳ ва гўзал истиоралар воситасида ифодалаган ҳолда ана шу ҳолатга ўхшатиш тарзида ёш шахзода ҳам душманларини енгиб тахтни эгаллашини Аллоҳ насиб этсин деган тилак — дуо айтилмоқда.
 6. Ҳисори Шодмон — қадимги Сағониён (Чағониён) вилоятининг XIV—XV асрлардаги номи.
 7. Навоий кўп ҳолларда узини наст олнш мақсадида камтарлик билан узига нисбатан «ҳақир», «фақир», «хоксор», «қул», «заиф», «нотавон», «банда» каби сўзларни қуллайди.
 8. Бу маслаҳатлар давлат ишларига доир масалалар бўлиши керак.
 9. Яъни, мактуб йўлланаётган шахснинг. Демак, шахзода ҳам Навоий зиммасига қандайдир бир топшириқ юклаган ёки бир масалани ҳал қилинишида ундан ёрдам сураган.
 10. Хуросон вилояти — теурийлар даврида Хуросон давлати таркибидаги вилоятлардан бири. Навоий ҳаётида кўп марта булган ва маълум муддат яшаган шаҳар Машҳад ана шу вилоят ҳудудида жойлашган. Бугунги кунда ҳам мазкур вилоят Хуросон номи билан аталади. Бироқ, ҳозирда у маъмурий жиҳатдан Эрон давлати таркибидадир.
- Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафтари» номли китобида мазкур «Хуросон давлати» деб янглиш тушунилган. Бунинг устига Хуросонда турган ҳолда яна

қанақа Хуросонга юборилиши мумкин, деган савол кўндаланг бўлганлиги сабабли Самарқанддан Хуросонга юборилган бўлиши керак деган тахмин билдирилади (қаралсин: Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари, Т., 1959. 213-бет).

11. Мактуб¹ йўлланаётган шахс, яъни шахзода доим давлат ҳукмдорн Ҳусайн Бойқаро эътиборида бўлсин ва унинг истакларини амалга оширсин, деган маънодаги тилак.

12. Аслиятда «паршон абётға» дейилган. «Паршон» сўзини қўллашдан мақсад у байтларнинг тугал шеърий асар эмаслигини, балки мактубда ёзилганларга илова тарнқасида насиҳат ёки маслаҳатлардан иборат шеърий парчалар эканлигини таъкидлашдир.

13. Соҳиб тож — тож эгаси, подшоҳ.

14. Шаҳзоданинг юқорида тилга олинган топшириғи ёки илтимоси билан боғлиқ иш ҳақида гап кетмоқда. Афтидан, бу ишнинг амалга ошиши кечикаётгайлигиндан шахзода маломатли гаплар қилган.

15. Нақб — ер остидан яширинча кавланган йўл.

16. Яна бошқа мактубларда ҳам учровчи бу сўз орқали Навоий пойтахт Ҳиротни, Султон Ҳусайн Бойқаро саройини назарда тутаяди.

II

1. Анбиёни мурсалин — китоб туширилган пайғамбарлар.

2. Қуръони карим. Сажда сураси, 34-оятдан.

3. Ҳадиси шариф.

4. Ҳусайн Бойқаро саройи назарда тутилмоқда.

5. Бу кун милодий ҳисобда 1487 йил 26 октябрга тўғри келади.

6. Яъни, инсонларга хос кўзга ташланавермайдиган салбий феъл-атворлар туфайли ҳамма вақт ҳам кўзланган мақсадга эришаверилмайди, дейилмоқчи.

7. Қуръони карим. Наҳл сураси, 90-оятдан.

8. Ҳазрат рисолат — пайғамбар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам.

9. Чоғир — май, шароб.

10. Демак, Навоий саройдалиқ чоғида мактуб йўлланаётган шахсга, у бизнингча Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамондир; насиҳатлар қилиб юрган.

11. Яъни, Ҳусайн Бойқаронинг.

12. Яъни, пайғамбар Муҳаммад с.а.в. шариати, шариати исломий.

13. Яъни, шоҳ Ҳусайн Бойқаро.

12

1. Яъни, ҳар бир иш Аллоҳнинг буйруғи билан бўлишини ёддан чиқармаслик керак, дейилмоқчи.

2. Қазойи қадар — бу сўзларнинг ҳар бири бир нечта маъноларга эга. Айни пайтда уларнинг «тақдир», «ёзмиш» маъносига ҳам эгаллиги туфайли бу уринда бирга қулланилмоқда.

3. «Мусулмонлар» деб оддий фуқарони назарда тутилмоқда.

4. Подшоҳ — Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутилади. Демак, мактуб унга тобеъ булган вилоят ёки шаҳарлардан бирининг ҳокими, эҳтимол шаҳзодалардан бирига ёзилган.

5. Мактубни «айбдорларча» бундай оҳангда тугатлиши ҳам унинг ҳоким шахсга йўлланаётганлигини кўрсатади.

6. Навоий айрилиқдан қутулиш ва дўстлар ёнига қайтиш истаги билан Аллоҳдан умидворлигини билдирмоқда.

13

1. Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий фаолияти бошланган 1470 йилдан умрининг охиригача булган вақт ичида беш маротаба сафар ойнанинг боши шанба кунига туғри келган: 1471 йил 20 июль, 1479 йил 24 апрель, 1487 йил 27 январь, 1494 йил 1 декабрь ва 1499 йил 8 август (қаранг: В. В. Цибуловский. Современные календары стран Ближнего и Среднего Востока, М., 1964, стр. 78—80). Бу уринда тилга олинаётган кун 1487 йил сафар ойининг биринчи кун булиши керак. Чунки, бундан аввалги мактубда Навоий Астрободда эканлигини ёзади. Ундан аввалги мактубда эса Астрободга жунаётганлиги айтилган эди. Мазкур мактубнинг ана шу мактублар билан ёнма-ён келишига кура унинг ёзилиш санаси ҳам уларнинг ёзилган вақтига яқин туради.

2. Юқоридан — «Муншаот»даги яна бошқа мактубларда ҳам учровчи бу сўзни Навоий пойтахт Ҳирот ва у ердаги подшоҳ саройига нисбатан ишлатади.

3. Бу мисралар орқали Навоий мактуб йўллаган

шахсга нисбатан мамнунлигини изҳор этиш ва эҳтиром бажо келтириш расмини адо этганлигини баён қилмоқда.

4. У даврларда мактуб ёзилган варақ урам ҳолига келтирилган ва урамнинг ўрта белидан ип ёки ипак боғич билан боғланган. Сунгра уни ўрам шаклига мослаб ясалган махсус қутичага солиниб, қутича қопқоғи сирач билан муҳрланган. Иккинчи мисрада ана шу мактуб урамни «алиф» ҳарфига ўхшатиш ҳолда сўз ўйини қилинмоқда. Яъни, унинг «жон» сўзи орасида (ўртасида) келиш ҳолатига мактубни жонда қўйишига қиёс қилинмоқда.

14

1. Навоий аксарият мактубларининг насрий қисмини «Қуллуқ арзадошт улким...», «Қуллуқ дуодин сунгра арзадошт улким...» жумлалари билан бошлайди. Бунда у «қуллуқ» сўзини бўйсунувчи, итоат этувчи, хизматда бўлувчи маъносида қўллаган. Жумла эса «Биз қулингиз, хизматкорингиз ҳақингизга дуо қилганимиздан сунгра шунга маълум қиламизки», деган маънони ифода қилади. Шунга кўра биз шартли равишда «қуллуқ» сўзини «қуллуқона» тарзида бердик.

2. Бундан аввалги мактубда ҳам ана шу кун Навоий «юқоридан» хат олганини назарда тутсак, бу ҳар икки мактубни бир киши келтирган бўлиб чиқади.

3. Навоий камтарлик билан ўзини туфроққа, хат йўллаётган кишисини эса қуёшга ўхшатмоқда.

15

1. Султон Ҳусайн Бойқаронинг биринчи марта Ҳирот тахтига ўтириши (ҳижрий 873 йил рамазон ойининг 10-куни, милодий 1469 йил 24 март) назарда тутилмоқда.

2. Бу девон шоирнинг ўзи томонидан тузилган биринчи девони — «Бадойиъ ул-бидоя» («Баднийлик ибтидоси») бўлиши керак. Чунки «Бадойиъ ул-бидоя»нинг «Дебоча»сида Навоий ушбу девонни тузишга Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан киришганини ёзади.

3. Яъни, «Аллоҳники эди», дейилмоқчи.

4. «Дебоча»да яна ёзилишича Ҳусайн Бойқаро

Чу билдинг ҳукм бор, ишдин ружу эт,

Равон мақсуд сори-ўқ шуруъ эт,

Мураттаб қилмағунча тинма бир дам.

Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам.

дея девон тузиш ншини тезроқ тугаллашни буюрган. Шунин назарда тутган ҳолда Навоий ана шу мулоҳазани қилмоқда.

Ана шу тариқа юзага келган «Бадойиъ ул-бидоя» девонининг тузилган йилини таиқли адабиётшунос ва фольклоршунос олим Ходи Зариф 1471 ёки 1472 йил деб кўрсатади (қаранг: «Бадойиъ ул-бидоя»нинг тузилган йилини аниқлашга доир. Фозиллар фазилати, Т., 1969, 86—94-бетлар).

5. Ҳусайн Бойқаро даргоҳига етишганликка ишора.

Демак, Султон Ҳусайн Бойқаро таклифи билан девон тузиш ишнинг ижроси ва юзага келган девонни ўз одами орқали шох ҳузурига юборилиши ҳақида сўз борувчи ушбу мактуб, шубҳасиз Султон Ҳусайнга ёзилгандир.

16

1. Салтанат эгаси Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда. Наврӯз табриги тариқасида битилган бу мактуб «салтанат сипеҳрининг қуёши» дея улуғланаётган Султон Ҳусайнга йўлланганлиги унинг мазмунидан кўриниб турипти. Мактубнинг ёзилишига яна бир сабаб — унда айтилганидек, Султоннинг Навоийга «муддатедурким, арзадошт битмайсен» дея гинали оҳангда хат юборганлигидир.

2. Ворислик бўстони (хилофот бўстони) да — Султон Ҳусайн Бойқаронинг Амир Темур авлоди сифатида тахт вориси эканлигига ишора.

3. Баҳор фасли воситасида ташбиҳлар ишлатилиши ва мактуб йўллаётган шахсни ёш сарв ниҳоли (сарвни навхези)га ўхшатилишидан мактуб Султон Ҳусайннинг тахтга ўтирган дастлабки дамларда ёзилган бўлиши керак.

4. Ҳусайн Бойқаро бошлиқ сарой мулозимлари, хусусан шеърят ихлосмандлари назарда тутилмоқда.

17

1. Ёмғирдан кейин осмонда пайдо бўладиган кама-лак кемаси назарда тутилмоқда.

2. Яшил парда (яшил мушаммаъ) — ёмғир ва умуман сув ўтказмайдиган парда.

3. Ҳилолий жом — янги ой шаклидаги май илмини.

4. Эзгулик пардозчиси (хайр машшотаси) — яратувчи Аллоҳ назарда тутилмоқда.

5. Мактуб муаллифи турган ердаги ишлар кўнгилдагидек ва бу вилоят ёки шаҳарда осойишталик ҳукмрон эканлигининг бадий тарздаги баёни.

18

1. Кулл нафсун зойиқат ул-мавт. «Ол-имрон» сураси, 185-оят.

2. Ва кулл ман алайҳи фанин. «Ар-раҳмон» сураси, 26-оят.

3. Рубоний мазмунидан Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғилларида бири бевақт вафот этганлиги маълум бўлади. Демак, мактубни Навоий таъзиянома тариқасида Султон Ҳусайн Бойқарога йўллаган.

19

1. Яъни, бу одам зиммасидаги вазифасий адо этмоғи лозим.

2. Бу ва яна бир қанча мактубларидаги «яқинда бу матлаъ воқеъ булубтур, густоҳлик қилинди», «бу матлаъ воқеъ бўлиб эрди, ислоҳқа ҳокимсиз» ёки «ислоҳқа мушарраф бўлғай» каби жумлалар Навоийнинг қандай сабаблар билан қаерларда юрган бўлмасин, қаламни қўлдан қўймаганлиги ва у уша вақтдаги аҳволи руҳияти, кайфияти, айрилиқ туфайли юзага келган изтиробли ҳолатини ифодаловчи матлаъ ёки шеърини парчаларни битгаилиги ва уларни таҳрир учун Ҳусайн Бойқарога юбориб турганлигидан гувоҳлик беради.

20

1. Ҳидоят нури — тўғри йўлни кўрсатувчи нур.

2, 3. Навоий узини назарда тутмоқда. Умуман ҳукмдор шахс бўлмиш мактуб йўлланаётган шахсга эзгу тилаклар билдириш билан бирга узининг ҳам уша ҳукмдорнинг назар-эътиборида бўлишига умидворлик билдирмоқда.

4. Ирам — афсонавий гўзал ва хушҳаво бир боғнинг номи.

5. Яъни, тош ва қатрадан.

6. Яъни, қуёш ва денгиздан.

7. Навоий дилидаги мақсадини чиройли ўхшатишлар воситасида баён қилмоқда. Яъни, қуёш тошни жавҳар ва денгиз қатрани гавҳар этганидек, сенинг ҳам ҳиммат ва саховатинг билан ишларим ўнгансин, дейилмоқчи.

1. Сулаймон алайҳ ус-саломнинг чумолилар галасининг шоҳи билан мунозара қилганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида ҳам бу ривоят келтирилган (Алишер Навоий. Асарлар, 15 том, 226-бет). Ана шу ривоятни назарда тутган ҳолда шоир талмеҳ санъати намунасини яратган.

2. Аслиятда «остон», бирон кишининг ҳузури маъносида қўлланилмоқда. Айни пайтда бу суз сарой ва остона маъноларига ҳам эга.

3. Аслиятда «эҳром боғланиб». Эҳром боғлаш — Ҳажга борганларнинг Қаъбани зиёрат қилиш чоғида кийим ўрнида оқ матони яланг қават қилиб ўраб олишларидир.

4. Мисранинг мазмуни: қазо наққоши барча тасавурирни ўзгартириб юборди.

5. Мисранинг мазмуни: агар пешонага ёзилмаган бўлса, қилинган тадбирдан не фойда, яъни тадбир иш бермайди.

6. Навоий сафар режасининг бузилишига сабабчи бўлган ҳодиса тафсилотини хатда ёзмаганлигидан у воқеанинг давлат ишларига ҳам дахлдор томонлари бўлиши керак, деб тахмин қилиш мумкин. Негаки, мактубни ёт кишилар ҳам уқишларни ёки у бегона қўлларга тушиб қолиши ҳам мумкин.

22

1, 3. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

2. Яъни, ҳар лаҳзада.

23

1. Шоҳи фархунда сифот — қутлуғ сифатларга эга (бўлган) шоҳ.

2. Бот — тез, зудлик билан.

3. Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларида «Гўй — чавгон» ўйини оммавий тус олган бўлиб, у бир-бирига рақиб икки гуруҳнинг от устида учи эгри узун таёқ — чавгон билан туп, яъни гўйни уриб белгиланган ерга туширишдан иборат бўлган. Навоий ана шу ўйин қуроллари — чавгон ва гўй воситасида ўхшатиш қилиб ўзининг тилак-дуоларини ута муболағали тарзда баён

этноқда. Бундай дуони мамлакатда фақат Султон Ҳусайн Бойқарогагина қилиниши ва қолаверса Навоийга зудлик билан Ҳиротга қайтиб келишни буюрган фақат Ҳусайн Бойқаро булиши мумкинлигинин ҳисобга олсак, мактуб ҳам унга ёзилган булиб чиқади.

4. Аслиятда «шодурвони» — Навоийнинг бу сузини ишлатиши тасодифий булмай, уни восита сифатида қўллаётган булиши керак. Ҳусайн Бойқаро бу вақтда шаҳарда эмас, уша даврда «йайлоқ» аталмиш ёзлик қароргоҳларидан бирида турган куринади.

5. Ҳадиси шариф.

6. Навоий «Муншаот»ининг Санкт-Петербургдаги Давлат Халқ кутубхонасида 558-тартиб рақами билан сақланаётган қўлёзма нусхасида (бу нусха таркибидаги мактублар миқдори бир мунча кам ва уларнинг жойлашиш тартиби ҳам асарнинг бошқа қўлёзма нусхаларидан фарқ қилади. Ана шу жиҳатларига кура уни «Муншаот»нинг дастлабки редакцияси дейиш мумкин) «фалоне» сузи урнида «Ҳожа Осафий» исми ёзилган. Бу ном бизга Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Соқийнома» асарлари, шунингдек, Хондамир ва Бобурларнинг «Мақорим ул-ахлоқ», «Бобурнома асарлари орқали таниш. Хусусан, Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг «Учинчи мажлиси»да Осафийнинг ўткир зеҳн ва кучли хотирага эга эканлигини, бироқ бу қобилиятини ишга солмасдан вақтини чапаниларча ҳою ҳавасда ўтказишини, бошқаларнинг насиҳатларига қўлоқ солмаслигини, шундай булса-да яхши шеърлар яратганини ёзади. Мактубда ёзилганлардан айтиш мумкинки, Ҳожа Осафий кейинчалик Навоийнинг насиҳат ва маслаҳатларига амал қилган, ҳатто куп вақт унинг ёнида булиб суҳбатларида иштирок этган ва шу тариқа унинг ишончли кишисига айланган.

24

1. Шаҳсувор — от устида ўтирган кўркам қоматли отлиқ.

2. Жуз — бошқа, бўлак. Мисранинг мазмуни: Унинг ҳажрида нола ва зорланишдан бошқа ишим йўқ.

3. Яъни, саргардонликдан бошим айланиб, нима қилишни ҳам билмайман.

4. Мирохур — 1. Подшоҳ отбоқарининг бошлиғи.
2. Подшоҳлик томонидан белгиланган ўрта даражадаги мансаб.

5. Яъни, бизнинг мактуб орқали билдирган давлат ишларига доир таклиф ва маслаҳатларимиз сизга мақбул тушипти, дейилмоқчи.

25

1. Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

2. Ушбу ва кейинги гапдаги «улар» олмоши орқали сўз бораётган хон назарда тутилмоқда.

3. Бу ва кейинги уринлардаги «суроқ», «сурдирмоқ» сўзларини мазкур хондан ҳол-аҳвол сўраш расмини бажо келтириш ифодаси, деб тушунмоқ керак.

4. Яъни, Сиз сўраганларингизни буйруқ тариқасида қабул қилган ҳолда уларга жавобни юбормоқдаман.

5. Яъни, укаларингиз ва бошқа юксак мартабали кишилар хонни қай тарзда сўраганларини суриштириб билгач, бу ҳақда Сизга баён этсин.

6. Ҳусайн Бойқаро фарзандларининг энг каттаси Бадиуззамондир. Шундай булгач, мактуб йўлланаётган шахс ҳам ана шу шахзода бўлиб чиқади. Сўз бораётган хон эса Ҳусайн Бойқаронинг опаси Бадака бегимнинг ўғли Ворисдир. Навоий «Соқийнома»сининг XVIII бобидаги қуйидаги мисралар шундай ҳукм чиқаришимизга имкон беради:

Соқийе, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойиға еткур ўзни...
Тура бирла бош уруб тут хонға,
Сарқутин бер мени бесомонға.
Ўзни ул сарқут ила маст қилай,
Сўзни хон базмида пайваст қилай.
Ким, аё турт улусқа ворис,
Фахр этиб зотингға руҳи ёрас.
Аслу гавҳар била хонлар хони,
Жавҳари зот ила жонлар жони.
Шаҳға меҳмону, азизу дилбанд,
Ҳам қариндош, яна ҳам фарзанд.
Қурки, сен кимсену қайдиң келасен,
Қайси мулк ичрасену ким биласен.
Ҳеч шоҳ топмади бир хон сендек,
Бу улус кўрмади меҳмон сендек.

«Бобурнома»да Бадака бегимни Аҳмадхон Ҳожи Тархонийга беришганлиги, ундан бир ўғли борлиги, ўғли билан Ҳиротга келиб бир неча муддат Ҳусайн Бойқаро

хизматида бўлганликлари айтилган (Заҳририддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, ЎзФА наш-ти, Т., 1960, 222-бет).

7. Яъни, у султон сифатида расмий ташриф билан келмаяпти, дейилмоқчи.

8. Аслиятда «хон тобуғида». Навоий баъзи уринларда жўналиш келишиги (-га, -ға, -қа) ўрнига уринпайт келишиги қўшимчаси (-да, -та)ни ишлатади.

26

1. Бу ўринда Навоий мактуб йўллаган одамни (у шаҳзодалардан бири бўлиши керак) қуёшга, узини эса камтарлик билан заррага ухшатмоқда ва шу тариқа у шахсга ўз миннатдорчилигини ифода этмоқда.

2. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достоинини шундай деб ҳам номлашган.

3. Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

27

1. Давлат ишлари юзасидан йўлга тушган эдик, дейилмоқчи.

2. Навоийнинг яқин дустларидан бири Шайхим Сухайлий назарда тутилмоқда. Навоий узининг «Мажолис ун-нафонс» номли тазкирасида Сухайлий ҳақида сўзларкан ўзи билан бу шоирнинг «Аввалдан охиригача илтифот ва иттиҳоди (биргаллиги) куп»лигини ёзди.

Шунингдек, «Соқийнома» асарининг Шайхим Сухайлийга бағишланган бобида Навоий унга қарата айтган шундай мисралар бор:

...Сенсеи улким, яна йўқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархунда сифот.

Сени қилди фалаки гарданда,
Даҳр аро бир гарави арзанда.

Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг...

28

1. Аслиятда «сипоҳи». Афтидан мактуб (иноятнома) ва туҳфалар билан бирга Навоий турган вилоят хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида у ерга қанчадир миқдорда навкарлар юборилган.

Нашрда «сипоҳи» эмас «сипоси» босилган. Бу тех-

ник хатолик бўлиши керак. Чунки «Муншаот»нинг биз кўрган барча қўлёзма нусхаларида *سپامی* «сипоҳи» ёзилган.

30

1. Юқорнда тилга олинган нишон — хат Самарқанддан қочиб келган кишини суриштириб топиш ҳақида махсус ёзилган бўлиши керак. «Арзадошт» эса ундав аввал ёзилган мактуб бўлиши керак.

2. Мактуб жунатилаётган шахсга билдирилаётган тилак.

3. Дуо тариқасида айтилаётган бу гапдаги қўфиядош сўзлар «бардавом» ва «мустадом» бир хил маънони англатади: давомли, доимий, узлуксиз, ҳамиша. Умуман, маънодош ҳамда шаклдош сўзлардан маҳорат билан унумли фойдаланиш Навоий насрининг муҳим хусусиятларидандир. Бу фазилат айниқса, унинг мактубларида кўпроқ кўзга ташланади.

31

1. Бу милодий ҳисоб билан 1493 йилнинг 7 октябрга тўғри келади. Тилга олинаётган Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг уғилларидан бири, қайсибир тобеъ вилоят ҳокими. Демак қандайдир сабабга кўра Навоий ана шу шахзода ёнида бўлган.

2. Энди бу ўринда Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

3. Ваҳй — Аллоҳнинг фаришта Жабронл орқали пайғамбар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга кўчириб турган хабари. Зотан, «ваҳйосор» деган сифатга Навоий фақат мамлакатдаги энг юксак мартабадаги шахс — Ҳусайн Бойқародан келадиган мактубларгагина бериши мумкин. Демак, ушбу мактуб Ҳусайн Бойқарога ёзилган.

4. Аслиятда «паришон назмлардин». Яъни, Навоийнинг шу вақтгача (1493 йилгача) тартиб берилган икки девони — «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ул-ниҳоят» тартиб берилгандан кейин ёзилган шеърлардан бири қисми ҳақида сўз бормоқда.

1. Ахтачи — отбоқар. Отбоқарлик хизматида бўлган шахс орқали юборилган хатнинг оғзи, яъни у жойланган қутичанинг қопқоғи муҳрланганлигини қайд этилшидан мактуб давлат ишларига доир махфий гаплардан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам унда ёзилганлар билан боғлиқ бирор иш содир бўлса Навоийнинг ўзи бу ҳақда хабар бериш учун йўлга тушишини режалаштирган.

2. Аслиятда «йайлоқларда». Бу ерда мазкур сўз ёзда ҳордиқ чиқарадиган сулим ва баҳаво дала, ёзлик қароргоҳ маъносида қўлланган.

3. Афтидан, Навоийга Астробод билан боғлиқ қандайдир вазифа топширилган.

1. Мирзо — шаҳзодалардан бири бўлиб, Навоий вақтинча унинг ёнида турганлиги англашилади.

2. Мирзо, унинг соғлиғи ва Машҳад шаҳрининг бир ўринда тилга олиниши «Бобурнома»даги Ҳусайн Бойқаро фарзандлари ҳақида берилган маълумотларда Ҳайдар Мирзо ҳақидаги қуйидаги сўзларни ёдга солади: «Яна Ҳайдар Мирзо эди. Отаси замонида Машҳад ва Балхга неча маҳал ҳукумат қилди... Ҳайдар Мирзо отаси замонида — уқ оламдан борди (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, «Фан» наш-ти, Т., 1960, 225-бет).

Аввалги мактубларнинг бирида (31-мактуб) ҳам «Мирзонинг муборак мизожи сихҳат топиб; «тахти равон» билан ташқари чиққан»лиги айтилади. Бу мактублардаги мазкур маълумотлар билан «Бобурнома»даги шаҳзода Ҳайдар Мирзо ҳақидаги сўзлар (бир неча муддат Машҳадда ҳам «ҳукумат қилган»лиги, отаси ҳаётлик чоғидаёқ касаллик туфайли оламдан ўтганлиги)нинг мос келишидан сўз бораётган Мирзо ана шу шаҳзода бўлиши керак, деб тахмин қилиш мумкин.

3: Рахш — тез ва чиройли юрвчи от.

4. Кабки дарий — хушовоз тоғ каклиги. Чиройли юриш қилаётган отнинг оёғидан чиқадиغان овозни какликнинг сайрашига қиёсланмоқда.

5. Наъл — бу ерда «тақа» маъносида.

1. Навоийнинг бир ғазалида ўқиймиз:

Навоий назмини кўрдум қуёш лавҳига сабт эткон
Буйурғон ани олий қадр шоҳи хурдадон эрмиш.

(Алишер Навоий. «Хазойин ул-маоний» III, «Бадоеъ ул-васат», Т., 1960, 263-бет.)

«Хазойин ул-маоний»нинг «Дебоча»сида айтилишича, Навоий тўрт девондан иборат лирик куллиёт тузишга Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан киришган. Унда яна ёзилишича, Навоий ишга киришиб ўтган вақт мобайнида юзага келган матлаъ ёки байтларни такомилга етказиб, уларни тугал ғазал ҳолига келтиради. Ана шундай ғазаллар олтмиш-етмиштага етгач, уларни Ҳусайн Бойқаро эътиборига ҳавола этаверган, ўз навбатида Султон уларни назардан ўтказиб, керакли ўринларга тузатишлар киритган ва алифбе сираси бўйича ўз ўрнига қўйиб борган: ...айтилғон байт барча латоийф осор ва сабт бўлғон ашъор барча зариф шнорким, эллик, олтмиш ё юз ғазалга яқин йиғилса эрди ҳазрат Султони Соҳибқироннинг фирдавс осо суҳбатида ва сипехр фарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзға еткурур эрдим ва ул ҳазрат уларга шафқат юзидин боқиб, ...ул зебу зийнатқа тадбил еткуруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам килур эрди» (Алишер Навоий. «Хазойин ул-маоний», 13-бет).

Мактубда ёзилганлар ана шу ҳодиса билан боғлиқ кўринади. Демак, мактуб Ҳусайн Бойқарога ёзилган.

2. Бу ёзилганлардан Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳамма вақт ва ҳар ҳолатда ҳам дўсти Навоийнинг давлат ишларига доир фикр-мулоҳазалари, қимматли маслаҳатларига эҳтиёж сезганлиги аён бўлади. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» китобида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро томонидан «у салтанат таянчининг (Навоийнинг — Ю. Т.) хотирига хайрихоҳлик ва яхши фикрлилик йўли билан нимакин келса, тўкқиз мартагача уни айтишга рўхсат берилган эди» (Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ, Т., 1967, 77-бет).

35

1. Муғулбек — Султон Ҳусайн Бойқаро амирларидан бири. Бир неча вақт Астрободга ҳокимлик қилган. Мирзо эса Ҳусайн Бойқаро бўлиб, гап Муғулбек ҳокимлик

қилиб турган Астрободга шаҳзода Бадруззамоннинг ҳоким этиб тайинланиши (1490 йил) устида бормоқда.

2. Эътиборсизлик туфайли сиз тарафдан бир номақбул иш юз берса мен Ҳусайн Бойқаро олдида уялиб қоламан, дейилмоқчи.

3. Сўз бораётган шахслар Навоий Астрободда ҳокимлик қилган чоғида (1487—1488 йиллар) унинг қўл остида хизмат қилган ходимлар бўлиши керак.

4. Хитоб ва мусодара — жазолаш ва мол-мулкни ҳукумат ҳисобига ўтказиш.

36

1. Имом равзаси — Балхнинг муқаддас зиёратгоҳи ери (Балхдан 23—25 км. шарқи-жанубдаги ҳозирги Мозорн Шариф) бўлмиш халифа Али мақбараси.

2. Илдириш — чақмоқ, мактуб келтирган кишининг лақаби бўлиши керак.

3. Матлаъ — ғазалнинг биринчи байти. Навоий кейинчалик бу матлаъга яна навбатдаги байтлар ҳамда мақтаъ битиб тугал ғазал яратган ва уни «Ҳазойин ул-маоний»нинг учинчи девони «Бадоеъ ул-бидоя»га киритган. (Қаралсин: «Ҳазойин ул-маоний», III, «Бадоеъ ул-васат», 442-бет.)

37

1. Маҳзун — ҳазин, қайғули, ғамли.

2. Наъл — тамға.

3. Хаданг — камон уқи.

4. Нишона — ўқ отиш учун қўйилган белги.

5. Омочхона — ўқ отиладиган жой, машқ қилиш жойи.

6. Аввалги 31- ва 33-мактубларда тилга олинган Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан бўлмиш шаҳзода Ҳайдар Мирзо эканлигини ана шу ёзилганлар ҳам тасдиқлайди.

38

1. Мирзо — аввалги мактублардаги каби ёнида Навоий турган шаҳзодалардан бири.

2. Султон Маҳмуд Мирзо бинни Абусаид Мирзо бинни Султон Муҳаммад бинни Мироншоҳ бинни Амир Темур — Ҳисор ҳокими бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад

Бобурнинг амакиси. Бобур «Бобурнома»да 1494 йил воқеалари баёнида ёзади: «Менга Султон Маҳмуд Мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди. Улуғ ўғли Султон Масъуд Мирзога оғаси Султон Аҳмад Мирзoning Оқбегим отлиқ иккинчи кизини тўй ойин билa олгон. Сочиқни келтурди: олтуиндин ва кумушдин бoдомлар ва писталар қилиб эдилар» («Бобурнома», 80-бет). Шу асарда яна Хусайн Бойқаронинг тўртинчи хотини Поянда Султонбегим Султон Абусанд Мирзoning қизи бўлиб, шаҳзода Ҳайдар Мирзо ана шу хотиндан туғилганлиги ва у Машҳад ва Балхда ҳокимлик қилганлиги ёзилган («Бобурнома», 225-бет). Ўғил уйлантириши муносабати билан Андижонга, марҳум укаси Умаршайх Мирзoning ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобурга тўйона тўхфалар юборган Султон Маҳмуд Мирзо опаси Поянда Султонбегимнинг ўғли. Балх ҳокими шаҳзода Ҳайдар Мирзога ҳам қариндошлик жиҳатидан ана шундай илтифот кўрсатган бўлиши ҳақиқатга яқин. Аини пайтда бу мактубда урғу берилганидек («қуллик хизматгорлиғларин изҳор қилди»). Султон Хусайн Бойқарога нисбатан хайрихоҳлик муносабатининг ифодаси ҳам эди.

Тўхфаларни Маҳмуд барлос орқали юборилиши ҳам тасодифий ҳол эмас. Зеро, Маҳмуд барлос тадбирли давлат арбобигина эмас, иқтидорли шоир ҳамдир. Бобур унинг девон тартиб берганини ёзади («Бобурнома», 87-бет). Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида унга «табъи салим ва хулқи карим» дея ижобий баҳо берган. Шаҳзода Ҳайдар Мирзо ёнида Навоий турганлигини назарда тутган ҳолда Султон Маҳмуд Мирзо ана шу амирга муҳим вазифани топширган.

3. Яъни, бегона кишиларнинг кўзи тушмасин учун мактуб ёзилган қоғоз ўрам ҳолига келтирилган ва урамнинг бош қисми махсус сирач билан ёпиштирилиб муҳрланган ва буни «муҳри ихфо» дейилган.

39

1. Мусофир — сафар қилувчи, саёхатчи.
2. Давлатхоҳ куллар — бошқа мактублардаги каби бу уринда ҳам Навоий ўзини назарда тутмоқда.

1. Чарх тоқи — осмон гумбази.
2. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

1. Зухра — Чўлпон (Венера) юлдузи. Шарқда осмон чолғувчиси, деб тасвирланиб келинган.

2. Биржис — Муштарий (Юпитер) юлдузи.

3. Оламорой — оламни безагувчи.

4. Ой даври — баъзида ой атрофида ҳосил бўладиган доира. Халқимизда бу ҳодисани «ой ўтовлапти» деган ибора билан ҳам ифодаланади.

5. Ҳусайн Бойқаронинг сарой кутубхонаси назарда тутилмоқда.

6. Бу икки йил 1492(93) ва 1494(95) йиллар орасидаги муддат бўлиши керак. Чунки, бу вақтда Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммаддек маслакдош ва Абдураҳмон Жомийдек ҳаётда энг яқин кишиси ва ижодда бе-назир устози вафот этган эди. Укаси Дарवेशалининг исёни туфайли маломатларга учраган ва бир неча муддат Балхда туришига тўғри келган эди.

7. Навоий ўзи тартиб берган дастлабки икки девон — «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларини назарда тутмоқда.

8. Табъ — табиат, талант, зеҳн.

9. Ҳусайн Бойқаро бошлиқ саройдаги табъ аҳли назарда тутилмоқда.

1. Илдирим — чақмоқ. Бу 36-мактубда тилга олинган шахс бўлиши керак.

2. Банданавозлик — юқори даражали кишининг ўз қўл остидагиларга меҳрибонлик ва марҳаматлар кўрсатиши; банданавозлик нишони — бу билан «мен қулингизни йўқлаб ёзган мактубингиз» дейилмоқчи.

3. Ана шу банданавозлик ифодаси бўлмиш мактубини ўқиб кўзимга суртдим-да, жоним ичига қўйдим. Бу худди «жон» — جان сузи ичидаги «алиф» каби эди. Бу ерда ҳам мактуб битилган қоғоз ўрами шаклан «алиф» ҳарфига ўхшатишмоқда.

4. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

5. Яққалам бўлмоқ — ялписига бир ҳукм, бир фар-

мон остида бўлмоқ, ялписига бир кишининг қўл остига кирмоқ. Бу уринда Навоий мактуб йўлланаётган шахсга етти иқлим мамлакатларини қўлга киритиш тилагини билдирмоқда. Демак, мактуб адресати ҳукмдор шахсдир.

6. Умид билан келгандим, аммо армон билан қайтдим.

44

1. Навоий томонидан ясалган ана шу мураққаъ ҳозирда ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий текшириш институтининг қўлёмалар фондида «Мажмуъан мурасалот» ёки «Навоий альбоми» номи билан 2178-тартиб рақами остида сақланади. Бу тўпلامда 600 га яқин форсий мактублар бўлиб, уларнинг аксарияти Абдураҳмон Жомий (300 дан ошиқроқ) ва Хожа Аҳрор (130 га яқини)ларнинг қаламига мансубдир. «Насойим ул-муҳаббат» асарида Навоий Хожа Аҳрор ҳақида сўзлаб, жумладан ёзади: «...ҳақир била илтифотлари кўп бор учун ваҳй осор руқъалари била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилурлар эрди. Ул руқъаларни мураққаъ ясаб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсуни била асрабмен» — менга илтифотлари кўплигинин (баъзи) ишларга буюрувчи мактублар йўллаш билан (мени) шарафлантирардилар. Уша мактублардан тўпلام ясаб, уни жадвал ва (нақшлар билан) безаган холда табаррук (мулк) сифатида асрамоқдан (Алишер Навоий. Асарлар, Ун бешинчи том, Т., 1968, 1940-бет).

2. Афтидан Навоий яхши соғайиб кетмаган.

45

1. Асад буржи, яъни Шер буржи. Қадимги астрономияга кўра қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ун икки тўп юлдуз, яъни буржнинг бешинчи — юлдуз туркуми. Қуёшнинг бу буржда бўлиши ҳозирги ҳисобда 21 июль — 21 август оралиғидаги вақтга тўғри келади. Демак, сўз бораётган воқеа — сафардан қайтиш шу вақтда юз берган.

2. Қулон — ёввойи эшак.

3. Журжон — Эроннинг тарихий вилоятларидан бўлмиш Мозандарон ҳудудида жойлашган Гургон (Астро-

бод)нинг арабча номи. Қадимги ривоятларда бу ўлка туқайзор ва ўрмонлардан иборат бўлганлиги сўзланади. Аввалги жумлада ҳам ана шунга ишора бор. Бундан маълум бўладики, мактуб Астробод ҳокими шахзода Бадруззамонга ёзилган. У 1490—1496 йилларда ана шу ўлкага ҳокимлик қилган.

4. Ийхом санъатининг гўзал намунаси бўлган бу байтда Соҳиб исмига ишора бор. 42-мактубда Навоий ўзи тартиб берган «Хазойин ул-маоний» девонининг қораламасини «ҳамсуҳбатлар фаҳри» («мафхару ус-савоҳиб») дея сифатлаш билан тилга олинган Мавлоно Соҳиб орқали Ҳусайн Бойқарога юборган эди. Бу шахснинг тўлиқ исми Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро бўлиб, у ҳақда Навоийнинг замондош каламкашлари ҳам қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Чунончи, Хондамир «Хулосат ул-аҳбор» номли асарига шундай ёзади: Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро. Феъл-атвори ва хулқининг яхшилиги, таъбининг мулойимлиги, зеҳнининг тозаллиги билан олий ҳазрат амир Алишер мулозимларидан мумтоз ва мустаснодир. Ажойиб қасидалар назм қилишда, муаммолар айтишда балоғатли ва тенги йўқ. Нодимлик шевасини ҳамда суҳбат қуришни яхши билади. Элчиликнинг мушкул юмушлари ва унда айтиладиган гапларни ўз ҳолига яраша билади («Навоий замондошлари хотирасида», 76-бет).

47

1. Навоий узини назарда тутмоқда.

2, 4. Бунда ҳам Навоий узини назарда тутмоқда. Хусусан, «қадимий бандалар» ибораси билан узини узоқ йиллардан бери Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлиб келаётганига ишора қилмоқда.

3, 5. Мактуб йўлланаётган шахс, яъни Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

6. Аслиятда «дилбасталиғднн» дея ёзилган сўз ана шундай маънога тўғри келади. Бунда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ораларидаги дустликка эътиборини камайтириб, саройдаги бошқа амирларга рағбатни оширмаслигини тиламоқда. Зотан, у Астрободга ҳоким этиб юборилгач, Ҳусайн Бойқароннинг «хотири Хожа Маждиддин Муҳаммадни яна баланд мартаба ҳамда юқори мансаблар билан сарафроз қилишга қарор берган» эди (қаранг: Навоий замондошлари хотирасида, 126-бет).

7. Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Деҳдор — асли

озарбайжонлик булиб, Султон Хусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврида Хуросонга келиб қолган бу шахс Навоийнинг энг яқин ноибларидан бири бўлган. Буни Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асаридаги бир ҳикоя ҳам тасдиқлайди (қараи: Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ, Т., 1967, 101—102-бетлар).

8. Рум — қадимда Рим империясининг Шарқда, шу жумладан Урта Осиёда кенг тарқалган номи булиб, кейинчалик бу ном фақат Шарқий Рим империяси — Византияга нисбатан қўлланиладиган бўлган. Кичик Осиё салжуқийлар томонидан босиб олинган (XI аср охири) «Рум» номи Кичик Осиёни англата бошлаган. XV асрнинг II-ярмида Кичик Осиёни усмонли турклар тўлиқ эгаллаб оладилар. Демак, сўз бораётган тухфалар усмонли турклар ҳукмдори томонидан юборилган.

9. Аслиятда «қайсари Рум», қайсар «кейзар» сузининг бузилган шакли.

48

1. Қосид — хат ташувчи, хабар етказувчи.

2. Таъжил — ошиқиш, шошилиш.

3. Қуръони каримнинг осмондан тушганлигига ташбиҳ этилмоқда.

4. Фаришта Жаброил алайҳис-салом воситасида пайгамбар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан хабар юборилиб турганлигига қиёс қилинмоқда.

5. «Китоб»ни (ўзининг) қулларига юборган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

6. Биздан қайгуни йироқ қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

7. Бу жумлалар билан Навоий ўзига ишора қилмоқда.

8. Яъни, Хусайн Бойқародек.

9. Панждеҳ, Марвчоқ — Марв ҳудудига яқин жойлашган шаҳарчалар.

49

1. Ҳижронда қолганлар — Навоий ўзини назарда тутмоқда.

2. Ҳуққа — қимматбаҳо тошлар ва муъжаз нодир буюмлар солинадиган кутича.

3, 4. Навоий ўзи бориб баён этиши лозим бўлган сўзларни камтарлик юзасидан шундай ифодаламоқда.

5. Наввоб — бу сўз икки маънога эга: 1. Уринбосар; 2. Навбатчи. Бизнингча, бу уринда мазкур сўз уринбосар маъносида қўлланилмоқда.

51

1. Вафот этган мазкур қози Ҳиротнинг бош қозиси бўлиши керак. Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» асарида шундай маълумот берилади: Қози Низомиддин Муҳаммад... Зухду тақво аҳлининг сараси ва олимлар етакчиси эди ва кўп йиллар шарофатли Ихлосия мадрасасида диний масалаларни таҳқиқ этиш ва яқин илмларни тадқиқ қилиш билан машғул бўлган. Бу мансабдан истеъфо бергандан кейин, Амир Алишернинг қатъий ва эътироз билдириб бўлмайдиган таклифи билан Ҳирот шаҳрининг қозиси лавозимига ултирди... Ул жанобнинг вафоти 900 йилнинг муҳаррам (м. 1494 йилнинг октябрь) ойида юз берди. (Навоий замондошлари хотирасида, Т., 1985, 66-бет).

2. Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

3. Яъни, Ҳусайн Бойқаро давлатига.

52

1. Кукалдош — бир она кўкрагини эмишган кишини шундай аташган. Яна ҳам аниқроғи ана шундай аталган кишининг онаси сарой фарзандларини ҳам эмишган бўлади. Ҳайдар кукалдош шахсига келсак кейинги пайтда уни Навоийнинг қариндоши Мир Ҳайдар — Сабухий деб кўрсатилди (қаранг: «Ўзбек адабиёти тарихи», II-том, Т., 1977, 413-бет). Бу фикрга қушилмиш қийин. Чунки, у тарихий ва адабий манбаларда «Амир Ҳайдар», «Мир Ҳайдар» ёки «Ҳайдар девона» тарзида тилга олинади.

2. Навоий бадияти учун хос бўлган хусусиятлардан бири шоирнинг синоним сўз ва иборалардан унумли ҳамда ўринли фойдаланганлигидир. Бу мактубда ҳам ана шу хусусият мавжуд — аслиятда Навоий «Юлдуз» сўзининг икки шаклини, яъни арабча «кавкаб» («толеъининг кавкаби») ва форсча «ахтар» («иқболининг ахтари», «саодат ахтари») сўзларини қўллаган.

3. Сўз бораётган Ҳайдар кукалдошнинг саройга бо-

риб ҳукмдор олдида қилган гуноҳларига тавба қилиши ниятининг бадий ифодаси.

4. Илтифот назаридан — марҳамат кўзи билан қарашдан.

5. Шафқат асаридан сарбаланд бўлгай — меҳрибонлик кўрсатилиши билан юксак даражага эришгай.

53

1. Аслиятда «ҳумойи иқбол». Бу афсонавий қуш бўлиб, унинг сояси кимнинг бошига тушса уша киши бахтга эришар эмиш.

2. Яъни, айрилиққа дучор булганлар.

3. Яъни, висолнинг лаззатлиги.

4. «ло илониҳоя» — Аллоҳ сўзи: «менга ниҳоя йўқ». Яъни, висолга етишишнинг қувонч ва лаззати ниҳоясиздир, дейилмоқчи.

5. Мумтоз — сараланган, саралаб олинган, ажратилган. Одатда фазилатлари, ижобий хислатлари билан бошқалардан ажралиб турадиган кишиларга нисбатан айтилади.

6. Сарафроз — юксак, ҳаммадан устун турувчи; улғувор.

54

1. Мактуб олганликдан беҳад мамнунликнинг гўзал бадий санъатлар воситасидаги ифодаси.

2. Шунингдек, мактуб йўллаган ва жавоб мактуб йулланаётган шахснинг дийдорига етишмоқлик иштиёқининг бадий ифодаси.

3. Яъни, мактуб олиш давлати.

4. Яъни, мактуб йўлланаётган шахснинг дийдорига етишиш бахти.

5. Шотир — чопар, хабар ташувчи. Бундай вазифадаги кишилар тез югурувчи бўлишган.

6. Навоий мактубни тўпламга киритиш чоғида исм, ой ва ҳафта кунлари номини «фалон» сўзига алмаштирган.

55

1. Ҳаким Сулаймон — тасаввуф оқими вакили. Навоий узининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида кўрсатишча, халқ орасида Ҳаким ота номи билан машҳур бўлган бу зот Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридидир. Оти

Сулаймон бўлиб, унга Ҳаким ота лақабини Аҳмад Яссавий берган экан.

2, 3. Отани абадий кудрат эгаси бўлган Аллоҳга, онани барча жонзотга ризқ берувчи Тангрига тенглаштириш.

4. Адиб Аҳмад — XII—XIII асрда яшаб ижод этган туркигуй шоир ва олим, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарининг муаллифи. Бироқ таниқли навойишунос А. Ҳайитметов асарнинг ҳозирги нашрини синчиклаб урганиб чиқиб, адибнинг Навоий томонидан келтирилган бу тўртлиги нашрда йўқлигини аниқлаган (қаранг: Абдуқодир Ҳайитметов. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг матни. Мерос ва ихлос. Т., 1985, 144-бет).

5. Иброҳим Халилуллоҳ — пайғамбар Иброҳим алайҳ ус-салом. Отаси Торих (ёки Торах), касби бут йунувчи бўлган, бутга қаттиқ сиғинувчи бўлганидан уни Озар деб атаганлар. Иброҳим одамлари бутларга эмас, Аллоҳга сиғинишга чақирган. Навоий сузлаётган насихат ҳам Иброҳимнинг отасини бутпарастликдан қайтишга даъват қилишдан иборат эди.

6. Юсуф алайҳ ус-саломнинг отаси пайғамбар Ёқуб алайҳ ус-салом билан отдан пастга тушмай кўришганини одобсизлик тариқасида қилинган хатоликка йўядилар.

7. Нуҳ алайҳ ус-салом ухлаб ётганда шамол кўтарилиб, уят жойлари очилиб қолганини курган ўғли Хомнинг кулганлиги оқибатида йўл қўйган одобсизлиги назарда тутилмоқда.

8. Бу ва бундан кейинги ўринларда Мирзо деб, Ҳусайн Бойқаро назарда тугилади.

9. Мактуб йўллаётган шахс Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли шаҳзода Бадиуззамон бўлиб, 1490 йилда Астрободга ҳоким этиб юборилган эди (35-мактубда худди ана шу воқеа билан боғлиқ гаплар ёзилганлигини эслайлик). 1496 йилининг охирларида Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамонга Балхни бериб Астрободга иккинчи хотини (Бадиуззамон Ҳусайн Бойқаронинг биринчи хотини Бека Султоибегимдан туғилган. Хулқ-атвори ғоятда ёмонлигидан бу хотинни Ҳусайн Бойқаро қўйиб юборган) Хадича бегимнинг ўғли Музаффар Ҳусайнни ҳоким этиб тайинлайди. Бадиуззамон эса Астрободни беришга рози бўлмаган. Рози бўлмаганлигидан ташқари унинг томонидан мактубда айтилатганидек номақбул ишлар содир этила бошлаган. Охири бу низо ота-бола уртасида қуролли-тўқнашувга айланади ва бу жангда Бадиуззамон

ёйгилади. Худди шу вақтда Астрободга юборилган Мўзаффар Мирзо ёш Мўмин Мирзони асир олиб, Ҳиротга юборади. У Ҳиротнинг Ихтиёрддин қалъасида Султон Ҳусайннинг мастликда қўл кўйдирилган фармони буйича ўлдирилади.

10. Афғидан Ирокни қўлга киритиш режаси бўлган.

11. Аркони давлат — давлат таянчи, давлатнинг эътиборга лойиқ мартабали кишилари.

12. Сокол қўйиш исломда суннат ҳисобланган. Баднуззамон узининг ва одамларининг соқолни қирқтиришда мавжуд шарият қондаларига риоя қилмаган ҳолда иш тутган бўлиши керак.

13. Туғро — Одатда бирор нишон, яъни, расмий фармон, нома, ариза ёки хабар ёзилгудек бўлса қоғоз (матн бошига) тепасига ўзига хос шаклда ўша давлат подшоҳининг номи ёзилган шакл.

14. Мунший — подшоҳ саройида ёзув-чизув ишларини олиб боровчи шахс, котиб.

15. Бойсунғур Мирзо — Амир Темурнинг невараси, Шоҳруҳ Мирзонинг учинчи ўғли. Шоҳруҳ уни бир неча вилоятларга ҳоким этиб тайинлаган, сўнгра эса ўзига вазир қилиб тайинлаган. Хуштаб ва сахий, оқил ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлган. Бойсунғур Мирзо 1434 йилда, 37 ёшида вафот этган.

16. Бобур Мирзо — Бойсунғур Мирзонинг учинчи ўғли Абулқосим Бобур Мирзо.

17. Яъни, Амир Темурнинг ўғли Умаршайх, Умаршайхнинг ўғли Бойқаро, Бойқаронинг ўғли Мансур, Мансурнинг ўғли Ҳусайн Бойқаро.

18. Яъни, отангизни кексалик туфайли кучсизланиб қолган, деб хаёл қилсангиз, дейилмоқчи.

19. Девон, нависанда, бахши, парвоначи — саройдаги хизматчилар. Чунончи, девон — давлат кирим-чиқимларини ҳисобга олиб боровчиларнинг бошлиғи; нависанда, бахши — котиблик билан шўғулланувчилар; парвоначи — вазир ўринбосари.

20. Яна 35-мактубда ёзилганларни эслайлик.

21. Яъни, Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан ёзилган, деб ўйламанг, дейилмоқчи.

1. Навоий тавозеъ ва камтаринлик юзасидан оддингина қилиб айтган «бир неча сўз»дан иборат ушбу мактубни аслида давлатни идора этишда ўзига хос дастурно-

ма, иш юритишда муҳим қўллайма дейиш мумкин. Ман-тиқан олганда эндигина давлат тепасига келган ёш ҳукмдоргагина ана шундай маслаҳатларни баён қилиш мумкинлиги ва яна мактубнинг узидагина бошқа далилларга асосланган ҳолда у Мозандарон вилоятига ҳоким этиб тайинланган шаҳзода Бадиуззамонга ёзилганлигини бир мақоламизда кўрсатиб берган эдпк (қаралсин: Ю. Турсунов «Дастурнома» кимга йўлланган?» Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам, 2000 йил, 20-бет).

2. Ҳарам — ҳукмдорнинг фақат узигагина хос бўлиб, ўз аҳли бўлмаган кишилар кириши мумкин бўлмаган жой. Шунингдек, бу сўз орқали Қаъба ҳам ифодаланади.

3. «Девон» сузи бир неча маъноларга эга. Бу ўринда маҳкама маъносида.

4. «Зафарнома» — Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг Амир Темур юришлари ҳақида ёзган асари.

5. Судур — диний маросимларни назорат қилиб турувчи мансабдор.

6. Муҳтасиб — ихтисоб, яъни ҳисобга олиш, ҳисоблаш, текшириш суздан таркиб топган бўлиб, бу мансабдаги кишилар шариат билан боғлиқ масалаларни текшириб борганлар; бозорлардаги тартиб ва тош-тарозиларни назорат қилувчиларни ҳам шундай атаганлар.

7. Аслиятда «мулоямат». Бироқ «Муншаот»нинг 1966 йилдаги нашрида ушбу сўз ўрнида «балогат» сузи босилган.

8. Яъни, қўшни мамлакат — Ироқнинг ички ҳаётдан боҳабар бўлиб туриш учун ўта хушёр ва хушфаҳм кишиларни махфий равишда юбориб, улар келтирган муҳим маълумотларни юқорига — Хуросон мамлакати ҳукмдори Ҳусайн Бойқарога юбориб турилса, дейилмоқчи. Ушбу мактубдан аввалги мактубда (55) Навоий Бадиуззамонга «Ироқ вилоятларини ўлашибмен деб битибсиз. Иншооллоҳ, Ироқ иликка киргай...» деб ёзган жумлаларини ҳисобга олсак, Султон Ҳусайн Бойқарода Ироқни қўлга киритиш режаси бўлган ва бу режани асосан Бадиуззамон зиммасига юклаган, деб айтиш мумкин.

9. Яъни, шаҳар бўйича назоратчи.

10. Амри маъруф — яхшиликка ундаш. Бу ўринда намозга даъват этиш мақсадида имомларнинг маъруза қилишлари ҳақида сўз бормоқда.

11. Жомеъ масжиди — ҳайит намозлари ҳамда жума намози ўқиладиган масжид.

12. Навоий баъзи ўринларда бу сўз орқали умуман фуқароларни ифодалайди.

13. Сарт девонлар — форс-тожик тилида иш қоғозлари юритувчилар.

14. Тавочи — подшоҳнинг буйруқ ва топшириқларини тегишли ерларга етказувчи ва амалга оширувчи амалдор.

15. Доруға — шаҳарда тартиб сақловчи, шаҳар бошлиғи. Мактубда шаҳар тилга олинганда Астробод, вилоят тилга олинганда эса Мозондарон кузда тугилади.

16. Журмона — айбдор ва жиноятчилардан олинган ҳақ.

17. Мирзам — мактуб йўлланаётган шахс, яъни шаҳзода Бадиуззамон.

18. Настаълиқ — Амир Темур ҳукмронлик йиллари (1369—1405)да яшаган машҳур хаттот Мир Али Табризий томонидан араб ёзувининг қадимий насх ва таълиқ хатлари асосида ихтиро қилинган хат.

19. Туркча хат — уйғур ёзуви.

20. Даҳона — бу ерда чегарадан кириш жойи маъносида.

21. Мавлоно Дарвеш Муҳаммад — бу ном ушбу мактубдан аввалда келувчи мактубда ҳам «фарзанд Мавлоно Дарвеш Муҳаммад» дея тилга олинади. Афтидан бу шахс Бадиуззамоннинг энг яқин ва ишончли мулозими бўлган.

58

1. Аслиятда «оқ уй». Афтидан, подшоҳ топшириғи билан мамлакат вилоятларидан бирида турган Навоийга пойтахтдан туялар карвонига ортилган мол-мулк, жумладан ўтов қисмлари юборилган.

2. Аслиятда — «фалак бухтилари». Бу ибора айнан осмон туялари маъносида бўлиб, ушбу уринда осмон кенгликлари назарда тутилмоқда.

59

1. Норанж — апельсин. Мажозий маънода сариқ ранғни ифодалайди.

2. Аслиятда «таъвизи жон». Айнан «жон туморн» — тумор ичнда куз тегиши ва шунга ухшаш ёмонликларни қайтариш учун дуо битилган қоғоз бўлган.

3. Аслинда «хагги амон» — гуноҳдорнинг гуноҳини кечтиш, авф этиш ҳақидаги хат, фармон.

4. Мирзо — Султон Хусайн Бойқаро ёки шахзодалардан бири.

60

1. Дилфигор — дилхаста, гамгин, уйчан.
2. Саргашта — саргардон, боши айланган.
3. Хоксор — тубан, паст, ожиз.

61

1. Матни ва мазмунига кура бошқа мактублардан фарқли булган бу мактуб 66-йилдаги нашрга киртилмаган. Ваҳоланки, у Навоий «Муншаот»и қулёзма нусхаларининг барча кўринишлари таркибида учрайди. Демак, у тупламга тасодифан кириб қолмаган, деган фикр билан биз нашримизга киритишни мақбул топдик.

2. Бадномлик — ёмон ном чиқарганлик.
3. Паймона — май пиёласи, қадах.
4. Хабиб — дўст, севимли. Бу ўринда Худо назарда тутилмоқда.

62

1. Ҳидоят — тўғри йўлни курсатиш, тўғри йўлга солиш.
2. Қурбат — яқинлик, етишмоқлик.
3. Зухал — Сатурн юлдузи.

63

1. Яъни, садоқатли қул — хизматчи эканлигимни амалда кўрсатсам, дейилмоқчи.

2. Саройдаги ишончли хизматчилардан бири бўлиши керак.

3. Ём отлари — бир манзилдан иккинчи бир манзилга миниб борилган ва уша манзилда қолдирилиб у ерда дам олиб турган бошқа шундай отларга миниб кўзланган манзил томон юришда давом этилган. Ана шундай отлар сақланадиган жойлар эса ёмхоналар дейилган. Эски рус тилидаги почта фаолияти билан боғлиқ «ям», «ямской», «ямщик» сўзларининг ўзаги яна шу «ём» сўзидир.

1. Айрилиқ азоби назарда тutilмоқда.
2. Дебо — нозик ва нафис гуллар солиб туқилган мато.

1. Мирзо — Ҳусайн Бойқаро ёки шаҳзодалардан бири бўлиши керак. Мактуб йулланаётган шахс Навоийнинг яқин дустларидан биридир.

1. Яъни, хираланган кўзга дейилмоқчи.
2. Навоий ўзини кўрсатмоқда.
3. Яъни, мактуб йулланаётган шахсини.

1. Хасм — душман, рақиб.

1. Ахтаци — отбоқар. Келган одамнинг асосий вазифаси отларни парвардиш қилишдан иборат бўлган бўлиши керак.

2. Саройдаги мулозимлар, хусусан мактуб жўнатилаётган шахс назарда тutilмоқда.

1. Саропарда — подшоҳ чодирни.

2. Сидрафарсой — «сидра» мифологик афсоналарга кўра еттинчи осмондаги бир дарахт; «сидрафарсой» — ана шу дарахтнинг синдирувчи, деган маънода. Яъни, шавкатингиз чодирни еттинчи осмонга етиб, у ердаги дарахт шохларини синдирсин, тўзғитсин, дейилмоқчи.

1. Туғро — 54-мактуб, 13-изоҳга қаранг.

2. Муштарий — сайёра номи, Шарқ мунажжимларини «Садди акбар» ва «Фалак қозиси» деб сифатлаган-

лар, жойи олтинчи фалакда дейдилар. Бугунги астрономияда бу сайёра Юпитер деб юритилади. Навоий баъзи уринларда унинг форсча номи — «Биржис»ни ҳам кўллайди.

3, 4. Қуллик — хизматкорлик дейилмоқчи.

5. Бу ёзилганлардан шу нарса англашладикки, ушбу жавоб мактуби йўлланаётган шахс, албатта у тахт эгаси, Навоийга қимматбаҳо кийимлар, ипакли ўрама белбоғ ва от тухфа қилиб юборган. Бу илтифотга биноан узининг миннатдорчилигини кўп маъноли «от» сўзи воқитасида чиройли сўз ўйини қилмоқда ва шу тариқа ўзининг садоқатини ҳам ифодаламоқда.

6. Жозиба — узига тортувчанлик.

7. Олий даргоҳ — бу иборани Навоий фақат Султон Ҳусайн Бойқаро саройига нисбатангина ишлатиши мумкин. Демак, мактуб Ҳусайн Бойқарога йўлланган бўлиб, ушбу жумлалар билан «ана шу юборилган тухфаларга муносиб хизмат қилиш, саройдан узоқда, тобеъ вилоятларда зиммага юкланган вазифаларни сидқидилдан бажаришни тақозо этади» дейилмоқчи.

8, 9. Бу уринларда ҳам Ҳусайн Бойқаро саройи назарда тутилмоқда.

71

1. Роз — сир.

2. Бу жумлалар мазмунидан Навоийнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки Ҳусайн Бойқаро истаги ёки топшириғига кўра мамлакатнинг қайсидир вилоят ёки чекка ерларида юрганлиги англашилади.

3. Султон Ҳусайн Бойқаро невара курган ва унга Султон Муҳаммад деб исм қўйилганлиги маълум бўлмоқда.

4. Яъни, Ҳусайн Бойқаро.

5. Яъни, Ҳусайн Бойқаронинг хотини, фарзанд курган шахзоданинг онаси.

6, 7. Яъни, фарзанд курган шахзода ва унинг рафиқаси.

72

1. Мирзом — Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

2. Музаффар Ҳусайн — Ҳусайн Бойқаронинг Ҳадича бегимдан туғилган иккинчи ўгли. Байт мазмунидан у

уғил фарзанд кўрганлиги ва унга Муҳаммад Бадий деб исм қўйилганлиги англашилмоқда.

3. Гулбун — аввал ҳам айтганимиздек (8-мактуб, 1-изоҳ), бу суз гул бутаси, гул дарахти маъноларини ифодалайди. Бу уринда энди Навоий Хусайн Бойқаро давлатини гул дарахтига ўхшатмоқда. Султоннинг не-вара кўришини гул дарахтида гунчанинг юз очиб янги гул пайдо бўлишига ўхшатмоқда.

4. Тоза — бу ўринда янги маъносда.

5. Яъни, дунёга келган фарзанд.

6. Хусайн Бойқаро давлатининг аввалдан ҳукм су-риб келган темурийлар давлатининг узвий давоми экан-лигига ишора.

7. Яъни, Музаффар Хусайн Мирзо билан унинг ра-фиқасига.

8. Яъни, Хусайн Бойқаро билан Ҳадича бегимга.

9. Аслиятда «уммахот». Энагалар назарда тутила-ётган бўлса керак.

73

1. Қуёш соққаси — қуёшнинг соққасимонлигига ишо-ра.

2. Собит — осмон юлдузлари. Қадим замонлардан осмон гумбази (осмон сфераси)нинг кўринма суткалик ҳаракатидан ташқари ана шу юлдузларга нисбатан ҳаракатланувчи етти ёриткич (Қуёш, Ой, Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурн) маълум бўлиб, улар сайёр (ёки сайёра) деб аталган ва Ер атрофида айла-нади, яъни сайр қилади деб ҳисобланган.

3. Пойдор — доимий, барқарор.

74

1. Нуран — Алишер Навоий кўп ўринларда устози Абдурахмон Жомийни ана шундай сифат билан тил-га олади.

2. Таъзиянома юборганлиги учун мактуб йўллана-ётган шахсга миннатдорчилик билдириш.

3. Қуръонни карим, Раҳмон сураси, 26-оят.

4. Хумор — ичкилик ва бошқа кайфдан кейинги бош оғриғи.

5. Қуръонни карим, Қасос сураси, 88-оятдан.

6. «Боқойи мутлак», «хайи барҳақ» — Аллоҳнинг сифатлари.

7. Сарманзил — йуловчиларнинг биринчи қушар жойи.
8. Ҳадисн шариф.
9. Қуръони карим, Қамар сураси, 55-оятдан.
10. Жомий ҳам ана шундай зотлардандир деган фикр назарда тутилади.

11. Яъни, Навоидан кунгил сураб мактуб йуллаган шахзода. У бизнингча Бадлуззамондир. Навоий ўзининг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Жомий вафоти ҳақида сўз юритар экан, ҳатто Мозандарон мулкидан Бадлуззамон мирзо одам юбориб таъзия билдириш расмини бажо келтирганлиги, чунки, Жомийнинг шахзодага химмати ғоятда баланд бўлганидан шахзоданинг ҳам унга «иродат ва ихлоси бениҳоят» бўлганлигини ёзади (қаралсин: Алишер Навоий. Асарлар, Ун туртинчи том, 66-бет).

75

1. Бу ва бошқа ўринларда «унинг» деб Хусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

2. Абулмуҳсин — Хусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири. Онаси Латиф Султон оғача. Отаси унга Марв ҳокимлигини берган. Маълумки, бу шаҳар Султон Санжар давлатининг пойтахти бўлган. Шунга ишора тариқасида Навоий «тахти Санжар уза шоҳ эрур Абулмуҳсин» демоқда.

3. Муҳаммад Маъсум — Хусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири. Қандаҳорда ҳокимлик қилган. Отаси ҳаёт чоғидаёқ вафот этган. Маъсум — гуноҳсиз, пок, тоза маъноларига эга.

4. Музаффар Хусайн — Хусайн Бойқаронинг ўғли, онаси Ҳадича бегим. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг айтишича, Хусайн Бойқаро ўғиллари ичида суюқлиси бўлган.

5. Сафия бека — Хусайн Бойқаро хотинларидан бирининг сифатлаб айтилган иккинчи исми бўлиши керак. Сафий — пок, тоза, сара деган маънодадир.

6. Сайд Бадр — Хусайн Бойқаро амирларидан бири. Доим базм мажлисларда Султон Хусайннинг ёнида бўлиб, ўзининг ёқимли хунарлари ва рақсга тушиши билан даврани қизитувчи киши бўлган.

7. Мири Мўғул — бу ҳам Хусайн Бойқаро амирларидан бири, бир неча муддат Ҳиротда, кейинроқ Астрободда ҳоким бўлган. Астрободда ҳокимлик қилган даврида исён кутарган ва жазодан қурқиб Ироққа қочиб кетган. 1491 йилда Табризда ўлдирилган.

8. Қадаққаш — бу уринда май қуйувчи маъносида.
9. Гуҳарпош — гавҳар тўқувчи. Бу ўринда мажозий маънода қулланилмоқда. Яъни: гузал ва пурмаъно сузлар айтувчи.

10. Муҳаммад кукалтош — Ҳусайн Бойқаро саройидаги мулозимлардан бири.

11. Эгри — чолғу асбоби, чангнинг бир тури.

12. Афзал — Амир Афзалуддин Муҳаммад, Ҳусайн Бойқаро саройида юксак мартабаларда хизмат қилиб келган. Навоийнинг яқин дўстларидан бири бўлган.

76

1. Мирзо — Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тutilмоқда. Юқоридаги «баъзи ёронлар» деб ёзилган ўринда ҳам Султон Ҳусайн назарда тutilлаётган бўлиши керак. Афтидан бу жумлалар замирида мактуб жунатиллаётган шахс — шахзода билан ота — Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги айрим келишмовчиликлар ётипти.

2. Тўрт унсур — турт модда (элемент) яъни: ут (олов), сув, тупроқ ва ҳаво.

77

1. Суз бораётган қизил ва оқ рангли тухфалар тилла ва кумуш тангалардир. Тилла тангаларни қуёшга, кумуш тангаларни эса юлдузларга ўхшатишмоқда.

2. Яъни, тилла ва кумуш тангалардан.

3. Яъни, нафис ипакли мато билан мактубдан.

4. Яъни, бошингга доимо ой ва қуёшдан кумуш ва тилла тангалар сочилсин, дейилмоқчи.

78

1. Яъни, давлатингиз хизматига қаттиқ берилганлигим натижаси эди, дейилмоқчи.

2. Демак, давлат ишлари тақозоси билан мамлақатнинг қайсидир вилоятига (эҳтимол Астрободга) юборилган Навоийнинг ёнида Ҳусайн Бойқаро навкарлари ҳам бўлган.

3. Сийми ноб — соф кумуш.

4. Мисранинг мазмуни: Қишнингги булут (эса) оқ сувсар мўйнасию силовсин терисидан бўлган пустиги бўлсин.

5. Мисранинг мазмуни: май у кумуш раиғ устидан берилган қизил ҳал булсин.

6. Байтнинг мазмуни: мақсадга эришмоқ баҳори келди, уни Аллоҳ ҳазон булишдан асрасин.

7. Салтанат осмонининг қуёши — Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда.

8. Эътимодли — ишонса, таянса бўладиган.

9. 47-мактуб; 7-изоҳга қаралсин.

79

1. Нишбн — бу сўзнинг белги, тамға, дарак, байроқ, фармон каби маъноларидан ташқари хат, мактуб маъноси ҳам бор. Бу уринда ана шу маънода қулланилмоқда.

2. Меҳнат — машаққат, қийинчилик.

3. Мисранинг мазмуни: шамшод (дарахти) мисол ёқимли қоматинг ҳамиша соғ-омон бўлсин.

80

1. Бадҳол — ҳоли ёмон.

2. Мирзо — шаҳзодалардан бири.

81

1. Нузул қилмоқ — юқоридан, кукдан пастга тушиш, иниш.

2. Мушки ноб — ўта хушбўй модда.

3. Сунбул — хушбўй, қора рангли ўсимлик.

4. Қулларингиз — яъни, қул остингиздаги хизматчиларингиз, шу қаторда Навоий ўзини ҳам назарда тутмоқда.

5. Бандаларингиз — бу ҳам шундай.

82

1. Ғариб — бу сўз икки маънога эга: 1. Мусофир, ўзга юртлик. 2. Ажойиб, қизиқ, камёб. Учунчидан эса ушбу мактуб Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан бўлмиш Шоҳ Ғариб мирзога йўлланмоқда, мазкур сўзларда шунга ҳам ишора мавжуд. Рубойининг тўртинчи мисрасида энди шаҳзоданинг исми тилга олинмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича («Бобурнома», 224-бет)

Шоҳ Фариб мирзо Султон Ҳусайн Бойқаронинг суюқли хотини Хадичабегимдан туғилган тунғич ўғил бўлиб, бадани нотавон, яъни букри булган, бироқ табнатиан хушахлоқ ва ширин суз йиғит булган, «Фарибий» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Отаси бир неча йиллар унга Ҳирот шаҳри ҳокимлигини берган. Шоҳ Фариб Мирзо отаси ҳаётлик чоғидаёқ вафот этган.

2. Афтода — йиқилган, дармонсиз. Навоий узини назарда тутмоқда.

3. Шикаста — сениқ, мажрух, кўнгли озор толган.

4. Кофур — гоят оқ ва хушбуй модда (фанда кам-фара деб аталади).

5. Нуқта — мактуб матнидаги нуқталар назарда тутилмоқда. Ушбу байтдан маълум бўладики, шаҳзода Навоийга мактуб йўллаган, шонр ана шунга биноан жавоб мактубини ёзмоқда.

6. Мушк — қора тусли ва ёқимли ҳид таратувчи модда.

7. Нуқта — нозик ва чуқур маъноли сўз.

8. Мактубдаги нозик маъноларни ипга тирилган дурга ухшатишмоқда.

9. Кушод — очиқ, очилган. Мисранинг мазмуни: ишингга хар дамда йўл очилсин.

83

1. Мактуб йўлланаётган шахс назарда тутилмоқда.

2. Мавкиб — улуғ шахслар, чунончи шоҳнинг ёнида кузатиб борувчи отлиқ ёки пиёда навкарлар — эскорт.

3. Тўтиё — мис зангидан пайдо бўладиган кристалл. Қадимда Шарқ мамлакатларида куз оғригини даволаш ва шунингдек кузни равшан қилиш учун ишлатилган. Мисрада шунга ишора бор.

4. Яъни, юз ёққа.

5. Рухсор — юз, чеҳра.

6. Хома — қалам.

7. Сочик — тўй ва зиёфатларда тортиладиган нознеъматлар.

84

1. Махлас — бу ерда «халослик жойи» маъносида.

2. Бу уринда аслида, қилинган хатоликларни ўзингизнинг нафсингиздан кўринг, дейилмоқчи.

3. Яъни калимаи таййибахни («ло плоха иллоллоҳ»

Муҳаммади-р-росулуллоҳ» — Аллоҳдан бошқа маъбуд йук, Муҳаммад унинг элчисидир) зикр этиб юриш мас-лаҳат берилмоқда.

85

1. Бу мактуб «Муншаот»нинг 66-йилдаги нашрида матбаачиларнинг эътиборсизлиги оқибатида рақамлан-маганлигидан ташқари аввалги мактуб матнига қушиб нашр этилган. Натижада икки мактуб бир рақам остида битта мактуб бўлиб қолган. Асарнинг барча қул-ёзма нусхаларида улар алоҳида-алоҳида мактублар эканлиги аниқ кузга ташланади.

2. Навоий мактубнинг ушбу узига хос кириш қисми-да ғоятда чиройли ухшатиш ва ишоралар билан тақ-дирнинг инсон бошига яхши кунлардан кура ёмон кун-ларини юз чандон кўпроқ солишидан шикоят қилаётган бўлса-да, аслида яшаб турган даври («даврон базми») ва муҳити («дунё бозори») устидан айблов сузларини баён этмоқда.

3. Яъни, зийрак ва оқил кишилар.

4. Яъни, турғилик йулидан оқувчи тиниқ ва мусаф-фо сувдан.

5. Яъни, барқарор эмас.

6. Яъни, фалак маккор кампирнинг афсун билан инсон йулини боғлаб қуйиши (банд солиши) ва ёмон-ликларни бошига солиши (бало келтириши). Бу уринда шоир жонлантириш санъатини қўлламоқда — инсон бо-шига турли хил кўргиликларни солувчи тақдирни мак-кор кампирнинг кирдикорлари сифатида кўрсатмоқда.

7. Яъни, мактуб йўлланаётган кишидан.

86

1. Яъни, тақдирдан.

2. Навоий уз даврининг ижтимоий ҳаётига киноя қилмоқда.

87

1. Яъни, пойтахт — Ҳирот.

2. «Юқори» деганда Навоий бошқа мактублардаги каби подшоҳ Ҳусайн Бойқаро саройини назарда тутмоқ-да. Афтидан, Абушаҳма Баҳодир деган шахснинг фар-занди подшоҳ қул остидагилар томонидан ҳақсизлик қурбони булган ва у бу ҳақда арз қилиш мақсадида подшоҳга учрашмоқчи.

3. Бушдай сифатларни Навоий фақат Ҳусайн Бойқарога нисбатан ишлатиши мумкин. Умуман, мактубда ёзилаётганлардан Навоийнинг мазкур кишига марҳамат курсатишни ўта мулойим тарзда Султон Ҳусайндан сураётганлигини уқиб қийин эмас.

88

1. Валинеъмат — неъмат эгаси, боқувчи, тарбиячи; подшоҳ.

2. Иккинчи рубоийдаги «бандангни» ва «бу ғамгинни» сўзлари орқали Навоий ўзини назарда тутмоқда.

3. Яъни, Навоийга ҳукумат томонидан берилган ерлар ёки боғ-роғдан олинган ҳосил.

4. Ана шундай ҳодисани биз яна Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида ўқиймиз:

905 йили (мил. 1499 йил) саодатли шаҳзода Муҳаммад Муҳсин мирзо мамлакатнинг баъзи эҳтиёжлари учун Сабзавор қалъасига бир миқдор эҳтиёт ғалла тўпламоқчи бўлди. У вилоятда эса ғалла топилмас эди. Амир ва ноиблардан бир гуруҳи Навоий ҳазратларининг бу шаҳарда ғалласи кўплигини ва олий фармон билан у ғалладан эҳтиёжга яраша олайлик ва ғалла бўлганда у жанобнинг вакилларига эвазини қайтарайлик, деб арз қилдилар. Гузал хулқли шаҳзода уларга шундай жавоб берди:

— Амир жанобларининг ғаллаларидан бир миқдорини олиш у ёқда турсин, ҳатто унга ҳеч ким тўғридан-тўғри кўз ташлай олмайди.

Бу хабар олий табиатли Амирга (яъни, Навоийга) эшитилди. Маҳдумзода ҳақида яхши дуолар қилиб, Сабзавордаги ҳамма ғаллаларини шаҳзодага тортиқ қилди. Бу бобда ноибларидан бирига мактуб ёзиб, шу сўзларни айтди: валлоҳки, агар ҳар бир дона буғдой ўрнида бир донадан марварид бўлганда эди, у зотдан аямай, ҳаммасини назр қилиб, меҳр-муҳаббат уруғини шаҳзоданинг дилларига сочар эдим (каралсин: Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ, Т., 1967, 102—103-бетлар).

89

1. Гархон — бу сўз уч маънога эга: 1. Солиқлардан ва айбловлардан озод қилинган киши, имтиёзли шахс. 2. Шундай имтиёзларга эга бўлган мансабдор. 3. Туркий қабилалардан бирининг номи. Бизнингча бу ўринда

мазкур сўз иккинчи маънода қўлланилмоқда. Чунки, бу сўздан олдин «давлат рақами» ибораси ишлатилмоқда, яъни, тархон шунчаки шахсий мактубни эмас, балки давлат рақами — ҳукумат ишларига доир ҳужжатни олиб келган.

2. Яъни, Султон Ҳусайн Бойқародан. Демак, ушбу мактуб ҳам Ҳусайн Бойқарога жавоб тариқасида ёзилмоқда.

90

1. Факум ҳақир — эътиборсиз, бечора, муҳтож инсон. Ута паст тушиш маъносида Навоий узини шундай атамоқда.

2. Сулук бодиясининг раҳнаварди — айнан: Худога яқинлашиш йўлида саҳронинг босиб ўтувчи; мажозий: дарвешлик йўлига кирган (сўфийликда).

3. Фақру фано зовиясининг соҳиб дарди — айнан: фақирлик ва йўқлик бурчагининг дардкаши; мажозий: узлатда яшовчи (сўфийликда). -

4. Байтда ҳам насрий қисмда сўз бораётган киши хусусида сўз юритилмоқда. Яъни, унинг ёнимиздан кетганлиги оқибатида бизга дарду малоллик юзланган бўлса, энди у борган жойдагилар узларини бахтли ҳисобласинлар, дейилмоқчи.

91

1. Хилқат — яратилмиш, яратилган зот. Бу жумлада сендан юз угирдим ва қийинчиликлардан қутулдим, дейилмоқчи.

2. Яъни, оталик меҳрини сенинг аҳволингни яхши бўлишига сарфладим, дейилмоқчи.

3. Асл матндаги «зоҳирингни» сўзи урнида «тарбиятингни» сўзини қўлладик. Чунки инсоннинг тарбияти унинг ташқи кўринишида, яъни, юриш-туриши, одоби, муомаласи, узини тутншларида намоён бўлади. «Ботинингни» сўзи урнида эса «қобилиятингни» сўзини қўллаш ўринлидир. Чунки инсоннинг ички (ботиний) қиёфаси унинг қобилияти тарзида намоён бўлади. Шу маънода «ботин аъмо» иборасининг маъноси «зехнсиз», «уқувсиз» эканлигини эслаш ўринлидир.

4. Подшоҳи исломнинг — яъни, Ҳусайн Бойқаронинг.

5. Озодалар — бу сўз бир неча маъноларга эга. Бу

Ўринда «соф кунгилли, покиза инсонлар» маъносида қўлланилмоқда.

6. Феруза — буюмларга безак сифатида ишлатиладиган ҳаво ранг кукимтир рангли қимматбаҳо тош.

7. Зумрад — яшил тусли қимматбаҳо тош, «зумуррад» шаклида ҳам қўлланади.

8. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

9. Фисоғурс — қадимги юнон файласуфи ва мутафаккири Пифагор, тахминан милоддан аввалги 570—500 йилларда яшаган. Куй ва мусиқа асбобларини ясаган.

10. Арасту — Қадимги юнон файласуфи ва мутафаккири Аристотель, милоддан аввалги 384—322 йилларда яшаган. Урта аср Шарқда уни Арасту, Аристутолис номлари билан «Биринчи муаллим» деб аталар эди.

11. Абу Наср Фаробий — машҳур фанласуф, қомусий билим эгаси. 873-йилда Фароб шаҳрида туғилиб, 950-йилда Дамашқ шаҳрида вафот этган. Шарқ мамлакатларида улуғланиб, «ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим»), «Шарқ Арастуси» деб юритилган. Мусиқа назариясига доир бир неча жилдлардан иборат «Мусиқа ҳақида катта китоб» деган асар ёзган.

12. Хожа Абдулқодир — Хожа Абдулқодир бин Гайби ал-Ҳофиз ал-Мароғий, машҳур мусиқашунос ва мохир созанда, ашулачи ва бастакор. 1340 йилда Эрон Озарбайжонининг Мароға шаҳрида туғилиб, 1435 йилда вафот этган. Умрининг қирқ йилдан ортигини Амир Темури ва теурийлар саройида хизмат билан ўтказган. Мусиқа назарияси соҳасида бой мерос қолдирган; бастакор сифатида 200 дан ортиқ асар яратган. Ўз даврида қўлланилган 45 чолғу асбобини тавсифлаган. Ўзи «уди мурассаъ» деган торли соз ихтиро қилган. Хожа Абдулқодир форс ва турк тилларида шеърлар ҳам ёзган.

13. Яъни, адвор — мусиқа фанида.

14. «Мажолис ун-нафоис» — Навоийнинг ўзи яраган тазкира. Унда шоир ўзигача яшаб ўтган ҳамда ўзига замондош бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросонлик 459 шоир ҳақида қимматли маълумотларни беради. Ёзилганлардан маълум бўлмоқдаки, Навоий ушбу мактубда танбеҳ бераётган йигитни ҳам ана шу тазкирага фозил инсонлар қаторида киритган. Бироқ, бу йигит номақбул ишларни содир этгандан сўнг унинг номини тазкирадан чиқарган.

Таниқли навоийшунос олим А. Ҳайитметов ана шу далилга эътибор бериб «Мажолис ун-нафоис» асарини

нинг мавжуд икки редакцияси қўлёзма нусхаларини синчиклаб ўрганиб, иккинчи редакцияда бор булган «Мириброҳим» исмининг биринчи редакцияда йўқлигини аниқлайди. Шунга кура сўз бораётган йигит Навойнинг акаси Шайх Баҳлулбекнинг невараси Мириброҳимдир, деган фикрга келади (қаралсин: Навойнинг тутнган ўғли. Мерос ва ихлос, Т., 1985, 132—135-бетлар).

Ёш адабиётшунос олим Қ. Эргашев эса мактуб мазмунининг бошқа жиҳатларига асосланиб сўз бораётган шахс Шоҳкули исми мохир ёнжжакчи йигит деб кўрсатади (қаралсин: Қодир Эргашев. Ноқобил фарзанд ким? Туркистон, 1991 йил, 21 август).

92

1. Мавлоно Қосим — Дарвеш Али (Навойнинг укаси) хизматидаги ноибларидан бири бўлиб, аввалда Навой қўлида хизматда бўлиб қандайдир номақбул иш содир этган куринади.

2. Дарвеш Алибек — Навойнинг укаси, Ҳусайн Бойқаронинг амрларидан бири бўлган. Бир неча вақт Балх ҳокими ҳам булган. Навой вафот этгач, истеъфога чиқиб, 1509 йили Шайбонийхон, 1511 йили Бобур хизматига кирган.

93

1. Жавҳарий — бу ерда қимматбаҳо тошларни ишлатувчи уста маъносида қўлланилмоқда.

2. Қорхона — пшхона. Бу уринда дунё маъносида қўлланмоқда.

3. Маҳдумзода — улуғ зотнинг фарзанди ёки авлди. Бу уринда Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бирига нисбаган ишлатилмоқда. «Маҳдум» сўзи хизмат этилган киши маъносига ҳам эга. Шунга кура Навой шаҳзодани «маҳдумзода» деб тилга олаётган бўлиши ҳам мумкин.

4. Сўз бораётган шаҳзода назарда тутилмоқда.

5. Яъни, Ҳиротдалик чоғида дейилмоқчи.

6. Сарҳадлардаги — чегаралардаги. Тилга олинган шаҳзодалар Ҳусайн Бойқаро давлатининг чегарасига жойлашган вилоятлар ҳокими эканлигини назарда тутган ҳолда бу сўз ишлатилмоқда. Чунки Бадиуззамон

Мирзо ғарбий чегарадаги вилоят Мозандаронга, Ҳайдар Мирзо эса шимоли-шарқий чегарада жойлашган Балхга ҳокимлик қилар эдилар.

94

1. Аслиятда «жузв» — бўлак, парча. Бу ўринда қоз бўлаклари, яъни байтлар битилган қозлар назарда тутилган.

2. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

3. Афтидан, Навоийга шеърларини туплаб, девон ҳолига келтириш ҳақида кўрсатма ёки таклиф бўлган. Бундай ҳуқуққа Султон Ҳусайнгина эга бўлган. Зотан, Навоий ўзининг биринчи девони «Бадосъ ул-бидоя» ва лирик куллиёти «Хазойин ул-маоний» дебочаларида мазкур шеърини тупламларини Ҳусайн Бойқаронинг топшириғи билан амалга оширганлигини ёзади. Демак, мактуб ҳам унга ёзилган.

4. Олий мажлис — Ҳусайн Бойқаро бошлиқ саройдаги ахли фазл назарда тутилмоқда.

5. Мактубдаги ҳар икки рубоий билдириладиган тилак ва дуолар ҳам унинг адресати Султон Ҳусайн Бойқаро эканлигига далил була олади.

95

1. Аслиятда «талх», яъни: «май улча мумкиндур талх келгай». Бунда «аччиқ» маъносидаги ушбу сўз узумдан тайёрланган кайф берувчи ичимликка нисбатан ишлатиладиган «ўткир» сўзига тўғри келади, «му-саллас жуда ўткир чиқипти» каби. Ёки, «Оч қоринга тушган ўткир май виз эттириб меъдани қайнатди» (А. Кодирий. «Ўткан кунлар», Т., 1974, 193-бет).

2. Кўп ёки куб — суюқликларини сақлаш учун ёғоч-тахтадан ишланган идиш. Ҳозирги кунда «кув» ҳам дейилади.

3. Муътадил қивом — меъёрида пишиб етилганлик.

4. «Дору-ш-шифо» — Навоий уз маблағи ҳисобидан қурдирган шифо маскани. Бу ерда уз даврининг таниқли табиблари, Навоий ишончини қозонган ҳакимлар табобат илми билан шуғулланганлар, беморларни даволаганлар.

5. Мактуб йулланаётган шахзода назарда тутилмоқда.

6. Сувчихона — ичимликлар сақланадиган махсус жой.

1. Мушк—хушбўй қора модда бўлиб, Хутан оҳулари киндигида етишади дейилади.

2. Демак, мактуб билан бирга тўрт ғазал ҳам юборилган.

3. Тўрт жавоҳири инсоний — тўрт инсоний жавҳар, яъни халқ тилидаги инсоннинг тўрт мучаси — қўл, оёқ, кўз ва қулоқ.

4. Тўрт кутуби осмоний — тўрт осмон китоби. Яъни, осмондан тушган тўрт китоб: Инжил, Забур, Таврот ва Қуръон.

5. Асар етказди — белги беради.

6. Хўблар — суврати гўзал, айна пайтда сийрати ҳам ёқимли аёллар.

7. Сано — мақташ, мадҳ этиш.

8. Яъни, у дуо ва саноларни Аллоҳ қабул этсин.

97

1. Мисранинг мазмуни: Бутун ер юзи халқлари устидан ҳукмдорлик қилиш сенга муяссар бўлсин.

2. Мирзо — Ҳусайн Бойқаро фарзандларидан бири.

3. Мизожлари айна саломат ва маҳзун истиқоматдадур — соғлиқлари жуда яхши.

4. Бу ёзилганлардан маълум буладики, Навоий форсий девони — «Девони Фоний»ни ҳам Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан тартиб берган.

98

1. Мирзо — Ҳусайн Бойқаро.

2. Ушбу матлаъ — мактуб бошидаги байт.

3. Бу мактуб қул — бу айрилиқда юрган қул, яъни, Навоий узига ишора қилмоқда. Битган ҳасби ҳол тарзидаги байтига Ҳусайн Бойқаро тузатишлар киритишдан умидворлик билдирмоқда.

99

1. 73-мактуб, 2-изоҳга қаралсин.

2. Фосиқ — буйруқ, фисқу фужур ишлар билан шуғулланувчи одам.

3. Порсо — ёмон ишлардан ўзини сақловчи, тоат-ибодатга берилган киши.

1. Аҳли худо — тўғри йўлга кирганлар, тўғри йўлдан боровчилар.

2. Сарбаланд — юксак даража, шуҳрат, донгдорлик.

3. Рисолат — элчилнк. Пайғамбар Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг Аллоҳ элчиси эканлиги назарда тутилмоқда.

4. Шаҳодат калимаси — Аллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммад с. а. в. унинг элчиси эканлиги ҳақида гувоҳлик берувчи калима, яъни, «Ашҳаду ан лаа илаҳа иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва ра-сулуху».

5. Хадиси саҳиҳ — тўғри, ишонарли ҳадис, яъни, пайғамбар Муҳаммад с. а. в. сўзи.

6. Аслиятда «қаро улусқа».

7. Навоний ўзини айтмоқчи.

8. Сиёсат — бу ерда ўз қўли остидагиларни жазолаш ва қўрқитиш йўллари билан бўйсундириб интизомда сақлаш маъносида.

101

1. Бу рубоий Хусайн Бойқаро девонида ҳам мавжуд (қаранг: Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола. Т., 1968, 155-бет).

2. Тийра — бу суз «қора» ва «қоронғу» маъноларига эга бўлса-да, қайси иборада ишлатилишига қараб куплаб маъноларни ифодалайди. Бу ўринда эса «хиралашган» маъносида қўлланилмоқда. Одатда кўз ҳаддан ташқари қайғудан ёш тукаверса у хираллашиб, охири кўрмай қолади. Шу ҳолатни чироқнинг хираллашиб охири ўчиб қолишига ўхшатишмоқда.

3. Толиб — талаб қилувчи, изловчи, майл этувчи.

4. Матлуб — талаб этилган, орзу этилган кимса ёки нарс.

5. Роғиб — рағбатланган, қалбан яқин киши, кўнгли мойил одам.

6. Марғуб — кўнглига хуш ёқувчи, севимли.

102

1. Қуръони карим, Раҳмон сураси, 26-оят.

2. Қуръони карим, Оли имрон сураси, 185-оятдан.

1. Яширин ташбеҳ санъатини қўлланган ҳолда мактуб йўлланаётган шахснинг давлати назарда тутилмоқда. «Сўлган гул» воситасида эса унинг бевақт вафот этган ўғли ёки невараси назарда тутилмоқда.

2. Энди марҳум фарзанд юлдузга, ҳукмдор отасининг давлати эса осмонга ўхшатишмоқда.

3. Масиҳ — ўзининг нафаси билап ўлган танга жон киритувчи пайғамбар, яъни Исо алайҳиссалом. Шарқ адабиётида севгилининг лабини жонбахшликда Масиҳога ухшатилади.

4. Довуд — бу ҳам пайғамбарлардан бири. Ривоятларда нақл қилинишича Аллоҳ таоло унга инҳоятда яхши ва ёқимли овоз ато этган. Жумладан, Алишер Навоийнинг ёзишича, Довуд қачон «Забур»ни овоз чиқариб ўқиса, ҳайвону қушлар, жину инслар йиғилиб, беҳол бўлишган (қаралсин: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн бешинчи том, 222-бст).

104

1. Яъни, мактуб йўлланаётган шахс турган ердан.

105

1. Шуюматлари — ноҳақ, номақбул ишлар.

2. Хабис — ёмон, ярамас, булғонч.

3. Ҳабиб — севикли, дўст. Маъно жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган бу икки арабча сўз ёзилишига кўра битта узакка эга, яъни **حبس** Нуқталар ўрнига қараб хабиб — **حبيث** ва ҳабиб — **حبيب** ўқилади. Навоий ана шу ҳодисага ишора қилмоқда.

4. Қубҳ — ёмон; хупук кўринишли.

5. Фатҳ — очиш; очилиш, ечилиш. Бу икки сўз ҳам нуқталар ўрнига қараб фарқланади: **فتح** ва **فتح**.

6. Хашиш — қупол, дағал ва яна асов, саркаш.

7. Хусн — гузаллик, чирой, кўрк. Бу ерда ҳам шу ҳол, яъни: **حسن** ва **حسن**.

106

1. Марҳум — бу сўз икки маънога эга: 1. Қишининг раҳми келадиган даражада бечораҳол одам. 2. Вафот этган киши. Ушбу ўринда аввалги маънода қўлланган.

2. «охирн давлатли замон...» ва «охирн саодатли даврон...»—бунда Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмдорлик даври назарда тутилмоқда — охирн давлатга эришилган ва охирн саодатга етишилган даврон маъносида. Кейинги жумла («уттиз йил хушхолик ва хотиржамлик билан ҳаёт кечирипти») ҳам шуни кўрсатади. Чунки, бу «уттиз йил» — аслиятда «бир қарн» — Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтирган йилидан (1469) мактуб ёзилаётган йил (тахминан 1498—1499) орасидаги вақтдир.

3. Юқорига юзланди—яъни, энг юқори ва олий даргоҳ — подшоҳ саройи бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаро хузурига йул олди. Демак, мактуб ҳам унга ёзилгандир.

107

1. Бу мактуб Навоий «Муншаот»нинг қулёзма нусхалари таркибида йўқ. Ушн биз собиқ ЎзФА Қулёзмалар илмий текшириш институтининг қулёзмалар фондида 2777-инв. рақами билан сақланаётган Навоий «Хамса»си қулёзмаси саҳифасида (266 «а» варақ) «ИЗОАН МИН ИНШОИ АМИР АЛИШЕР НАВОИИ РУХСАТИ ҲАЖ» сарлавҳаси остида учратган эдик. Мазкур сарлавҳа ва мактуб мазмунига кўра у Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ҳаж сафарига рухсат сўраб ёзган мактубларидан биридир.

2. Фано саҳроси — йўқлик саҳроси. Тасаввуф таъбирига кўра бу ўткинчи дунё.

3. Фалак атласи — Бу ерда мажозий маънода, яъни «тақдир атласи». Жумланинг маъноси: Ажал шамолининг офатидан ҳар қандай тақдир эгасига омонлик йўқ.

4. Заъфарон тусли — сариқ тусли. Жумланинг маъноси: узоқ вақт давом этиб келаётган касаллик оқибатида хаста баданда улим белгиси бўлмиш сарғайиш пайдо бўлди.

5. СИН ҚАСРАТИ «СИН» АДАДИҒА БАРОБАР — ёш миқдори س — «син» сонига тенг, яъни, ёшим «син»га баробар. Абжад тартибига кўра س олтмишга баробар. Демак, Навоий ўзинга хос суз ўйини воситасида ёши олтмишга борганлигига ишора қилмоқда. Бу эса бизга мазкур мактубнинг ёзилган йилини аниқлашга имкон беради. Маълумки, Навоий ҳижрий 844 йил 17 рамазон ойида туғилган. Ҳижрий ҳисоб билан унинг олтмиш ёши 904 йилга туғри келади. Бу эса милодий

йил ҳисоби билан 1498—1499 йиллардир. Навоий «Муншаот»нинг энг сунгги, учинчи редакциясини 1497—98 йилларда амалга оширганлигини ҳисобга олсак мазкур мактубнинг тўпلامга кирмай қолганлиги сабаби ўз-ўзидан маълум бўлади.

6. «Ажал» (احل) сўзида уқ шаклидаги «алиф» мавжуд; ана шу ҳарф «ҳаёт» (حيات) сузида ҳам бор. Бу сузнинг настаълиқ хатидаги шакли уқланган камонга ухшаб кетади. Ажал туфайли ҳаёт камонидан узилган ўқ қайтиб келмайди. Бу уринда яна бир эътиборга лойиқ жиҳат мавжуд — аслиятда қўлланган «шаст» сўзи (ажал шасти) бир неча маъноларга эга. Чунончи, камон, олтмиш (60), қармоқ, тузоқ, чангак каби. Шу тариқа Навоий араб ёзуви хусусиятлари ҳамда куп маъноли сузлар воситасида ана шундай суз уйини ва ухшатиш қилмоқда.

7. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

8. Фақру-л-лоҳ—Аллоҳга сиғинган ҳолда дунёдан кечиш.

9 Яъни, Ҳусайн Бойқароннинг жавоби.

10. Масжиди Ақсо — Қуддус шаҳридаги катта масжид.

Адабий бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

МУНШАОТ

(мактублар)

Тошкент «Маънавият» 2001

Муҳаррир Т. Ҳобилов
Бадий муҳаррир С. Аъзам
Техн. муҳаррир Т. Золотилова
Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Тарихга берилди 19.01.01. Босишга рухсат этилди 30.01.01. Бичилиш
84×108 1/32. Литературная гарнитураси, Юниси босма усулида босилди.
Шартли б.т. 7,98. Шартли кр-отт. 8,4. Нашр т. 1,2. 3000 нуска. Буюртма
№ 17. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 06-01.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-уй. 2001.

йил ҳисоби билан 1498—1499 йиллардир. Навоий «Муш-шаот»нинг энг сўнги, учинчи редакциясини 1497—98 йилларда амалга оширганлигини ҳисобга олсак мазкур мактубнинг тўвламга кирмай қолганлиги сабаби уз-ўзидан маълум бўлади.

6. «Ажал» (اَجَل) сўзида ўқ шаклидаги «алиф» мавжуд; ана шу ҳарф «ҳаёт» (حَيَات) сўзида ҳам бор. Бу сўзнинг настаълиқ хатидаги шакли ўқланган камонга ўхшаб кетади. Ажал туфайли ҳаёт камонидан узилган ўқ қайтиб келмайди. Бу уринда яна бир эътиборга лойиқ жиҳат мавжуд — аслиятда қулланган «шаст» сўзи (ажал шаст) бир неча маъноларга эга. Чунончи, камон, олтинш (60), қармоқ, тузоқ, чангак каби. Шу тариқа Навоий араб ёзуви хусусиятлари ҳамда кўп маъноли сўзлар воситасида ана шундай сўз ўйини ва ўхшатиш қилмоқда.

7. Навоий узини назарда тутмоқда.

8. Фақру-л-лох — Аллоҳга сиғинган ҳолда дунёдан кечиш.

9. Яъни, Ҳусайн Бойқаронинг жавоби.

10. Масжиди Ақсо — Қуддус шаҳридаги катта масжид.

Адабий бадиий нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

МУНШАОТ

(мактублар)

Тошкент «Маънавият» 2001

Муҳаррир Т. Ҳобилов
Бадиий муҳаррир С. Аъзой
Техн. муҳаррир Т. Золотилова
Мусахҳиҳ Ш. Шаҳомброва

Теринга берилди 19.01.01. Босишга руҳсат этилади 30.04.01. Бичими
84x108 1/32. Литературная гарнигураси. Юқори босма усулида босилди.
Шартли б.т. 7,98. Шартли кр-оит. 8,4. ташар т. 7,7. 3000 нусха. Буюртма
№ 17. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 06-01.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-уй. 2001.



Н14

Навой, Алишер.

Муншаот: (Мактублар) /Изоҳли баён муаллифи: Ю. Турсунов. — Т.: «Маънавият», 2001 — 152 б.

111

